ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК.94(575.1) |18/19|

АЛИМОВА НАДИРА ИБРАГИМОВНА

ЧОР РОССИЯСИНИНГ ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРГАН СИЁСАТИ (1867 - 1917 ЙИЛЛАР)

Мутахассислик 07.00.02 - Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
тарих фанлари доктори,
профессор Д.А. Алимова.

Тошкент - 2004

Мундарижа

Кириш 3

I-боб. Чор ҳукуматининг Туркистонда миллий маорифни чеклаш сиёсати

1.1. Мадраса ва мактаблар фаолиятига чоризмнинг муносабати 26

1.2. Мадрасалар моддий базасининг заифлаштирилиши ва ўқув ишларини назорат қилишнинг кучайтирилиши..... 36

II-боб. Жадид мактабларининг вужудга келиши, ривожланиши ва чоризмнинг унга қарши кураши

2.1. Миллий зиёлилар томонидан жадид мактабларининг ташкил этилиши..... 59

2.2. Янги усул мактаблари ривожида муаммолар ва чор маъмурияти тазйиқи 76

III-боб. Туркистон халқи маданий меросининг чор ҳукумати томонидан ўзлаштирилиши

3.1. Қўлёзма асарлар ва архив ҳужжатларининг Россияга олиб кетилиши..... 90

3.2. Моддий маданият ёдгорликларининг талон-торож этилиши... 107

Хулоса 127

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати 135

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистонда мустақилликнинг эълон қилиниши халқни Совет мустамлакачилигидан озод қилиб, Республикада адолатли, демократик, инсонпарвар жамият қуришга, бозор иқтисодиётига ўтишга йўл очиб берди. Мустақиллик туфайли юртимиз тарихи, маънавий қадриятларимиз, қадимий маданиятимиз тиклана бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мустақиллик шароитида қадимий маданиятимизнинг тикланиши сабабларини кўрсатиб шундай деган эди: «Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар халокатдан қутқариб қоладиган ягона куч-маърифатдир. Асримиз бошида Туркистонда кечган воқеаларни бир эсланг. Нега бу ўлкада ўша йиллари маърифатчилик ҳаракати ҳар қачонгидан ҳам кучайиб кетди? Негаки, чор Россияси асоратига тушиб қолиб, буткул таназзулга юз тутган ўлкани уйғотишга, халқнинг кўзини очишга фақат маърифат орқалигина эришиш мумкин эди. Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади»[1].

Чоризм ва қизил империя даврида ўзбек халқининг миллий маданиятини, она тилини, динини йўқ қилишга қаратилган сиёсат олиб борилгани, чор Россияси босқинчилари Туркистонда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун маҳаллий халқни руслаштиришга интилгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Қадимдан миллий маданият ривожланган, кўп сонли мадрасалар ва мактабларга эга бўлган Туркистонда ўзига хос таълим тизими мавжуд эди. Кейинчалик бу ерда жадид

[1] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Тошкент: Шарқ, 1998 Б. 7.

мактаблари ҳам вужудга келди ва уларда диний билимлар билан бирга дунёвий билимлар ҳам ўқитила бошланди. Маҳаллий ёшларнинг миллий мактабларда таълим олиши уларнинг ўзлигини англашига ёрдам берар эди. Шунинг учун чор ҳукумати миллий маорифни чеклаш, мадраса, мактабларни вақф ерларидан маҳрум қилиш ва шу йўл билан уларни йўқ қилиш сиёсатини олиб борди. Чор маъмурлари Туркистонда жадид мактабларини очилишига қаршилик кўрсатдилар. Чунки бу мактабларни очган жадид маърифатчилари, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даъват этдилар ҳамда чоризм истибдодига қарши курашдилар.

Туркистон азал-азалдан илм-фан, маданият ривожланган ўлка бўлган ва жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган. Бу ерда ўрта асрларда юзлаб дунёвий ва исломий фанлар олимлари етишиб чиққан ва улар кўплаб қўлёзма асарлар ёзиб қолдирган. Шу билан бирга манбалар ўлкада қадимдан архитектура, тасвирий ва амалий безак санъати тараққий этганлиги, бадиий ҳунармандчилик, айниқса, кулолчилик, кандакорлик, мисгарлик, заргарлик, ўймакорлик юксак даражага кўтарилганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Россия босқинчилари Туркистоннинг моддий бойликлари - олтин, кумуш, пахта, ипак ва бошқалар билан бир қаторда маданий, тарихий ёдгорликларни - қўлёзма асарларни, архив ҳужжатларини, нафис осори-атиқаларни Санкт-Петербург, Москва кутубхоналари, музейларига ташиб кетиши ўша пайтда давлат сиёсатига айланган эди. Бу ҳақда Россия императори ўзи ҳам маҳаллий рус маъмурларига кўрсатмалар берган. Натижада ўзбек халқи жуда кўп қадимий тарихий ёдгорликлардан маҳрум бўлган. Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини давом эттирган советлар даврида чор Россиясининг миллий маданият соҳасида олиб борган сиёсатини танқид қилиш, тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди. Советлар Ўзбекистонда миллий маданиятни чеклаш, тугатиш сиёсатини янада чуқурроқ ва

жадалроқ амалга оширишга ҳаракат қилиши туфайли совет даврида чоризмнинг маданий сиёсати, унинг мақсади, амалга оширган чора тадбирлари яширилди, ҳақиқий тарих сохталаштирилди, баъзи саҳифалари умуман кўрсатилмади. Бу соҳада тарихий ҳақиқатни тиклаш бугунги кунда ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Диссертация мавзуси шу вақтга қадар етарли даражада тадқиқ қилинмаган ва унга тегишли архивлардаги ҳужжатлар илмий муомалага киритилмаган. Бу муҳим мавзуни ўрганиш Ўзбекистон тарихи фанидаги «оқ доғлар»ни тўлдиришга ёрдам беради, ватанимизнинг ҳақиқий тарихини яратиш, ёш авлоднинг қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор, ўзбек халқининг ўтмишидан, ўз аждодларидан фахрланиш туйғусини кучайтиради.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, чоризмнинг Туркистондаги миллий маданият соҳасидаги сиёсатини, унинг салбий оқибатларини архив манбалари асосида тадқиқ қилиш, бу соҳадаги тарихий ҳақиқатни тиклаш ҳозирги кунда тарихчилар олдида турган долзарб ва илмий жиҳатдан муҳим муаммодир.

Мавзунинг даврий қамрови. Тадқиқ қилинаётган мавзу 1867 - 1917 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда чор ҳукуматининг Туркистонда мустамлакачилик сиёсати, жумладан, миллий маданият соҳасидаги сиёсати шаклланди ва амалга оширилди. Бу тарихий даврни янги архив ҳужжатлари асосида ўрганиш чоризмнинг маданий сиёсатини советлар ҳукмронлиги йилларида ўзбек халқидан яширилган, тадқиқ қилинмаган, баён этилмаган қирраларини очиб беради ва босқинчилар миллий маданиятга салбий муносабатда бўлганлигини, маҳаллий халқларнинг маданий меросини талаганлигини, Россия музейларига ташиб кетганлигини аниқ кўрсатади.

Муаммонинг илмий жиҳатдан ишланганлиги даражаси. Мустамлака Туркистонда маданият тарихини тадқиқ қилиш бўйича анчагина илмий ишлар қилинган. Бу мавзуга бағишланган йирик

монографик тадқиқотлар, умумлаштирилган фундаментал асарлар, рисолалар, мақолалар мавжуд. Бироқ бу илмий ишлар асосан, чор ҳукуматининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш учун хизмат қилган кишилар томонидан, кейинчалик эса Совет тарихчилари томонидан ёзилган. Ҳар иккала даврда ёзилган асарлар мустамлакачилик ғоялари билан суғорилган, уларда тарихий ҳақиқат бузиб кўрсатилган ва ҳукмрон тузумга хизмат қилишга қаратилган. Айниқса, совет даврида марксча методология, коммунистик дунёқараш ақидалари асосида ёзилган асарлар ўрганилаётган масалаларнинг ўта ғоявийлаштирилганлиги, сиёсатлаштирилганлиги ва мураккаб тарихий жараёнларни бир томонлама ёритиши билан ажралиб туради. Фақат мустақилликка эришилгандан кейингина Туркистоннинг миллий маданияти тарихи холисона ўрганила бошланди. Халққа ҳақиқий тарих очиб берилди.

XIX аср охири - XX аср бошларида чор ҳукуматининг Туркистонда миллий маданият соҳасида олиб борган сиёсати тарихига оид адабиётларни, уларнинг асосий концепцияларига ва ёзилган даврига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Чоризм мустамлакачилиги даврида ёзилган адабиётлар.
2. Совет даврида ёзилган тарихий адабиётлар.
3. Мустақиллик даврида яратилган асарлар.

Чор ҳукумати Туркистонда мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириш учун ўлка ҳаётини, табиатини, тарихини ҳар томонлама ўрганишни зарур, деб ҳисоблаганлиги туфайли, диний сиёсатга, маҳаллий аҳолининг урф-одатларига, миллий халқ таълимига алоҳида эътибор берилди. Туркистондаги мустамлакачилик маъмурияти тизимида фаолият кўрсатган бир қатор рус маъмурлари мазкур масалаларни ўргандилар ва тадқиқотлар эълон қилдилар. Биринчи бўлиб бу масалага оид асарларни Туркистондаги маориф, маданият соҳаларида хизмат қилган чор амалдорлари Н.П. Остроумов, Ф.М. Ке-

ренский, С.М. Граменицкий, В.П. Наливкинлар ёзишган[2]. Уларнинг илмий фаолиятига баҳо беришда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Туркистонда маданиятни ривожлантиришга маълум даражада ҳисса қўшган, Россиянинг илғор демократик маданиятини, машҳур рус педагоглари таълимотларини, А.С. Пушкин, Л.Н. Толстой ва бошқа рус адабиёти классиклари асарларини кенг тарқатган бу муаллифлар айни пайтда Туркистонда маориф идораларида ишлаб, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишда фаол қатнашганлар. Улар мадраса ва мактаблар билан яқиндан таниш бўлганлиги сабабли ўз асарларини расмий маълумотлардан ташқари қисман ўз хотираларига асосланиб ёзишган. Чор амалдорлари қўлида бой архив ҳужжатлари, статистик материаллар, хилма-хил жойлардан олинган ахборотлар бўлганлиги учун уларнинг асарлари Туркистон маорифи ҳақида кенг ва атрофлича маълумотлар бериши билан ажралиб туради. Муаллифлар мадраса, мактаблар сони, ўқувчилар сони, ўқув дастурлари, қандай фанлар ўқилишидан ташқари уларнинг биноларининг тузилиши, вақф мулклари, ундан тушадиган даромад, ундан фойдаланиш тартиблари, мадрасанинг шахсий таркиби, мутавалли, мударрислар вазифалари, мадраса, масжид, мактаб биноларининг таъмирланиши, руслар Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин миллий маориф соҳасида юз берган ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилишган. Шунингдек, Туркистонда янги усул мактабларининг пайдо бўлиши ва фаолиятига оид ахборотлар беришган. Шу сабабли уларнинг асарларини ҳозирги кунда танқидий ёндашган ҳолда илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкин бўлган манбалар сифатида

[2] Керенский Ф.М. Медресе в Туркестанском крае. - С.-Петербург: Б.И., 1892; Граменицкий С. М. Очерки развития народного образования в Туркестанском крае. - Ташкент: Б.И., 1896; Ўша муаллиф. Положение народного образования в Сырдарьинской области. - Ташкент, 1916; Остроумов Н.П. К истории мусульманского образовательного движения в России в XIX и XX столетиях. // Мир ислама. - С.-Петербург, 1913; Ўша муаллиф. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. - Ташкент: Б.И., 1914; Наливкин В. Сведения о состоянии туземных мадраса Сырдарьинской области в 1890/91 учебном году - Ташкент: Б.И., 1916.

қаралади. Бироқ, шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, уларда муаллифлар чор ҳукуматининг миллий маорифни чеклаш сиёсатини қувватлаган, руслаштириш, улуғ давлатчилик шовинизми сиёсатини исломга, мадрасага, мактабларга нисбатан кенг қўллашни тарғиб қилган. Шунингдек, бу асарларда диний мактаблар, мадрасалар камситилганлигини, жадид мактаблари миллатчилик, пантуркизм ғояларини тарқатади, деб қораланганлигини кўриш мумкин.

Мустамлака Туркистон тарихи билан маҳаллий тарихчилардан Исҳоқхон Ибрат асосли шуғулланган. Унинг «Тарихи Фарғона»[3] асари машҳур ва кенг ўқувчилар оммасига танишдир. Бу асар Фарғона тарихини қадим даврлардан то XX аср бошларигача бўлган даврини ўз ичига олган. Асарда Қўқон хонлигини Россия томонидан босиб олиниши тарихига алоҳида аҳамият берилган. Маҳаллий халқни ўз мустақиллигини сақлаб қолиш учун ватанпарвар Мулла Алимқул бошчилигида чоризм армияси билан қаҳрамонона курашганлиги ҳикоя қилинган. Туркистон мустамлакага айлантирилганлигини Ибрат салбий баҳолаган. Унинг фикри чоризмнинг Туркистондаги сиёсатини мақтаган, Ўрта Осиёни босиб олиниши маҳаллий халқни маданиятли қилди, деган Россия тарихчилари фикрига қарама-қарши эди.

Совет даврида Т.Н. Қори-Ниёзов, И. Мўминов, М.Г. Ваҳобов[4] ва бошқаларнинг Ўзбекистон маданиятига, тарихига оид йирик асарларининг чоп этилиши Ўзбекистон тарихшунослигида муҳим воқеа бўлди. Бу асарлар ёзилган ва нашр қилинган йилларда ижтимоий фанларда жадидчилик ҳаракати тарихини ёзиш, бу ҳаракат етакчилари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори Абдурашидов номларини тилга олиш, мусулмон руҳонийлари фаолияти билан боғлиқ бўлган мадрасалар, эски мактаблар тўғрисида маълумот бериш тақиқланган эди.

---

[3] Ибрат И. Тарихи Фарғона // Мерос. - Тошкент: Камалак, 1991.

[4] Қори-Ниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. - Тошкент: Ўздавнашр, 1956; Муминов И. Из истории общественно-философской мысли в Узбекистане конца XIX начало XX вв. - Ташкент: Узгосиздат, 1957; Ваҳобов М.Г. Ўзбек социалистик миллати. - Тошкент, Ўздавнашр, 1961.

Т.Н. Қори-Ниёзов «Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар»[5] китобида чоризм даврида Туркистонда миллий маданиятнинг аҳволини ёритишга алоҳида аҳамият берган. Муаллиф мадраса, эски мактаблар фаолиятини чор ҳукуматининг уларга нисбатан олиб борган сиёсатини умумий тарзда ёритиб, миллий маориф фаолиятига салбий баҳо берган. У бу мактабларда диний таълим берилган ва ўқитиш усули жуда қолоқ бўлиб, асосан, айрим диний китоблар ва қуръон сураларини ёдлашдан иборат бўлган, деб кўрсатган.

Китобда рус-тузем мактаблари, рус тилидаги мактаблар, гимназиялар, ўқитувчилар семинариясидаги таълим тўғрисида маълумотлар берилган. Бу ўқув юртларида қисман маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам ўқиганлигини баён этилган. Россия маданияти вакилларининг Туркистондаги фаолияти ўзбек халқи маданиятининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган, деб баҳоланган.

Иброҳим Мўминовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрни ривожланиши тарихидан»[6] китобида XIX аср охири - XX аср бошларида Ўзбекистонда Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний ва бошқа маърифатпарварлар фаолиятида прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрнинг вужудга келиши ва ривожланиши ёритилган.

Китобда мадраса ва мактаблар ҳақида қисқача маълумот берилган. Муаллиф Туркистондаги мадрасаларнинг сони, уларнинг ўқув программаси ва диний ташкилотлар учун имом, қози, мутавалли, мударрис етиштириб чиқаришини баён этган. Мактаблар ҳар бир масжид қошида ташкил қилинганлиги, уларда ўқитиладиган китоблар кўрсатилган. Китобда қимматли фактик материалларнинг келтирилганлиги билан бирга муаллиф исломга, мадраса ва эски

[5] Қори-Ниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар...
[6] Муминов И. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане...

мактаблар фаолиятига ўша советлар мафкурасидан келиб чиқиб салбий баҳо берган.

М.Г. Ваҳобов ўзининг «Ўзбек социалистик миллати»[7] номли асарида жадидчилик ҳаракати ва бу ҳаракат етакчилари фаолияти салбий баҳолаган. Китобда у жадид мактаблари ҳақида батафсил тўхталган. Муаллиф жадид мактабларида ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитилиши, айрим ҳарфларни қўшиб, улар бирикмасидан сўз ясаш усулини қўлланилишини ижобий баҳолаган. XX аср бошларида Туркистонда асосан диний мактаблар мавжуд бўлган шароитда жадид мактаблари, яъни дунёвий илм-фанларни ўргатувчи мактабларнинг пайдо бўлиши катта прогрессив аҳамиятга эга эди, деб ёзади муаллиф.

Т.Н. Қори-Ниёзов, И. Мўминов, М.Г. Ваҳобовлар ўз асарларида жадидлар ва уларнинг раҳбарлари, миллий маорифимиз ҳақида маълумот берган, шунингдек чор ҳукумати ва унинг Туркистондаги маъмурлари томонидан жадидларнинг фаолиятини тахқирлаганлигини, ҳуқуқларининг чеклаганлигини очиқ - ойдин баён этган. Коммунистик мафкура тўлиқ ҳукмрон бўлган 50 - 60-йилларда бундай сиёсий жиҳатдан жуда қалтис, нозик масала бўлган жадидчилик ҳаракати, унинг етакчилари ва мадраса, эски мактаблар тўғрисида ёзиш катта жасорат эди. Бу воқеаларни улар ўша даврдаги ҳукмрон мафкура тазйиқи остида ёзган бўлса ҳам, халқимиз ҳаётида шундай муҳим тарихий ҳодисалар бўлганлигини ёшларга билдириш зўр аҳамият касб этган.

Туркистон маданияти тарихига бағишланган тадқиқотлар билан бир қаторда, 50 - 60-йилларда халқ маорифи масалалари бўйича махсус асарлар чоп этилган[8].

А. Абдусамедовнинг «Ўзбекистонда атеистик дунёқарашнинг қарор топиши»[9] асарида чоризм ва советлар ҳукмронлиги даврларида

---

[7] Ваҳобов М.Г. Ўзбек социалистик миллати. - Тошкент: Ўздавнашр, 1961. Б. 115-117.
[8] Кочаров В.П. Из истории народного образования в Туркестанском крае. - Ташкент, 1959.
[9] Абдусамедов А.И. Ўзбекистонда атеистик дунёқарашнинг қарор топиши. - Тошкент: Ўзбекистон, 1973.

Ўрта Осиё халқлари турмуши ва онгида ислом динининг тутган ўрни ёритилган. Муаллиф ислом динининг моҳиятини баҳолашга марксизм назарияси асосида ёндашиб, исломни асоссиз қоралашга ҳаракат қилган. Жумладан, у чор ҳукумати мусулмон руҳонийларини, улар эса ўз навбатида чоризм сиёсатини қўллаб-қувватлаб келган, деб ёзади. Аслида эса, чоризм ислом дини фаолиятини заифлаштириш, унинг халққа таъсирини камайтиришга ҳаракат қилган. Диний ташкилотларга қарашли вақф ерларининг катта қисмининг тортиб олиниши, мадрасалар очишни, уларга мулкларни вақф қилишнинг чеклаб қўйилиши ана шу мақсадни амалга ошириш учун қўйилган қадамлар эди. Мусулмон руҳонийлари эса исломий ташкилотлар ҳуқуқларини чеклаганлиги учун чоризм сиёсатидан норози бўлган.

Совет давридаги халқ таълимига оид барча китобларда баён қилинганидек, А. Абдусамедов ҳам тарихий ҳақиқатни сохталаштириб Туркистонда Октябр воқеаларидан илгари ялпи саводсизлик ҳукм сурган деб, ёзадики, бу ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди. Туркистонда XX аср бошларида 353 та мадраса, 6 000 га яқин анъанавий бошланғич мактаблар бўлган[10]. Туркистондаги рус маъмурларининг гапи бўйича ҳам ўлкадаги вилоятларда мактаблар сони Россия вилоятлариникига нисбатан кўп бўлган.

К.Е. Бендриковнинг[11] Туркистон халқ таълими тарихига оид асари мустамлака Туркистондаги миллий маориф тарихини нисбатан тўла ёритиб берилганлиги билан ажралиб туради. Унда Кауфман даврида мусулмон мактаблари инкор этилганлиги, давлат томонидан эътибор берилмаганлиги, 80-йиллардан уларни назорат қилиш кучайганлиги, мадрасалар ва эски мактаблардаги ҳақиқий аҳвол кўрсатилган, жадид мактабларининг вужудга келиш жараёни ёритиб берилган. Бироқ муаллиф марксизмнинг синфийлик принципидан, большевик-

[10] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 979-иш, 81-в.
[11] Бендриков К. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865 - 1924 г.). - Москва: Акад. пед. наук РСФСР, 1960.

ларнинг мафкурасидан келиб чиққан ҳолда миллий мактаблар, жадид мактаблари бойлар, руҳонийлар, хонлар томонидан ташкил қилинган ва уларнинг манфаати учун хизмат қилган, деб даъво қилади ва жадид мактабларини пантуркизм, панисломизм ғояларини тарқатган, деб қоралайди. Туркистон халқларининг миллий маданияти, маорифини чеклаш сиёсатини амалга оширган В.П. Наливкин, Н.П. Остроумов, С.М. Граменицкийларнинг фаолиятини эса Ўрта Осиё рус маъмуриятидаги тараққийпарвар оқимнинг фаол арбоблари сифатида бир томонлама ижобий баҳолайди.

Академик В.В. Бартольднинг Туркистоннинг маданий ҳаёти тарихига бағишланган асарларида.[12] Ўрта Осиёни чор Россияси босиб олгандан кейин мадрасаларнинг аҳволи, чор ҳукуматининг генерал-губернаторлари томонидан мадрасалар вақф мулкларининг таланганлиги, генерал-губернатор Кауфманнинг мадрасаларга янги вақф таъсис қилишни ман этганлиги, мутавалли, мударрисларнинг норозилиги тўғрисида маълумотлар келтирилади. Шу билан бирга евроцентризм ғоясидан келиб чиқиб, Туркистон маданиятининг қолоқлигини, Россия маданияти юксаклигини кўрсатишга ҳаракат қилинади ҳамда Туркистон мадраса ва мактабларига Россия, Европа маданияти таъсирини кучайтириш зарурлиги қайд этилади.

Мазкур даврда яратилган тадқиқотлар орасида профессор А.П. Савицкий асарлари[13] алоҳида ўрин тутади. Уларнинг диққатга сазовор томони шундаки, муаллиф ушбу тадқиқотларда мадраса, мактаблар вақфига оид маълумотларни, жумладан, 1886 йилда Россия императори томонидан тасдиқланган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом» асосида вақф ерлари амалда тортиб олинганлиги ҳақида ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, диний ташкилотлар,

---

[12] Бартольд В.В. Культура мусульманства. - Петроград: Огни. 1918; Ўша муаллиф. История культурной жизни Туркестана. - Ленинград, 1927.

[13] Савицкий А.П. Некоторые данные об исламских учреждениях и политика царских властей в Туркестане. - Ташкент: АН Уз ССР, 1956; Ўша муаллиф. Поземельный вопрос в Туркестане. - Ташкент: САГУ, 1963.

мадрасалар, мактаблар, мозорлар, мударрислар ва талабалар сонига оид статистик маълумотларни келтиради. Ушбу ҳужжатлар ва маълумотлар шу кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Айни пайтда муаллиф коммунистик мафкура тазйиқи остида диний ташкилотлар-мадраса, эски мактаб, масжидлар фаолиятига салбий баҳо берган. Уларнинг роли камситилган.

«Ўзбекистон ССР тарихи» номи билан 1956, 1967 йилларда чоп этилган[14] умумлаштирилган асарларда ҳам диний ташкилотлар-мадраса, эски мактаблар ва дунёвий, диний билимлар ўргатадиган жадид мактаблари ҳам, умуман ислом дини жамият ҳаётида реакцион роль ўйнаган, прогрессив, илғор ҳаракатга қарши курашувчи куч сифатида кўрсатилган. «Ўзбекистон ССР тарихи» биринчи жилд, иккинчи китобида (1956 йилда) маданият тарихига бағишланган бобнинг параграфларидан бири «Исломнинг реакцион роли» деб номланганки, мана шу ҳолнинг ўзи муаллифларнинг исломга, исломий ташкилотлар - мадрасалар, эски мактабларга нисбатан салбий муносабатини яққол кўрсатиб туради.

XX асрнинг 80-йиллари бошида халқ маорифи мавзуси Ш. Исмоиловнинг диссертациясида тадқиқоти объекти бўлган. Лекин бу тадқиқотнинг ғоявий асоси совет давридаги бошқа асарлар ғоясидан фарқ қилмас эди[15].

Туркистон халқи маданий меросининг чор ҳукумати томонидан таланишига, ушбу заминда яратилган маданий бойликлар, осори-атиқаларнинг Россияга ташиб кетилишига доир тадқиқотлар деярли ёзилмаган. Бу масалага тегишли айрим маълумотлар ва фактлар тарих фанлари доктори Н.С. Содиқованинг[16] Совет даврида Ўзбекистонда музей ишининг ривожланишига оид китобида келтириб ўтилган холос.

---

[14] История Узбекской ССР. - Ташкент: АН Уз ССР, 1956. Том 1. Кн. 2; Ўзбекистон ССР тарихи. - Тошкент: Фан, 1967. II-жилд.

[15] Исмоилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX- начале XX вв.: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Ташкент, 1981.

[16] Садыкова Н. С. Музейное дело в Узбекистане. - Ташкент: Фан, 1975.

Муаллиф Туркистонда музейларнинг ташкил қилиниши тарихи билан бирга Хива ва Қўқон хонликларининг босиб олиниши жараёнида хонларнинг саройларидан қўлёзма китоблар, хонлар муҳрлари, қадимги олтин, кумуш тангалар, этнографик буюмлар, Хива хонларининг тахти ва бошқа нарсалар тортиб олиниб, Петербург ва Москва музейларига, кутубхоналарига юборилганлигини ҳикоя қилган. Булардан ташқари у маҳаллий коллекционерлар Акром Асқаров, Мирза Абдулла Бухорийларнинг олтин, кумуш, мис тангалари, хилма-хил тарихий буюмларининг энг қимматлиларини Петербургдаги Археология ҳайъати танлаб олиб, Россия музейларига тарқатганлиги тўғрисида маълумот берган.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши она юртимиз тарихини ёритишда, шунингдек, мустамлака Туркистон шароитида миллий маданиятнинг аҳволи, жадидлар фаолияти масалаларини баҳолашда туб бурилиш ясади. Бу ўзгаришлар туфайли, шўролар давридаги мустамлака Туркистоннинг миллий маданияти масалаларини соҳталаштириб, бузиб кўрсатиш ўрнини чуқур мулоҳаза қилиб, холисона ёритиш эгаллади.

ЎзР ФА Тарих институти томонидан т.ф.д. Д.А. Алимова раҳбарлигида тайёрланган «Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши»[17] асарида чоризмнинг Туркистонда миллий маданиятга нисбатан олиб борган сиёсати, унинг асосий мақсади ва моҳияти чуқур ва кенг ёритилган. Китобда чор Россияси ва совет империясининг бир асрдан кўпроқ ҳукм сурган даврида Туркистон ва Ўзбекистоннинг миллий бойликларини талаб кетиш сиёсати таҳлил қилиниб, унинг моҳияти очиб берилган. Асарнинг «Икки империя давридаги ўзбек маданияти» номли учинчи бобида чоризм мустамлакачилиги давридаги оғир шароитда ўзбек халқи маданияти тараққиёти ва маданият

[17] Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мутамлакачилиги даврда Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. - Тошкент: Шарқ, 2001.

дурдоналарига номаданий муносабат, Туркистон халқларининг маданий мероси чор Россиясининг босқинчилик юришлари жараёнида аёвсиз талланганлиги, чор амалдорлари, зобитлари, савдогарлари бойлик орттириш мақсадида ўлканинг қадимий осори-атиқаларини, тилла, кумуш тангаларини, безакли қурол-яроқларини ташиб кетганлиги кўрсатиб берилган. Бухоро амирлигидан, Хива ва Қўқон хонликларидан кўпгина нодир қўлёзмалар, ҳужжатлар, ноёб қадимий буюмлар, этнографик материаллар Россия кутубхона ва музейларига ташиб кетилганлиги баён этилган.

Жадидчилик ҳаракатига, уларнинг раҳбарлари фаолиятига янгича ёндашиш ва ҳаққоний баҳо бериш дастлаб С. Агзамхўжаев, С. Холбоев, И. Алимов[18] сингари тарихчи олимларнинг тадқиқотларида кўзга ташланди.

Д.А. Алимова, Д. Рашидоваларнинг Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолиятига бағишланган рисоласида[19] унинг тарихий қарашлари тадқиқ этилган. Муаллифлар М. Беҳбудийни Туркистон мустақиллиги учун курашган сиёсатчи, жадидчилик ҳаракатининг раҳбари сифатида таърифлаш билан бирга тарихчи эканлигини, тарихни билмай туриб келажакдаги мамлакат сиёсий тузумини режалаштириш мумкин эмас, деган ғоясини, тарихни халқ маънавиятининг ажралмас ва муҳим таркибий қисми, деб қараганлигини очиб беришган. М. Беҳбудий жадид мактаблари учун ислом тарихига оид «Мухтасари тарихи ислом» асарини ёзганлиги кўрсатиб ўтилган.

---

[18] Агзамходжаев С.С. Газета «Хуррият», как источник по истории общественно-политической жизни Туркестана (март - октябрь 1917 г.) // Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. - Ташкент: Фан, 1991. Б. 102-106; Холбоев С. Мунаввар Қори // Мулоқот, 1997. - № 1. Б. 20-25; Алимов И. Эски мактаб ислоҳоти ташаббускори (Мунаввар Қори ҳақида) // Халқ таълими. - 1993. - № 10-12. Б. 5-8.

[19] Алимова Д. А., Рашидова Д. Махмудходжа Бехбудий и его исторические воззрения. - Ташкент: Маънавият, 1998.

Тарих фанлари доктори, проф. Д.А. Алимованинг масъул муҳаррирлиги остида эълон қилинган тўплам[20] мустақиллик шарофати билан яратилган янги тарихимизнинг ўзига хос саҳифаларини ташкил этиши, тарихимиздаги «оқ доғ»ларнинг ўрнини тўлдириши билан диққатга сазовордир. Унда республикамиз тарихчилари биринчи бор жадидчилик ҳаракатини комплекс тарзда тадқиқ қилганлар. Муаллифлар жадидлар ҳаракатининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий заминини, бу ҳаракатнинг моҳияти ва жадидлар тафаккурини, уларнинг маърифат, адабиёт, санъат соҳаларидаги фаолиятини, жадидларнинг Туркистондаги халқ ҳаракатларига муносабати ва бошқа муҳим қирраларини очиб берган.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, жадидчилик ҳаракатини ўрганиш борасида адабиётшунос олимлар ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар. Республикамизнинг таниқли адабиётчилари Б. Қосимов, У. Долимов, Ш. Турдиев, О. Шарафутдинов, Д.А. Алимова, С.С. Агзамходжаевларнинг асарларида[21] жадидларнинг адабиёт, матбуот соҳасидаги фаолияти, бу ҳаракатнинг етакчилари, фидоийлари ҳақида ҳикоя қилинган ва жадидчилик ҳаракатига холисона тўғри баҳо берилган.

Халқ маорифи тарихига бевосита бағишланган тадқиқиқотлар орасида М. Карлыбоев, Б. Расулов, И. Акрамов, Т. Ризабоев, Г.Ф. Салижанова[22] тадқиқотлари ажралиб туради.

---

[20] Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Туркистон ва Бухоро жадидчилиги тарихига янги чизгилар. (Даврий тўплам № 1). - Тошкент: Ўзбекистон, 1999.

[21] Қосимов Б. Жадидчилик // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1990. - № 4. Б. 15-20; Ўша муаллиф. Исмоил Гаспирали. - Ташкент, 1992; Турдиев Ш. Исмоилбек Гаспирали ва Туркистон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991, 15 март. Долимов У. Абдулла Авлоний ва мактаб // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1990. - № 5. Б. 105-119; Шарафутдинов О. Истиқлол фидоийлари. - Тошкент: Шарқ, 1993; Алимова Д.А. Джадидизм в Средней Азии. - Ташкент: Узбекистан, 2000. Агзамхаджаев С.С. Туркистон мухторияти. - Тошкент: Маънавият, 2000. - 165 б.

[22] Карлыбоев М. История народного образования в Каракалпакии в XIX - начале XX вв.: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Нукус, 1995; Расулов Б. М. Ўзбекистондаги мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихидан (XIX аср охири - XX асрнинг 20-йиллари).: Тарих фанлари номзоди... дис. - Андижон, 1996; Акромов И. XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарқанд вилояти мадрасалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - 1994. - №3-4. Б. 54-57; Ризабоев Т. Илмнинг қаноти // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993, 14 май; Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX - начало XX вв.).: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Ташкент, 1998.

Бу тадқиқотларнинг даврий қамрови асосан чоризм даврини ўз ичига олади ва шу даврда Туркистонда маориф соҳасида юз берган ўзгаришлари баён этилади. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши, мустамлакачилик тизимининг ўрнатилиши кўрсатилган. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинган дастлабки вақтдан бошлаб ўлкада Россия саноатини мунтазам хом ашё билан таъминлаб туриш мақсадида пахтачилик, қоракўлчилик каби қишлоқ хўжалигининг саноатбоп махсулотлар берадиган соҳаларини ривожлантириш чоралари кўрилганлиги баён этилган. Чор ҳукумати темир йўллар қуриб Россия билан Туркистон савдо алоқаларини кенгайтирганлиги, Туркистонни Россия махсулотлари сотиладиган бозорга айлантирганлиги айтиб ўтилган, пахта ва бошқа деҳқончилик махсулотлари билан савдо қиладиган, пахта заводларига эга бўлган маҳаллий буржуазия синфи шакллана бошлаганлиги ёритилган, Туркистондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ўлка халқ маорифига ҳам таъсир қилганлиги, жадидчилик ҳаракати, жадидлар маорифи вужудга келганлиги қайд этилган.

Г.Ф. Салижанова тадқиқотида кўпчилик тарихчиларнинг фикридан фарқли ўлароқ, жадидчилик ҳаракати Ўрта Осиёда XIX аср охирида эмас XIX аср бошида пайдо бўлган, деган фикрни илгари сурган. Бу фикрни асослаш мақсадида у бухоролик Абу Наср ал-Қурсавийнинг маърифатпарварлик ғояларини келтиради. Лекин унинг ғоялари амалга ошмаганлигини муаллифнинг ўзи ҳам тан олади. Шунинг учун биз бу фикрга қўшила олмаймиз. Туркистонда жадид мактаблари XIX асрнинг 90-йилларида пайдо бўлган, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги тадқиқотларда миллий мактаб ва мадрасалар тарихи кенг ёритилган, чоризм даврида миллий мактаблар анъанавий мактаблардан ва янги усул (жадид) мактабларидан иборат бўлганлиги қайд этилган, анъанавий мактабларнинг ўқитиш услуби ва дарсликларнинг ўзига хос томонлари кўриб чиқилган. Мактаблар одатда масжидлар

қошида бўлганлиги, масжид имоми ёки сўфиси дарс берганлиги, уларнинг моддий жиҳатдан таъминланганлиги кўрсатилган.

Жадид мактаблари тўғрисида ҳам батафсил тўхталиб уларнинг вужудга келиши, Туркистон вилоятларида тарқалиши, уларнинг дастурлари, дарсликларида диний билимлар билан бирга дунёвий фанлар ўқитилиши ва эски усул мактабларидан фарқи аниқ очиб берилган.

Бу тадқиқотларда Туркистон мадрасалари, уларнинг ўлка ижтимоий ва маданий ҳаётида тутган ўрни ёритилган. Мадрасаларнинг хўжалик ишлари, вақф мулклари ҳақида ҳам далиллар келтирилган. Шунингдек, мадраса мударрислари ва муллалари фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган.

Ш. Исмоиловнинг китобида Тошкент шаҳридаги мадрасаларнинг бунёд этилиши ва манзили тўғрисида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга бу асарларда рус мактаблари, гимназия ва семинариялар, рус-тузем деб номланган мактаблар ҳам тилга олинган. Лекин бу тадқиқотларда бошқа ишларда бўлганидек, чор ҳукуматининг миллий маорифни чеклаш сиёсати умумий тарзда ёритилган, аниқ ҳужжатли далиллар асосида батафсил ва чуқур очиб берилмаган.

Т. Саидбаевнинг «Откровение через вечное» («Мангу ҳақиқат»)[23] мақоласи Ўрта Осиёдаги мактаб, мадрасаларнинг диний таълимни, халқ маънавиятини юксалтиришдаги ролини кўрсатишга бағишланган. Муаллиф Европа ва Россияда ўрта асрлардан ҳозиргача чоп этилиб келаётган адабиётларда мусулмон мактаблари салбий баҳоланганлиги, улар фақат араб алифбосини, Қуръонни ўргатувчи, дунёвий билимлар ўқитилмайдиган, жисмоний жазо - уруш, калтаклаш мавжуд бўлган қолоқ ўқув муассасалари сифатида тасвирланганлигини қайд этади. Муаллиф бунга жавобан Ўрта асрларда Европа мамлакатларида, Россияда октябрь тўнтарилишигача мактабларда жисмоний жазо

[23] Саидбаев Т. Откровение через вечное // Звезда Востока. - 1995. - № 3-4. С. 4-36.

бўлганлиги, диний билимлар ўқитилганлиги, бу ҳодиса Шарқ ёки Ғарбга эмас, феодализмга хос ҳодиса эканлигини фактлар асосида исботлаб беради, айни пайтда мусулмон мактабларининг ижобий томонлари, ёшларга Қуръон ва ҳадислардаги ҳаётбахш умуминсоний қадриятларни, ахлоқий ғояларни сингдирганлиги таъкидланади.

Туркистонда чоризм мустамлакачилиги даврида миллий маорифнинг аҳволи чет элларда чоп этилган тарихий асарларда холисона баён этилган. Бу асарларда чоризмнинг миллий маорифга нисбатан олиб борган сиёсати мадраса, жадид мактаблари фаолиятини чеклашга қаратилганлиги очиб берилган. Чет эллик тадқиқотчилар жадид мактаблари, уларнинг раҳнамолари фаолиятини ижобий баҳолаган.

Мусо Туркистонийнинг «Улуғ Туркистон фожиаси»[24] китобида Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши, Туркистонда чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатининг амалга оширилиши, маҳаллий халқ ҳақ-ҳуқуқларини чекланиши, миллий бойликларнинг таланиши, истиқлолчилар кураши каби масалалар билан бир қаторда маорифнинг аҳволи, жадидчилик ҳаракати ҳам ёритилган. Муаллиф чор ҳукумати маҳаллий халқнинг миллий маорифини чеклаганлиги, тубжой аҳоли вакилларига илм олиш учун хорижга бориш ман этилганлиги, фақат Россия ўқув юртларида ўқиши мажбурий қилиб қўйганлиги, руслар маорифини ривожланишига кенг йўл очиб берганлиги кўрсатилган. Рус-тузем мактаблари ҳақида атрофлича тўхталган ва ўқиш рус тилида бўлганлигини айтиб, бу ҳолни туркий тилларга тазйиқнинг кўринишларидан бири деб баҳолаган.

Асарда жадид мактаблари фаолияти тўғрисида батафсил ҳикоя қилинган. Янги усул мактабларининг эски мактаблардан афзаллиги, унда ҳижжалаб ўқиш натижасида ўқувчи бир неча ойда ўқиш ва ёзишни ўрганиб олиши, болалар партада ўтириб ўқиши, ўқувчилар уч ой ва бир йилда имтиҳон топшириши, яхши ўқиганлар мукофотланган-

[24] Туркистоний Мусо. Улуғ Туркистон фожиаси. - Мадинаи Мунаввара, 1979.

лиги ва билмаганларга танбеҳ берилгани баён этилган. Жадид мактабларининг ўқув дастури, ўқитиладиган дарсликлари кўрсатилган. Бу мактабларда ўқувчиларга жадид шоирларининг ватанпарварлик руҳида ёзилган шеърлари ўқитилганлиги аниқ мисоллар билан исботланган.

Юқоридагилардан кўринадики, чоризм ва совет даврида чор Россиясининг Туркистонда миллий маданият соҳасида олиб борган сиёсати масаласига оид кўплаб илмий асарлар ёзилган ва чоп этилган бўлса-да, уларда масалага бир ёқлама, ғаразгўйлик билан ёндашилган, шўролар даврида бунга қўшимча синфийлик қарашлари асосида ҳақиқат сохталаштирилган. Мустақилликка эришилгандан кейин ёзилган асарларда мустамлака Туркистондаги миллий маданият тарихининг фақат айрим қирралари тадқиқ қилинган холос. Мавзунинг тарихшунослигини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, республикада шу кунларга қадар чор Россиясининг Туркистонда миллий маданият соҳасида олиб борган сиёсатини янгича ёндашув асосида тўла тадқиқ қилган асар ёзилгани йўқ. Муаммонинг долзарблиги юқоридаги мулоҳазалар билан асосланади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Диссертация ишининг асосий мақсади чор ҳукуматининг Туркистонда миллий маданият соҳасида олиб борган сиёсатини, унинг салбий оқибатларини архив манбалари асосида холисона ёритишдан иборат. Тадқиқот олдига қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- чор ҳукуматининг миллий маориф соҳасида амалга оширилган чеклаш сиёсатини очиб бериш;

- Россия империясининг мадраса, мактаблар моддий базасини заифлаштиришга интилганини, вақф ерларининг тортиб олинишини кўрсатиш;

- жадид мактабларининг вужудга келишини, уларнинг ўсишига чор маъмурларининг қаршилигини ва бунинг сабабларини таҳлил қилиш;

- ўзбек халқи қўлёзма асарларининг, архив ҳужжатларининг Россияга ташиб кетилганлигини фактлар ва далиллар асосида кўрсатиб бериш;

- Туркистоннинг моддий, маданий ёдгорликларини Россия музейларига олиб кетилганлигини ёритиш.

Номзодлик диссертацияси олдига қўйилган талаблардан, диссертацияда қўйилган илмий муаммоларни чуқур ва атрофлича тадқиқ қилиш зарурлигидан ва ишнинг ҳажмидан келиб чиқиб чор ҳукуматининг Туркистонда миллий маданият соҳасида олиб борган сиёсати мавзусининг асосий иккита йўналиши тадқиқот объекти қилиб олинди. Биринчи йўналиш - подшо Россияси ҳукуматининг Туркистонда миллий маорифни чеклаш сиёсати, иккинчиси - Туркистон халқлари маданий меросининг Россия ҳукумати томонидан таланиши. Чоризмнинг маданий сиёсатининг бошқа йўналишлари айрим диссертациялар учун тадқиқот объекти бўлиши мумкин.

Диссертациянинг назарий-методологик асосини жаҳонда тан олинган билиш назарияси тамойиллари-тарихийлик, холислик, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига диалектик ёндашиш ташкил қилади. Шўролар даврида ҳукмрон бўлган марксизмнинг назарий асослари, партиявийлик, синфийлик принципларидан воз кечиш, тарихий воқеаларни умуминсоний, миллий қадриятлар устиворлиги асосида таҳлил қилиш тадқиқот методологиясининг таркибий қисми ҳисобланади.

Диссертациянинг назарий-методологик масалаларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари муҳим аҳамият касб этади. И.А. Каримов маърузалари ва нутқлари, китоб ва мақолаларида миллий истиқлол мафкураси асослари кўрсатиб ўтилган, маънавий қадриятларимиз, маданий

меросимизни тиклаш зарурати асослаб берилган.

Тадқиқотнинг манбавий базаси. Диссертацияда кўтарилган масалалар асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ҳужжатлари асосида тадқиқ қилинди. Бу ноёб ҳужжатлар сақланадиган бой архивда 7та тарихий архив фонди ўрганилди. Булар қуйидагилар: 1. Туркистон генерал-губернаторининг девонхонаси (1-фонд); 2. Туркистон генерал-губернаторининг кенгаши (717-фонд); 3. Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси (47-фонд); 4. Фарғона вилояти бошқармаси (19-фонд); 5. Тошкент шаҳар бошлиғининг бошқармаси (36-фонд); 6. Зарафшон округи бошлиғи (5-фонд), 7. Фарғона вилояти Скобелев уезди бошлиғининг бошқармаси (23-фонд). Бу архив фондларидан, хусусан, 1, 717, 47 - фондлардан чор ҳукуматининг мадраса, эски мактаб, жадид мактаблари фаолиятини чеклашга қаратилган сиёсатини акс эттирувчи қонунлар, фармойишлар, кўрсатмалар, уларнинг амалга оширилишини кўрсатувчи қимматли материаллар топилди.

Архивда миллий ўқув юртларини назорат қилиш мақсадида тузилган мадраса, эски мактаб ва жадид мактаблари рўйхатлари, уларнинг ўқув дастурлари, ўқитиладиган дарсликлар, муаллифлар рўйхати, ўқитувчилар ва ўқувчилар сони, вақф мулки ҳақида ва бошқа маълумотлар сақланган, шунингдек, мадрасалар мударрисларини сайлаш ва тайинлашга оид ёзишмалар мавжуд. Янги усул мактабларини ташкил қилиш қоидалари, уларнинг фаолиятини назорат қилиб туриш тўғрисида Туркистон генерал-губернаторининг махфий фармойишлари каби илгари ҳеч ким фойдаланмаган ҳужжатлар борлиги аниқланди.

Марказий давлат архиви фондларида мавжуд бўлган чор ҳукуматининг Туркистондаги маъмурлари томонидан ўлкадаги ноёб қўлёзма асарлар Петербургнинг кутубхоналари, шарқшунослик институти ва бошқа илмий ташкилотларга ташиб кетилганлигини ёритувчи ҳужжатлардан биринчи бор фойдаланилди. Хива хони

саройидан олинган 300 га яқин Шарқ қўлёзма асарлари, этнографик, нумизматик материаллар ва бошқа қимматли осори-атиқалари ҳақида шарқшунос А.Л. Куннинг Туркистон генерал-губернаторига 1873 йил 17 октябрда ёзган маърузаси асл нусхаси, К.П. Кауфманнинг бу ёдгорликларни Петербургга жўнатиш тўғрисидаги қарори, ёзишмалар биринчи фонддан топилди. Шунингдек, Китоб беги саройидан генерал Абрамов мусодара қилиб олган 100 нусха қўлёзма асарлар, Қўқон хони саройидан олинган тарих, география, фиқҳ, тиббиёт ва адабиётга оид кўпгина қўлёзма китоблар, Андижон, Наманган, Самарқанддан тўпланган қўлёзмалар Петербургга жўнатилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар чоризмнинг талончилик сиёсатидан далолат беради.

Архив фондларида сақланаётган ҳужжатлар Туркистон халқларининг моддий маданият ёдгорликларини Россия музейларига ташиб кетилганлигини яққол кўрсатади. Петроградаги Эрмитаж учун Самарқанд архитектура ёдгорликларидан сирланган кошинлар коллекциясини йиғиб жўнатилганлиги ҳақида ҳужжатлар бор. Хива хонларининг олтин, кумуш муҳрлари, кимматбаҳо тошлар билан безалган тахти, аёл ва эркакларнинг тўла кийимлари, аёлларнинг зеб-зийнатлари, Хива хонлигининг қадимги тангалари Петербургга жўнатилган. Петербургдаги Археология ҳайъатига Туркистонда археологик қазишмалар натижасида топилган илмий жиҳатдан қимматбаҳо буюмлар доимий равишда жўнатиб турилган. Самарқанд-лик қоллекционер Мирзо Бухорийнинг 6 247 дона 50 хилдан ортиқ Туркистон халқлари тарихига оид қадимги буюмлари Археология ҳайъатига Туркистон генерал-губернатори топшириғи билан юборилди ва энг қимматлилари Петербург музейлари учун олиб қолинди. Архивда бу буюмларнинг рўйхати, ёзишмалар сақланиб қолган. Жойлардан топилган барча илмий, тарихий аҳамиятга эга бўлган қадимги тангалар, осори - атиқалар Археология ҳайъатига жўнатилган ва кераклилари олиб қолиниб музейларга тарқатилганлигини кўрсатувчи ҳужжатлар,

ёзишмалар сақланмоқда. Ишда ҳужжатлардан кенг фойдаланилди. Археология ҳайъатининг Туркистон генерал-губернаторлари билан Туркистон генерал-губернатори канцеляриясы, Сирдарё вилояти, Чимкент уезди бошлиғи ва бошқа идоралар билан Аҳмад Яссавий масжидига Амир Темур тухфа қилган қимматбаҳо санъат асарлари ҳисобланган шамдонларини Эрмитажга олиш тўғрисидаги ёзишмалар алоҳида бир гуруҳни ташкил қилган. Бу ва бошқа ҳужжатлар чор ҳукумати идораларининг зўрлик ишлатиб Туркистон халқи маданий меросини Россияга ташиб кетганлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари. Мазкур диссертация чор Россиясининг Туркистонда миллий маданият соҳасида олиб борган сиёсати бўйича миллий истиқлол мафкураси асосида дастлабки атрофлича ва чуқур амалга оширилган илмий тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Диссертациянинг илмий янгилиги яна шундаки, тадқиқотда фойдаланилган чоризмнинг маҳаллий халқларнинг миллий маданиятини чеклашга қаратилган сиёсатини очиб берувчи ноёб архив ҳужжатларининг асосий қисми биринчи бор илмий муомалага киритилган. Бу ёзма манбаларда кўп ҳолларда махфий, чор амалдорларининг ўзаро, идоралараро ёзилган ҳужжатлари бўлганлиги учун ўша давр китобларидан, матбуот ахборотларидан фарқли ўлароқ, Туркистонда миллий маданият соҳасида амалга оширилган ишларнинг Россия давлати манфаатига бўйсуниши шартлиги очиқ кўрсатиб ўтилган, маданий сиёсатнинг мақсади очиқ-ойдин баён этилган.

Чор ҳукумати сиёсатчилари жадид мактабларини ташкил қилинишини истибдод тузумига қарши ғоявий ҳаракат, миллатчилик, туркчилик, исломчилик ҳаракати деб салбий баҳолаганлиги, Туркистондаги рус маъмурлари жадид мактабларининг очилишига қаршилик кўрсатгани сабабли, янги усул мактаблари дастлаб яширин ташкил қилинди. Чор маъмуриятининг кўрсатмаларига биноан полиция, ўқув юрти ташкилотлари, улар устидан назоратни

кучайтирган, жумладан, жадид мактабларининг ўқув дастури, ўқитиладиган дарсликлар рўйхати текширилиб, маъқул деб топилган тақдирдагина чор маъмурлари томонидан очишга рухсат берилган. Ўқув юрти инспекцияси рухсатисиз очилган жадид мактаблари полиция томонидан ёпилган.

Туркистон генерал-губернатори канцеляриясы архив фондида сақланиб қолган ҳужжатларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўлканинг чоризм томонидан босиб олиниши ва мустамлакага айлантирилиши маҳаллий халқларни ўз маънавий меросининг катта қисмидан, шу жумладан, кўплаб қўлёзма асарларидан ва ҳужжатлардан маҳрум қилди. Хонликларни босиб олиш жараёнида ва кейин ҳам доимий равишда хонлар, беклар саройларидан, масжид, мадрасалардан, ерли зиёлилар қўлидан чор маъмурлари кўплаб шарқ қўлёзмаларини тортиб олди ва Петербург илмий марказларига, кутубхоналарига жўнатди. Хива ва Қўқон хонлари архивлари ҳам Петербургга ташиб кетилган.

Диссертациянинг амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг янги илмий муомалага киритган архив манбалари, улар асосида чиқарилган хулосалари Ватан тарихшунослигида ҳозирги кунгача мавжуд бўлган «оқ доғлар»ни маълум даражада тўлдиришга ёрдам беради. Тадқиқот материаллари мустамлака Туркистонда чор ҳукуматининг миллий маданият соҳасида олиб борган маҳаллий халқлар манфаатига қарши сиёсатини тўлароқ тасаввур қилишга имкон беради. Диссертация хулосалари Ўзбекистон тарихи бўйича умумлаштирилган, фундаментал асарлар яратишда эътиборга олиниши мақсадга мувофиқдир. Диссертация материалларидан республика университетлари ва институтлари талабалари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар, махсус курслар тайёрлашда ва тарбиявий ишда фойдаланиш мумкин.

I-БОБ. ЧОР ҲУКУМАТИНИНГ ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ МАОРИФНИ ЧЕКЛАШ СИЁСАТИ

1.1. Мадраса ва мактаблар фаолиятига чоризмнинг муносабати

Ўзбек халқи Россия босқинига қадар бой маънавий меросга, шу жумладан, ўзига хос таълим тизимига эга бўлиб, бу ерда кўп сонли мактаблар ва мадрасалар мавжуд эди. Чор ҳукумати Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин ўлкамиз ҳудудида мустамлакачилик, руслаштириш сиёсатини олиб борди, миллий маданиятни, маънавий кадриятларни, анъанавий мактаб, мадрасалар фаолиятини чеклади. Туркистондаги чор маъмурлари мадрасаларни вақф мулкларидан маҳрум қилдилар, тарихий ёдгорлик ҳисобланган ҳашаматли биноларини қаровсиз қолдириб вайрон бўлишига сабабчи бўлдилар.

Мустамлакачиларнинг кўпгина миллий мактаб, мадрасаларни ёпиб қўйишлари, қолганларини фақат диний ўқув юртларига айлантириб, дунёвий фанларни ўқитилишига қаршилик кўрсатишларининг тагида ўзбек халқини ўз тарихи ва маданиятидан узоқлаштиришдан, ватанпарварлик туйғуларини йўқ қилишдан иборат бўлган мақсад ётар эди. Лекин улар ўз мақсадларига тўла эриша олмадилар. Мамлакатимиз қарамлик зулми остида қолган бўлса-да, халқ ўзлигини йўқотмади, ўзининг маънавий меросини авайлаб асраб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қайд қилганидек, «Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз

тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди»[25].

Чор ҳукумати миллий маданиятни чеклаш, маҳаллий аҳолини руслаштириш мақсадини изчил равишда ошира бориб, Туркистонда русча умумтаълим, ўрта махсус ўқув юртлари ва рус-тузем мактабларини очди. Бу ўқув юртларига руслар билан бирга қисман маҳаллий халқ вакиллари ҳам қабул қилинган. Бундан кўзланган мақсад уларни Россия давлатига меҳр қўйиб хизмат қиладиган кадрлар қилиб тайёрлаш эди.

1896 йилда фақат Тошкент шаҳрининг эркак ва хотин-қизлар гимназияларидаги барча ўғил болаларнинг 3 фоизини, қизларнинг 2,6 фоизини туб ерлик аҳолининг болалари ташкил қилган. Тошкент ўқитувчилар семинариясини 1879 - 1904 йилларда 415 нафар киши битирган бўлса, улардан 65 нафари маҳаллий халқ вакиллари эди[26]. 1884 йилда Тошкентда биринчи рус-тузем мактаби очилган[27] бўлса, XIX аср охирига келиб, Туркистон ўлкасида уларнинг сони юздан ортиб кетди. Туркистонда мустамлакачилик даврида бу мактабларда бир неча минг туб ерли аҳолининг фарзандлари таълим олдилар. Шуниси диққатга сазоворки, чор маъмуриятининг уларни Россия империясининг содиқ фуқаролари қилиб тарбиялашдан иборат мақсадига хилоф равишда ушбу мактабларнинг битирувчилари орасидан Мустафо Чўқаев, Турар Рисқулов, Убайдулла Асадуллахўжев каби халқ етакчилари, мустақиллик учун курашчилар етишиб чиқди.

Ўлкада русча ўқув юртларининг вужудга келиши, маҳаллий аҳоли вакилларининг русча хат-саводини чиқаришда, рус тилини ва рус халқи маданиятини ўзлаштиришда ва Туркистон халқларининг маданий ҳаётини ўсишида муҳим роль ўйнади.

---

[25] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Б. 137.
[26] Кары-Ниязов Т.Н. Избр. труды. В 8 томах. - Ташкент: Фан, 1967. Т. 5. Б. 68-70.
[27] Худайкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX - начало XX в.).: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Ташкент, 1995. Б. 13

Манбалар шундан гувоҳлик берадики, Туркистон ўлкасида маърифат, маориф, аҳоли саводхонлигини ошириш ишлари бир мунча йўлга қўйилган эди.

XIX аср охирида Туркистон ўлкасида 313 та мадраса, Бухорода - 103 та, Хивада - 8 та мадраса бўлган[28]. 1913 йилда Туркистонда 7 290 та эски мактаб мавжуд бўлиб, уларда 70 минг 864 ўқувчи таълим олган[29]. Махсус аёллар мактаблари - отинхоналар бўлган. XX аср бошларида Фарғона вилоятида 33 минг нафар қизлар, Тошкентда 6 минг 200 нафар қизлар ўқиган[30]. Бу билим марказлари маҳаллий аҳолининг саводхонлиги, маданияти ва маърифатига ижобий таъсир кўрсатган-лигини чор ҳукумати маъмурлари ҳам тан олишга мажбур бўлишган. Туркистон генерал-губернатори Мишченко 1909 йил 14 мартда Халқ маорифи министрига ёзган махфий мактубида шундай деган: «Туркистон ўлкаси маҳаллий аҳолиси орасида хат-саводни тарқатиш масаласи, айниқса, Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд областларида, Россиянинг Ғарбий Оврўпа қисми аҳолисига нисбатан яхши уюштирилган. Ўлканинг бутун кенг ҳудудини кўпдан-кўп бошланғич ўқув юртлари - мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртлари - мадрасалар қоплаб олган. Мактаблар махсус қурилган бинолардан ташқари масжидларда, хаттоки, улкан чинор ва қайрағочларнинг кавакларида жойлашган. Бу ҳолатда минг йиллар давомида маданий ҳаёт кечирган халқнинг қадимий маданиятининг таъсири кўриниб турибди."[31] Юқорида келтирилган фактлар Туркистон ўлкасида, ўзбек хонликларида миллий маориф юксак даражада ривожланганлигидан, маҳаллий халқ саводли бўлганлигидан гувоҳлик беради. Чор ҳукумати Ўрта Осиёнинг асосий қисмини босиб олиб, 1867 йилда Туркистон

---

[28] Муминов И. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане... С. 30

[29] Остроумов Н.П. Исламоведение.... С. 213.

[30] Расулов Б.М. Из истории мусульманских мактабов и медресе Узбекистана. Конец XIX - 20-е годы XX в.: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Андижан, 1996. С. 19

[31] ЎзР МДА, 1-ф., 31-р., 540-иш, 162-в.

генерал-губернаторлиги ташкил қилингандан кейин ўлкада мустамлакачилик сиёсатини амалга ошириб, миллий маорифга, ерли аҳолининг саводхонлигининг, маънавиятининг ўсишига катта зарар етказди. Чор маъмурлари мадрасаларга нисбатан дастлаб уларни инкор этиш сиёсатини амалга оширди[32]. Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман императорга ёзган бир ҳисоботида «Диний, шу билан бирга сиёсий ҳисобланган мусулмон мактабини рус ҳокимияти қўллаб-қувватлаши, ёрдам қилиши мумкин эмас эди. Шу ҳам аниқ эдики, уни тўғридан-тўғри тугатиш бизга нисбатан қаршиликни кескинлаштиришга олиб келарди. Шунинг учун мусулмон мактабларига нисбатан, умуман мусулмончиликка нисбатан қўлланилган усулни, яъни уларни инкор этиш, тан олмаслик усулини қўллаш қолган эди, холос»[33], деб ёзади.

Генерал-губернаторнинг мақсади мадраса, мактабларни назоратсиз қолдириб, уларнинг фаолиятини сусайтириш, мол-мулкини, даромадини талон-тарож қилдириш эди. Лекин диний ўқув юртларига маҳаллий аҳолининг эътибори кучли бўлганлиги туфайли мактаб ва мадрасалар ўз фаолиятини давом эттирдилар ва чор ҳукумати кўзлаган мақсадига тўла эриша олмади.

К.П. Кауфман қўллаган усул натижа бермаганини кўрган Туркистоннинг янги генерал-губернатори, реакцион генерал Н.О. Розенбах (1884 - 1889 йилларда губернаторлик қилган) миллий маорифни қатъий чеклашга қаратилган сиёсат олиб борди ва Россия ҳукуматига миллий мактабларнинг фаолиятини чеклашга оид таклифлар билан мурожаат қилди. Уларда мактаб ва мадрасаларнинг кузатиб турилиши, уларнинг ҳукумат назорати остига олиниши ва ҳукуматга бўйсундирилиши

---

[32] Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX - начало XX вв.): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Ташкент, 1998. С. 18.

[33] Кауфман К.П. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П. Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7. XI. 1867 - 25. III. 1881. - С. -Петербург: Б.И., 1885. С. 437-438

кўзда тутилган бўлиб, Россия ҳукуматига бундай таклифлар маъқул эди. Россия императорининг 1875 йил 17 майда имзолаган қарорида Туркистон ўлкасида ўқув юртлари бошқармаси ташкил қилиниб, унга рус ўқув юртларидан ташқари барча типдаги мактабларни, шу жумладан, миллий мактабларни ҳам бошқариш топширилган эди[34].

Мусулмон мактаблари устидан назоратни кучайтириш, улар фаолиятини сусайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Н.О. Розенбах 1887 йил май ойида Маориф вазирлигига махсус маъруза билан мурожаат қилиб, Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасида алоҳида мусулмон мактаблари инспектори лавозими ташкил қилишни ва бу мактаблар устидан назоратни кучайтиришни сўради. Бу масала анча вақт марказдаги ҳар хил идораларда муҳокама қилиниб, ниҳоят 1890 йилда шундай лавозим ташкил қилишга рухсат берилган[35]. Бу бошқарма томонидан мусулмон мактаблари ҳуқуқларини чеклашга қаратилган бир неча кўрсатмалар ишлаб чиқилди ва 1889 - 1898 йилларда Туркистон генерал-губернатори бўлган маҳаллий халқларга нисбатан ўта душманлик кайфиятидаги генерал А.Б. Вревский томонидан тасдиқланди. 1894 йил 14 мартда тасдиқланган «Туркистон ўлкаси мусулмон мактабларини бошқарувчи халқ ўқув юртлари учинчи инспекторига йўриқнома»да[36] ўлкадаги ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг барча мусулмон мадраса ва мактаблари шу инспектор қарамоғида бўлади, деб кўрсатилади. Бу лавозим Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасидаги иккита инспектор лавозимидан кейингиси бўлгани учун 3-инспектор деб номланган. Илгари хонлик даврида мусулмон диний маҳкамалари қарамоғида бўлган мадраса, мактаблар энди рус маъмурияти назоратида бўлиб қолди. Бу, албатта, юқорида кўрсатилган

---

[34] Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865 - 1924 гг.). - Москва: Акад. пед. наук РСФСР, 1960. С. 67.
[35] Ўша жойда. С. 72
[36] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 601-иш, 160-164-в.

мақсадларни, яъни миллий мактаблар ҳуқуқларини чекланишини назарда тутиб қилинган иш эди. 3-инспектор йўриқномасида уларнинг ҳуқуқларини чекланишига қаратилган қоидалар баён этилган.

Йўриқномага кўра барча мактаблар ўқитувчиларининг бошлиғи деб ҳисобланувчи мазкур инспекторнинг иш жойи Тошкент шаҳрида бўлиб, унинг зиммасига мусулмон мактабларини имкони борича тез-тез текшириб туриш, мадрасалар қошида рус тили курсларини очиш учун зарур маблағлар топиш чора-тадбирларини кўриш юклатилган эди. Мадрасаларга маълум билимга, маълумотга эга бўлган мударрислар 3-инспекторнинг тавсияси билан тайинланиши белгилаб қўйилди. Йўриқномада инспекторга мадрасадаги дарслар ҳажми ва мазмунини, мударрислар дарсларининг ҳарактери, йўналиши ва руҳини назорат қилиш вазифаси юклатилди. Бунинг учун инспектор биринчидан, шахсан ўзи ўқув юртларини текшириши ва иккинчидан, мадраса мудиридан ҳар ойда ўқув ишларининг аҳволи ҳақида ахборот олиб туриши ҳамда мадраса мудирлари инспекторга йиллик хисобот ҳам топширишлари зарурлиги кўрсатилган. Инспекторга, шунингдек, вақф мулкидан тушадиган даромад қандай сарфланаётганлигини назорат қилиш, мутавалли фаолиятида бирор камчилик аниқланган тақдирда, бу ҳақда Бош инспекторга хабар бериш вазифаси юклатилган. Бирон - бир мадрасада уч йил давомида машғулотлар олиб борилмаганлиги аниқланса, инспектор бу мадрасани ёпиш тўғрисида юқори идораларга мурожаат қилиши шарт, деб кўрсатилган.

Шундай қилиб бу йўриқнома мадрасалар, мактаблар фаолиятини ҳар томонлама чеклаш, миллий маориф тизимини издан чиқариш, мактаблар, мадрасаларни тўлиқ назорат остига олиш мақсадига хизмат қилди. Ушбу йўриқномага биноан ўқув юртлари учинчи инспектори мактаблар, мадрасаларнинг асосий раҳбари бўлиб қолди. Шу тариқа мусулмон мактаблари подшо Россиясининг Туркистондаги ўқув

юртлари идорасига тўла бўйсундирилди ҳамда мударрислар дарсларининг сиёсий йўналиши доимий назорат остига олинди.

1894 йилда Туркистон генерал-губернатори мадрасаларнинг катта мударрислари учун йўриқномани тасдиқлади. Бу йўриқнома мадрасаларнинг чор маъмурларига тобелиги, қарамлигини янада кучайтирди[37]. Йўриқномада ёзилишича кичик мударрислар, мутавалли ва муллалар ўз мадрасаси катта мударрисининг барча қонуний талабларини бажаришлари шарт эди. Шу билан бирга катта мударрис 3-инспекторнинг ва бошқа бошлиқларнинг барча қонуний талабларини бажариши лозим деб уқтирилди[38]. Кўриниб турибдики, расман мадрасага катта мударрис бошлиқ, амалда эса мадрасанинг раҳбарлиги рус маъмурлари қўлида эди. Катта мударрисга мадрасада содир бўлган воқеалар, можаролар, ўлим, ёнғин ва шунга ўхшаш ходисалар юз берганда инспектор ва уезд бошлиғига шошилинч хабар бериш, ҳар йили декабр ойининг бошида мадраса ходимлари ва талабаларнинг тўлиқ рўйхатини тузиш ва унда мадраса мутаваллисининг, мударрисларининг ва талабаларнинг қайси даражада (аъло-катта, авсат-ўрта, адно-кичик) ва неча йилдан бери шу даражада эканлигини кўрсатиш ва инспекторга топшириш, вақф мулкидан олинган даромад ҳақида мутаваллидан керакли маьлумотларни талаб қилиш, ҳар йили февраль ойининг бошида вақф мулкидан тушган даромад, уни қанча қисми сарфланганлиги ва вақф мулкида содир бўлган ўзгаришлар ҳақида инспекторга ахборот бериш, мадрасани тоза, покиза тутиш, ўз вақтида таъмирланишини назорат қилиб туриш вазифалари юклатилган эди. Шунингдек, мадрасанинг бошқа мударрисларининг ўз вазифасини виждонан бажаришини талаб қилиш ва назорат қилиш, мадрасага янги талабаларни қабул қилиб, уларни дарсларга мунтазам

---

[37] Муминов И. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане... С. 28-29.
[38] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 1252-иш, 18-19-в.

қатнашишини, одобли бўлишини талаб қилиш ҳам катта мударрис зиммасидаги вазифалар сирасига кирар эди.

Муллага битта даражада 7 йилдан ортиқ бўлишга ҳуқуқ берилмаган. Мулла дарсга 6 ой қатнашмаса, катта мударрис уни мадрасадан чиқариш учун инспекторга ахборот бериши зарур эди. Унга, шунингдек, мадраса ходимлари ва муллаларига вақф даромадини тўғри бўлинишини назорат қилиб туриш топширилган. Катта мударрис бошқа мударрислар билан бирга адно даражасидан авсат даражасига, авсат даражасидан аълога ўтадиган муллаларнинг имтиҳонини ўтказарди. Юклатилган вазифаларни бажармаган катта мударрислар эгаллаб турган лавозимидан бўшатилар эди[39].

Чор маъмурлари катта мударрис лавозимини ташкил қилиб, у орқали мадрасанинг бутун ички ишларидан хабардор бўлиб туриш, унинг фаолиятини назорат қилишни мақсад қилиб қўйган эди. Йўриқномадаги қоидалардан билиниб турибдики, мадраса ходимлари, муллаларининг ҳар бир юриши, мударрислар дарсининг сифати, мазмуни, муллаларнинг дарсларига муносабати, одоби, ахлоқи, хўжалик ишлари, вақф таркибидаги ўзгаришлар, даромаддан тўғри фойдаланиш масалалари ва бошқаларни чор маъмурлари катта мударрис орқали назорат қилиб турган.

Мусулмон ўқув юртлари инспектори ва мадрасанинг катта мударриси лавозимининг жорий қилиниши, уларнинг вазифаларини белгиловчи йўриқнома мадраса ва уларнинг ходимларининг ҳақ-ҳуқуқларини чеклади, паймол қилди.

Лекин миллий мактабларга душманлик кўзи билан қараган Туркистондаги рус маъмурлари бу билан чегараланиб қолмадилар ҳамда мадрасалар ва мударрислар ҳуқуқини чеклашни давом эттирдилар.

1886 йилда Россия императори томонидан тасдиқланган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом»да мадраса қуриш

[39] ЎзР МДА, 1-ф., 12-р., 630-иш, 28-в

ва вақф таъсис қилиш Туркистон генерал-губернаторининг рухсати билан амалга оширилади, дейилган. Лекин, амалда Туркистон генерал-губернатори ва рус амалдорлари ҳар хил йўллар билан бунга доим қаршилик кўрсатдилар.

1902 йил 14 июнда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори мадраса очиш масаласида Туркистон генерал-губернаторига махсус хат билан мурожаат қилиб[40], Фарғона вилоятининг мусулмонларидан бири ундан мадраса очишга рухсат сўраганлигини маълум қилади. Хатда ҳарбий губернатор мадраса қуриш учун асос йўқлигини ҳар томонлама исботлашга уринган.

Биринчидан, вилоятда мадрасалар кўп, янги қуриш учун зарурият йўқ, иккинчидан, янги мусулмон ўқув юртларини очиш, улар исломни мустаҳкамлаш учун хизмат қилиши сабабли, ўта чакки иш бўлади, шуларни ҳисобга олиб янги мадрасалар қуришни талаб қилганларнинг илтимосини рад этишингизни сурайман, деб ёзади ҳарбий губернатор.

Ушбу ҳужжатга 1901 - 1904 йилларда Туркистон генерал-губернатори бўлган Н.А. Иванов 1902 йил 31 июлда «Рад қилиш керак ва бундан кейин ҳам рад қилинсин»[41], деб резолюция қўйган. Генерал-губернаторнинг бу қарори фақат Фарғона вилояти учун эмас, балки бутун ўлка учун қабул қилинган қарор эди.

Туркистон ўлкаси халқ ўқув юртлари 3-инспектори В.П. Наливкин ўзининг 1894 йилда ўқув юртларини очишда раҳбарлик қилиш учун қўлланиладиган қоидалар лойиҳасига ёзган тушунтириш хатида мадрасалар, мактаблар, қорихоналарга салбий муносабатини баён қилиб, шундай ёзган: «Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, мактаблар биринчидан, замондан орқада қолган. Иккинчидан, уларда ривожланиш учун куртак йўқ, уларни олдин рус-тузем мактаблари,

[40] ЎзР МДА, 47-ф., I-р., 804-иш, 219-в.
[41] Ўша жойда.

кейинчалик узоқ келажакда бизнинг ҳар-хил номдаги рус ўқув юртларимиз секин-секин сиқиб чиқаради.

Шунинг учун ҳозир қуйи тузем мактабларининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳам, уларни сонини орттириш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилиш учун ҳеч қандай асос йўқ. Аста-секинлик билан қатор чеклаш чораларини кўриб, бу мактабларни бизнинг маҳаллий аҳоли маънавий ҳаётига таъсиримизга қаршилик кўрсатишга ожиз, лаёқатсиз қилиш лозим».[42]

Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К.П. фон Кауфмандан кейинги бошлиқлар, айниқса, Дукчи Эшон етакчилигидаги Андижон қўзғолонидан кейинги генераллар С.М. Духовской, П.И. Мишченко, А.И. Самсонов ва бошқалар мусулмон руҳонийларига қарши қатъий чоралар кўриш, руслаштириш сиёсатини тезлаштириш, мадраса, мактабларда туб ислоҳотлар ўтказиш ғояларини илгари сурдилар. Бу ғояларнинг ташаббускорлари Туркистонда европоцентризмни (ғарб маданияти, жумладан, рус маданиятини шарқ маданиятидан устуворлиги тўғрисидаги таълимотни) тарқатувчилар, маданият соҳасидаги рус маъмурлари Н.П. Остроумов, В.П. Наливкин, С.М. Граменицкий, Ф.М. Керенский ва бошқалар эди. Н.П. Остроумов ва В.П. Наливкин мадраса, мактабларни ислоҳотини шошилинч ва зўрлик, революцион йўл билан, С.М. Граменицкий ва Ф.М. Керенский аста-секин, эволюцион йўл билан амалга ошириш тарафдорлари эди.

Чор ҳукумати Туркистондаги руҳонийларни маҳаллий халқни ўз орқасидан эргаштира оладиган, мусулмонларни чоризмга қарши қўзғолонга уюштира оладиган, ўта хавфли куч эканлигини ҳисобга олиб, улар билан жуда эҳтиёт бўлиб алоқа қилиш зарур, деб билган. Шуни назарда тутиб марказий ҳукумат Туркистон генерал-губернаторларининг мактаб ва мадрасаларда кенг миқёсда ислоҳот ўтказиш

[42] ЎЗР МДА, 47-ф., I-р., 601-иш, 155-в.

тўғрисидаги фикр ва таклифларини қўллаб-қувватламади ва бунга рухсат бермади.

1.2. Мадрасалар моддий базасининг заифлаштирилиши ва ўқув ишларини назорат қилинишнинг кучайтирилиши

Чор ҳукуматининг рус бўлмаган халқларнинг миллий маорифи соҳасидаги сиёсатидан келиб чиққан ҳолда Туркистондаги рус амалдорлари мусулмон мактабларининг ҳуқуқларини чеклаш, заифлаштириш, тугатиш чора - тадбирларини кўрдилар. Миллий мактабларни ривожланишига тўғаноқ бўлдилар.

Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспекторининг 1895 йил 12 июндаги маърузасида, Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасидаги икки қаватли, нуфузли энг қадимги Шукурхон мадрасасида дарс ўтилмаётганлиги ва эскирганлиги баҳонаси билан Туркистон генерал-губернатори кўрсатмасига асосан бузиб юборилганлиги, унинг вақфи бўлган карвонсарой Тошкентнинг Себзор даҳасидаги «Мўй муборак» мадрасасига берилганлиги қайд қилинган. Ер солиқ комиссияси ушбу мадрасага қарашли вақф мулкларини ноқонуний деб топиб давлат ҳисобига ўтказган ва мадраса даромадсиз қолган. Ҳар иккала мадрасани бир шахс Қушбеги Мирза Аҳмад Мирза Муҳаммад Аминов қурдирган ва вақф таъсис қилган эди. Вақфнинг мутаваллиси тошкентлик Мулла Боқи Муҳаммад Мулла Исо-Муҳаммедов бузилган мадраса ўрнига янги мадраса очишга рухсат сўраганда Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори рад жавобини берган.[43] Бу далиллар Чор ҳукуматининг сиёсати мадраса, мактабларни, уларнинг вақфларини йўқ қилишга қаратилганлигидан далолат беради.

Чор ҳукумати мадраса ва мактабларни чеклаш ва охир - оқибатда йўқ қилиш мақсадида уларнинг иқтисодий асоси бўлган вақф мулкини

[43] ЎзР МДА, 47-ф., I-р., 436-иш, 141-143-в.

тортиб олишга, улардан олинадиган даромадни давлат хазинасига туширишга қаратилган қонун-қоидалар ишлаб чиқди. Миллий мактабларнинг вақф мулкларидан олинадиган даромадларини давлат хазинасига тортиб олиш сабабини Самарқанд шаҳри ҳарбий губернатори ёрдамчиси полковник Гиппиус ўзи ёзган ҳужжатлардан бирида аниқ баён этади: «Мусулмон мактабларига ёрдам бериш, бу ундаги тоқат қилиб бўлмайдиган ислом ақидаларини қўллаш демакдир. Бу масалада вақф ҳаммага маълум сиёсий ва диний муаммоларнинг сабабчисидир.

Вақф шу билан биз учун ноқулайки, бу аста-секинлик билан ислом дини вакиллари қўлида катта-катта маблағларнинг жамғарилишига олиб келади. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди, чунки ер Туркистон ўлкасида асосий даромад манбаи бўлганлиги учун ҳам ҳукумат уни ўз қўлидан чиқиб кетишини хоҳламайди. Шунингдек, аҳоли яшайдиган ерларнинг вақф ташкилотлари таъсирида бўлиши ва улар учун солиқ тўлаши ҳам ҳукуматга маъқул эмасдир».[44] Рус маъмурларининг тан олишича мусулмон мактаблари вақфларини чеклаш сиёсатидан кўзланган мақсад-биринчидан, уларнинг фаолиятига зарба бериш, сустлаштириш, заифлаштириш, шу йўл билан аста-секин уларнинг фаолиятини тўхтатиш бўлса, иккинчидан, вақф даромади ҳисобига давлат хазинасини бойитиш эди.

Иброҳим Мўминов юқорида тилга олинган асарида фактларга асосланган ҳолда қайд қиладики, Туркистонни босиб олишнинг дастлабки даврларида вақф мулклари руҳонийлар ихтиёрида қолдирилган эди. XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб аҳоли яшайдиган вақф ерларидан чор ҳукумати томонидан солиқ олина бошланди. Чор ҳукумати руҳонийларни экин ерлардан тушадиган даромаддан маҳрум

[44] ЎзР МДА, 19-ф., I-р., 33514-иш, 107-в.

қилиб, уларни иқтисодий жиҳатдан чор маъмурларига қарам қилиб қўйилганлигини уқтирган[45].

1886 йили тасдиқланган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом»да чор ҳукуматининг вақф сиёсати аниқ баён этилди. Вақф тўғрисида ишлаб чиқилган қоидалар мадраса, мактабларни вақф мулкига бўлган қонуний ҳуқуқларини чеклади. Бу қоидаларни вақф ҳуқуқига оид қисми, қуйидагилардан иборат эди:

«265-модда. Ҳукумат томонидан эътироф этилган, аҳоли яшайдиган вақф мулклари Низомнинг 255, 262, 263, 264-моддаларига асосан қишлоқ жамоаси ихтиёрида қолдирилади. Ҳукумат томонидан эътироф этилган, аҳоли яшамайдиган хусусий вақфлар қайси вақф маҳкамасига таъсис этилган бўлса, шу ташкилотда қолдирилади. Авлод вақфлари ана шу авлод тугагунга қадар улар ихтиёрида қолдирилади.

266-модда. Янги вақфлар генерал-губернатор рухсати билан айрим, жуда зарур ҳолларда таъсис этилади.

267-модда. Вақф ҳужжатларини тасдиқлаш, вақфларни бошқаришни ташкил этиш, вақф даромадларидан тўғри фойдаланишни назорат қилиш ва тафтиш қилиш ҳуқуқи вилоят бошқармаси зиммасига юкланади»[46].

Низомга биноан мадраса, мактабларнинг вақф мулклари ҳукумат томонидан назорат остига олинган ва назорат қилиш ҳуқуқи вилоят бошқармалари ҳамда генерал-губернаторга берилган эди. Вақф мулклари икки тоифага: аҳоли яшайдиган ва аҳоли яшамайдиган вақфларга бўлиниб, биринчиси, мусулмон мактаблари ихтиёридан тортиб олиниб, қишлоқ жамоасига берилиши кўрсатилган.

Маълумки, шариат қоидаларига асосан, вақф мулки дахлсиз ҳисобланади ва уни вақф ташкилотларидан тортиб олиш, эгалик қилиш, совға қилиш, гаровга қўйиш ман этилади. Чор ҳукуматининг

---

[45] Муминов И. Из истории развития общественно-философской мысли в Узбекистане... С. 28.
[46] ЎзР МДА, 1-ф., 12-р., 630-иш, 28-в.

Низомидаги вақфга оид қоидалар шариатга бутунлай зид бўлиб, мустамлака маъмурияти уларни мадраса ва мактабларнинг вақф мулкларини тортиб олиш ва даромаддан маҳрум қилиш мақсадида ишлаб чиққан эди.

Низомга илова қилинган «Туркистон ўлкасида ер-солиқ ишларини амалга ошириш қоидалари» да ушбу кўрсатмалар эълон қилингандан кейин 6 ой ичида барча вақфномаларни вилоят бошқармасига текшириш учун топшириш талаб этилди. Шу муддатда топширилмаган вақфномалар бекор қилинган ҳисобланади, деб кўрсатилди. Шунинг учун асосан барча вақф ташкилотлари вақф мулкига эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи вақфнома ҳужжатларини вилоят бошқармасига топширган.

Туркистон генерал-губернатори вақф ҳужжатларини текшириш, қонуний ёки ноқонуний эканлигини аниқлаш бўйича вилоят бошқармалари учун йўриқнома ишлаб чиқди. Бу йўриқномада шундай дейилган: «Вилоят бошқармасига белгиланган муддатда топширилган барча ҳужжатларни Вилоят бошқармаси кўриб чиқади ва шубҳасиз қалбаки ёки кучини йўқотганларини натижасиз қолдириш тўғрисида қарор қилади ва генерал-губернаторга тасдиқ учун топширади.

Қолган вақф ҳужжатларидан Вилоят бошқармаси хон ва амирлар муҳри билан тасдиқланганларини ажратиб олиб, комиссия орқали ер-солиқ комиссарига, унга берилган йўриқномага асосан текшириш учун топширилади. Қолган барча хон ва амирлар муҳри билан тасдиқланмаган ҳужжатларни улар давлатга ер солиғи тўлаш бўйича имтиёз олиш ҳуқуқини тасдиқланмагани ва фақат вақф мулкига эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлагани учун, Вилоят бошқармасида келажакдаги кўрсатмаларга қадар қолдирилади»[47]. Кўриниб турибдики, бу йўриқномада вилоят бошқармасига вақфномада хон ёки амир муҳри йўқ бўлса, ноқонуний деб ҳисоблаш тўғрисида кўрсатма берган. Вақф

[47] ЎзР МДА, 1-ф., 12-р., 630-иш, 332-в.

ташкилотлари, шунингдек, мадраса, мактаблар томонидан Вилоят бошқармаларига топширилган вақфномаларнинг тахминан 90 фоизида хон ва амирларнинг муҳри йўқ эди[48]. Шуни баҳона қилиб бу вақфномаларни ноқонуний деб ҳисобладилар. Шундай ўзбошимчалик, адолатсиз йўл билан кўплаб мадраса, мактаблар вақф даромадидан маҳрум қилинди. Йўриқномaнинг яна бир адолатсизлиги шундаки, шариат қоидаларига асосан вақфнома маҳаллий қози томонидан иккита гувоҳ иштирокида тузилган ва муҳри билан тасдиқланган. Вақфномада хон ёки амир муҳри бўлиши шарт эмас эди. Фақат хонга яқин кишилар томонидан ташкил қилинган вақфлар ҳужжатларида хон муҳри бўларди. Шунинг учун генерал-губернатор жорий қилган қоида бутунлай асоссиз эди.

Ушбу тадбир Россия босқинчиларининг Туркистон ўлкасида олиб борган зўравонлик сиёсатининг бир кўриниши ўлароқ, чор маъмурларининг ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмаганликларини, керак бўлганда улар, хатто бирон-бир масалани чор ҳукумати фойдасига ҳал этишга имкон бермаса ўзлари ишлаб чиққан тартиб-қоидаларни ҳам бекор қилганлар ва бузганлар. Жумладан, юқорида тилга олинган йўриқномада хон ва амирлар муҳри босилган вақфномалар қонуний деб тан олиниши белгилаб қўйилган бўлса-да, улар турли баҳоналар билан ана шундай вақфномаларни ҳам ноқонуний деб топганлар, хусусан, катта миқдордаги ер-мулкларга тегишли вақфномаларга нисбатан шундай йўл тутилган ва ундан олинадиган даромад давлат хазинасига ўтказилган. Самарқанддаги машҳур Тиллакори ва Шердор мадрасаларининг вақфномаларининг тақдирлари бунга яққол мисол бўла олади. Бу мадрасаларни қурдирган Самарқанд беги Ялангтўшбий кўп миқдордаги ерларни вақф килган. Вақфномада

[48] Болтабоев С.Д. Вакфное имущество в Туркестанском крае во второй половине XIX и в начале XX в.: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Ташкент, 1995. С. 16

кўрсатилишича, Тиллакори ва Шердор мадрасаларининг 26 жойда экин жойлари борлиги кўрсатилган.

Пиринкент қишлоқ жамоасида 509 десятина, Захлик қишлоқ жамоасида 100 десятина, Зирабулоқда 2 - 3 минг таноб лалми ерлари борлиги кўрсатилган. Қолган чекларда ҳам 100 - 600 таноб ерлар бор эди.[49] Албатта, бундай катта даромад манбаини чор маъмурлари қўлдан чиқариши мумкин эмас эди. Шу сабабли, вақфномада амирнинг 12 та муҳри бўлишига қарамай, 1814 йили Бухоро амири Ҳайдарнинг буйруғи билан вақфнома қайта ёзилганлиги учун 1901 йил 12 февралда Самарқанд вилояти бошқармасининг қарори билан вақф мулки даромадларидан маҳрум қилинган ва давлат хазинасига ўтказилган [50].

Чор ҳукуматининг 1886 йилдаги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низоми»га асосан ўтказилган вақф ислоҳоти миллий таълим тизимига катта зарар етказди, мадрасаларнинг вақф ерлари тортиб олинди ва улар даромадсиз қолди. Бунинг оқибатида мударрислар, талабалар сони камайди ва кўп мадрасалар таъмирланмай ҳаробага айланди. Масалан, Андижондаги «Абдураҳмон офтобачи» мадрасасида 1895 йилдаги маълумотларга қараганда 1 нафар мударрис ва 12 нафар талаба қолган.[51]

Тошкент шаҳрида ҳам катта мадрасаларда 5 - 6 нафар мударрис ишлар эди. Лекин уларда ҳам вақф ерларидан маҳрум бўлганидан кейин мударрислар ва муллалар сони камайган. 1900 йилда Тошкентнинг «Кўкалдош мадрасаси»да мударрислар Юнусхон Эшонов ва Абдулла Охун, «Бекларбеги мадрасаси»да мударрис Домла Исо Маҳмудхўжа Абдулмалик, «Хўжа Аҳрор Валий мадрасаси»да мударрис Саид Ғани Хўжа, «Мўй Муборак мадрасаси»да мударрис Эшон Бобохон Абдумуҳаммадхонов, «Абдулқосимхон мадрасаси»да мударрис Саид Акрамхон Эшон Бобохон, «Қосимбой мадрасаси» да мударрис

[49] ЎзР МДА, 1-ф., 12-р., 1-иш, 287-298-в.
[50] Болтабоев С.Д. Вакфное имущество в Туркестанском крае... С. 16.
[51] ЎзР МДА, 717-ф., 1-р., 512-иш, 101-в.

Исо Муҳаммад Бадал Ҳожинов, «Ҳожи Аҳмадбой мадрасаси» да мударрис Муҳаммад Амин, «Муҳаммад Карим Ҳожи мадрасаси»да мударрис Баҳодирхон Эшон, «Исо Хўжа Эшон мадрасаси» да мударрис Муҳитдин Хўжа, «Отабой Хўжа мадрасаси» да Мударрис Сайид Акбархонов[52] талабаларга сабоқ беришган. 1900 йилда Сирдарё вилоятидаги 30 та мадрасадан фақат 2 тасида икки нафардан мударрис, қолганларида бир нафардан мударрис бўлган. Вилоят, жумладан, Тошкент шаҳри мадрасаларининг ярмида йигирмадан кам талабалар ўқиган.[53] Бу маълумотлардан, чор ҳукуматининг мадрасалар фаолиятини чеклаш сиёсати натижасида миллий таълим тизимига, мактаблар ва мадрасаларга нақадар катта зарар етказилганлиги, хусусан, мударрислар ва талабалар сони камайгани, мадрасаларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни пасайгани яққол кўринади.

Чор ҳукумати Ўрта Осиё халқлари дилида озодлик, мустақиллик орзулари борлигини, шу мақсадда ғалаёнлар кўтариши ва бундай ҳаракатлар, энг аввало, руҳонийлар, мударрислар, муллалар томонидан бошланиши мумкинлигини сезиб, унинг олдини олиш чора-тадбирларини кўрди. Жумладан, Ўрта Осиёни босиб олган дастлабки йиллардан бошлаб мактаблар, мадрасалар жамоаларининг сиёсий кайфиятини назорат қилишни ташкил этди. Бу иш билан фақат ўқув юртлари идораларигина эмас, балки Ички ишлар вазирлиги, унинг Туркистондаги маҳаллий полиция органлари ҳам шуғулландилар[54].

1905 - 1907 йиллардаги биринчи рус инқилоби Туркистоннинг тубжой аҳолисига ҳам таъсир кўрсатди. Шаҳарларда ерли аҳоли ўртасида ҳам митинглар, иш ташлашлар бўлди. Жадидчилик ҳаракати шу йилларда янада кучайди. Туркистонда миллий озодлик ҳаракатининг кенгайишидан чўчиган чор ҳукумати 1907 йилнинг ноябрида марказ-Петербургга хизмат қилувчи рус махфий сиёсий

[52] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 601-иш, 113-в.
[53] Ўша жойда.
[54] Ўша жойда. 1065-иш, 211-в.

полицияси - Туркистон район муҳофаза бўлимини ташкил қилди[55]. Бу махфий полиция ўлкада миллий озодлик ҳаракатига йўл қўймаслик, ўлкани руслаштиришга қаршилик қилувчи кучларни пинҳона ёки ошкора йўқ қилиш учун хизмат қилиши лозим эди. Жосуслар ерли аҳоли кайфияти тўғрисида маълумотлар тўпладилар ва улар устидан доимий назоратни кучайтирдилар. Туркистон район муҳофаза бўлими мусулмон руҳонийлари, мадраса хизматчилари, муллалари фаолиятига шубҳа билан қараган ва мунтазам назорат қилиб турган. Туркистон ўлкасининг ичидаги ва ташқарисидаги разведка тўғрисидаги масала бўйича махсус комиссия тузилди. Бу комиссия 1908 йил август - сентябрь ойларидаги бир неча мажлисида мусулмон мактаблари фаолиятини кузатиш масаласини муҳокама қилди.

Н.П. Остроумов комиссиянинг 1908 йил 6 августдаги мажлисидаги маърузасида дин пешволарининг-мадрасаларнинг мударрислари, мактаб домлалари, эшон, шайх, ҳожи ва бошқалар фаолиятини шарҳлаб берган. Улар ерли аҳоли орасида ақидапарастлик, мутаассибликни ташвиқот қилади ва русларга нисбатан душманликни, нафратни уйғотади, улар Ўрта Осиё мусулмонларида фанатизмни кучайтиради, деб такидлаган. Хулоса қилиб шундай деган: «Юқорида айтилган руҳонийлар ёрдамида мусулмонларни христиан давлатлари ва халқларининг асоратидан ва васийлигидан озод қилишни мақсад қилиб қўйган панисломизм ғоялари бизнинг Ўрта Осиёда кенг тарқалган ва Туркистон мусулмонлари билан Европа Россияси ва бутун дунё мусулмонлари ўртасида алоқа вужудга келган»[56]. Шу фикрлардан келиб чиқиб, у мусулмон мактабларини сезгирлик билан қатъий назорат қилиб туриш, «исломнинг жонланиши»ни кутмасдан, унинг олдини олиш лозимлигини уқтирди. «Туркистонда юқорида

---

[55] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида / Таҳрир хайъати: (Раис А. Азизхўжаев). Содиқов Ҳ., Шамсутдинов Р., Равшанов П., Усмонов Қ. ва бошқалар. - Тошкент: Шарқ, 2000. Б. 401.
[56] ЎзР МДА, 1-ф., 31-р., 540-иш, 15-в.

кўрсатилган диний кучларни кўриб туриб бепарво бўлиш мумкин эмас», - дейди Н.П. Остроумов. Шу билан бирга у қуйидаги таклифларни киритади:

1. мусулмон мактабларида рус тилини, Россия тарихини, Россия давлатчилиги асосларини ўргатиш;

2. мусулмон мактабларининг ички ишларига аралашмаслик, эътиборсиз қолдириш, инкор этиш сиёсатидан воз кечиш. Чунки бу сиёсат оқибатида генерал-губернатор К.П. фон Кауфман айтганидек, улар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмади, аксинча маълумотли татарлар раҳбарлик қилиб турган «озодлик ҳаракати» таъсирида қайта тикланмокда;

3. шунинг учун мусулмон мактаблари устидан бу ишни биладиган шахслар ёрдамида қатъий давлат назорати ўрнатиш зарур. Мазкур мактаблар устидан ўрнатилган ташқи назорат рус маъмуриятига уларнинг фаолияти, ўқув ишлари, уларда фойдаланилаётган дарсликлар ва бошқа асарлар тўғрисида тўлиқ маълумот олиш имконини бермайди[57]. Натижада рус маъмурияти бу мактабларда тартиб-интизом бузилишини, ҳукуматга қарши ташвиқот ва чиқишларнинг олдини ололмайди.

Комиссиянинг кўпчилик аъзолари Н.П. Остроумов таклифига қўшилиб, фақат ташқи назорат билангина чекланмаслик, мактаб, мадрасаларнинг ички ҳаётини, фаолиятини тўла назорат остига олиш зарур, деган фикрга келдилар. Комиссия мадраса, мактаблар, жадид мактаблари ўқитувчиларига, талабаларга, умуман мусулмон руҳонийларига, маҳаллий халқ зиёлиларига шубҳа билан қаради ва улар чор ҳукуматига қарши ғалаёнлар ташкил қилиши ва Россиядан ажралиб чиқиш учун ҳаракат қилиши мумкин, деб ҳисоблади.

Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, Туркистон генерал-губернаторининг ёрдамчиси генерал-лейтенант Кондратович

[57] ЎзР МДА, 1-ф., 31-р., 540-иш, 59-65-в.

раислигидаги комиссия 1908 йили 26 сентябрдаги мажлисда мусулмон мадраса, мактабларини назорат қилиш масаласини атрофлича муҳокама қилиб, шундай қарор қабул қилди: «Давлатда ҳамма нарса ҳукумат назоратида бўлиши лозим. Шунга қарамай генерал К.П. Кауфман даврида жорий қилинган маҳаллий аҳолининг маънавий ҳаётига аралашмаслик сиёсати, шунингдек, мусулмон ўқув юртларини бошқаришга мутасадди шахсларнинг тубжой аҳолининг тилини, диний эътиқодини ва урф-одатларини билмаслиги туфайли бу мадраса, мактаблар Россия ҳукумати ўлкани босиб олгандан бери амалда назоратсиз қолиб келди.

Комиссия бундай ҳолатни нотўғри деб ҳисоблайди. Мусулмон мадраса ва мактабларида ҳукуматга қарши ташвиқот олиб борилаётганини аниқлаш учун, мабодо шундай ҳаракат мавжуд бўлса унга қарши курашиш учун мусулмон мактаблари устидан мусулмон маорифини, тилини, диний эътиқоди ва турмушини яхши биладиган шахслар томонидан ҳақиқий назорат ўрнатиш зарур»[58].

Туркистондаги сиёсий идоралар маҳаллий халқдан, унинг зиёлилари, мадраса, мактаб ўқитувчилари, талабаларидан шубҳаланиб, гумонсираб, мусулмон ўқув юртлари устидан сиёсий назоратни кучайтирдилар. Сиёсий идораларнинг бу ишига чор ҳукумати ўқув юртлари амалдорлари ёрдам берди. Н.П. Остроумов, С.М. Граменицкий, В.П. Наливкин, Ф.М. Керенский сингари Туркистонда маданият соҳасида ишлаган чор ҳукумати маъмурлари маҳаллий халқлар маданияти учун эмас, чор ҳукумати учун, хаттоки разведка идоралари учун ҳам хизмат қилдилар. Россиянинг Туркистондаги маданият «арбоблари», сиёсий идоралар билан бирга, мадраса, эски мактаб, жадид мактабларида давлатга қарши ташвиқот ишларининг, сепаратистик ҳаракатларнинг олдини олиш учун чора-тадбирлар

[58] ЎзР МДА, 1-ф., 27-р., 540-иш, 65-в.

кўрдилар, уларни назорат қилишни кучайтирдилар. Чор Россияси ҳокимиятини ўлкада мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатдилар.

Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси қошидаги Туркистон генерал-губернатори 3-халқ ўқув юртлари инспектори В.П. Наливкин 1891 йил 20 февралда Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасига ёзган хатда Тошкентдаги мадрасалар ҳақида тўла маълумотлар йиғилганлиги, Кўкалдош мадрасаси мударриси Мулла Маҳмуд Ёқуб вафот этганлиги, унинг ўрнига янги мударрис тайинланиши зарурлиги, лекин ҳозирга қадар янги тайинланадиган мударрислар қандай тартибда тайинланиши унга берилган кўрсатмада равшан эмаслиги айтиб ўтилган. Шу муносабат билан Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори Ф.М. Керенский Туркистон генерал-губернаторига 1891 йил 25 февралда мадрасалар мударрисларини тайинлаш тартиби масаласи бўйича махсус маъруза билан мурожаат этган[59]. У ўз маърузасида мабодо сиз шунга рози бўлсангиз қуйидаги тартибни ўрнатиш маъқул бўлар эди, деб ёзади:

а) мударрис сайлаш олдинги тартибда ўтказилади ва маъмуриятдан рухсат олинади.

б) сайлов варақаси ёки қарори 3- халқ ўқув юртлари инспектори орқали ўқув юртларининг бош инспекторига топширилади. У Туркистон генерал-губернаторига хабар қилиб, унинг розилиги билан тасдиқлайди.

Туркистон генерал-губернатори А.Б. Вревский бош инспектор маърузаси ва ундаги таклиф билан 1891 йил 25 февралда танишиб чиқиб, «Розиман», деб резолюция қўйган.[60] Шундан сўнг ўқув юрти бош инспекторига мударрисларни тайинлаш ва бўшатиш ҳуқуқи берилди. Бош инспектор мударрислар тайинлаш тартиби тўғрисидаги генерал-губернаторнинг қарорини Сирдарё, Фарғона, Самарканд

[59] ЎзР МДА, 1-ф., 31-р., 100-иш, 36-37-в.
[60] Ўша жойда, 36-в.

вилоят ҳарбий губернаторларига ва учинчи халқ ўқув юртлари инспекторига ёзма равишда хабар қилган.

Мударрисларни тайинлашнинг бундай тартиби маҳаллий халқ ҳуқуқлари чекланганлигини ва мадраса, мударрислар фаолияти устидан назорат кучайтирилганлигини кўрсатар эди. Мударрислар тайинлашнинг ушбу янги тартиби дин пешволари ва миллий маориф тизими вакилларида норозилик уйғотди ва манбаларда уларнинг мазкур тартибга қарши чиққанлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Масалан, 1906 йил 16 апрелда Андижон шаҳридаги «Насриддинбек» мадрасаси мутаваллиси Бузрук Тўра Хожижонов Туркистон генерал-губернаторига ушбу масала бўйича ариза билан мурожаат қилган ҳамда мударрисларни тайинлаш ва бўшатиш илгари маҳаллий қозилар ихтиёрида бўлганлиги, эндиликда бу ҳуқуқ рус маъмурларига, аниқроғи, халқ ўқув юртлари инспекторига берилганлигини айтиб, янги тартибга қарши норозилик билдирган. Бу ариза Туркистон генерал-губернаторига рус маъмурлари томонидан шошилинч етказилган ва Туркистон генерал-губернатори девонхонасининг кириш журналига 1906 йил 24 апрелда қайд қилинган[61].

Шикоят кўриб чиқилиб, рад жавоби ёзилди ва Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспекторига юборилди. У ўз навбатида Андижон шаҳри полиция приставига 1906 йил 2 июлда ёзган хатида шундай деган: «Шикоятчига қуйидагини хабар қилишингизни сўрайман: Унинг илтимоси асоссиз бўлганлиги учун рад этилади. Бу ҳуқуқ амалдаги қонунлар асосида ўқув бошқармасига берилган, халқ судялари-қозиларнинг эса мадрасаларга ҳеч қандай алоқаси йўқ».[62] Ўқув юрти идоралари мударрисларнинг ёшларни тарбиялашдаги ролини ҳисобга олиб, уларнинг фаолияти устидан назоратни кучайтиришга, бу лавозимга ўзларига маъқул номзодларни тайинлашга ҳаракат

[61] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 805-иш, 120-в.
[62] Ўша жойда, 180-в.

қилдилар. Чор маъмурларининг бу адолатсиз сиёсатига маҳаллий халқ вакиллари қаршилик кўрсатди. Лекин уларнинг адолатли талаблари рад этилди.

Мударрисларни тайинлаш тартибига кўра вилоятдаги инспектор мадраса муллалари томонидан кўрсатилган номзодни Бош инспекторга тавсия этиши, у эса ўз навбатида Туркистон генерал-губернаторига бу ҳақда асосланган маъруза юбориши ва тасдиқлашга розилик сўраши лозим эди[63]. Генерал-губернатор маъқулласа бош инспектор бу номзодни тасдиқлар, шундан кейингина мударрис ўз вазифасини бажаришга киришар эди. Мударриснинг ўз лавозимига тўғри келиши ёки тўғри келмаслиги масаласини ҳал қилишда чор маъмурлари унинг билим даражасини эмас, асосан сиёсий, ғоявий жихатдан ишончлилигини, яъни чор ҳукуматига мойиллигини, қарши эмаслигини, христианларга, уларнинг диний эътиқодига муносабати каби хислатларини инобатга олган. Умуман чор маъмурларига билимли, мустақил фикрлайдиган, ўзига ишонган мударрислар эмас, билим доираси тор, мустақил ишлай олмайдиган, чор маъмурларининг айтганини бажарадиган мударрислар керак эди ва шундайларини танлар эди. Сиёсий ишончлигидан ташқари мударрисни лавозимга тайинлашда унинг муомала маданиятини, ҳарактерини, хушфеъллигини ҳисобга олар эди. Туркистондаги рус маъмурларига иродали, қаттиқ қўл, шиддатли шахслар эмас, аксинча иродасиз, кўнгли бўш, бўшашган кишилар маъқул эди. Бундай шахсларни мударрислик лавозимига тайинланиши мадрасада ўкишнинг сифатини пастлатиши мумкин эди. Лекин масаланинг бу асосий, муҳим томони рус маъмурларини қизиқтирмас эди.

Чор ҳукумати ва унинг Туркистондаги амалдорлари мадраса ва мактабларни ўз таъсирига олишга, ҳуқуқларини ҳар хил йўллар билан чеклашга, ёш авлодни руслаштириш учун улардан фойдаланишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда мактаб ва мадрасаларда рус тили

[63] ЎзР МДА, 1-ф., 27-р., 594-иш, 1-2-в.

синфларини очиш, Россия тарихи ва географиясини ўқитишни жорий қилиш чора-тадбирларини кўрди.

Чор ҳукумати томонидан 1870 йил 26 мартда Россияда яшайдиган бегона, рус бўлмаган халқлар маорифи тўғрисидаги қоидалар тасдиқланган. Улар асосида тузилган Туркистон ўлкасидаги мусулмон ўқув юртларини бошқариш тўғрисидаги дастлабки Низом ва йўриқномаларда «янги мадрасалар очишга фақат уларда рус тили синфи ташкил қилиш ва унинг ҳаражатларини таъминлаш шарти билан рухсат берилади», деб уқтириб ўтилади[64].

1893 йил 3 мартда Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори генерал-губернаторга маъруза қилиш учун вилоят ҳарбий губернаторларидан мадрасаларда рус тилини жорий қилиш бўйича ўз фикрларини маълум қилишни сўраб хат юборди[65].

Вилоят ҳарбий губернаторлари руҳонийларнинг, мадраса мударрислари ва талабаларининг рус ҳукуматига душманлик кайфиятини яхши тушуниб, мадрасаларда рус тили дарсини жорий қилиш сиёсий вазиятни кескинлаштириши, тубжой аҳолининг рус ҳукуматига адоватини кучайтириши ва кўнгилсиз холларга олиб келиши мумкин, деб ҳисобладилар. Шундан келиб чиқиб губернаторлар мадрасалар дастурига рус тилини ўқитишни киритиш учун шароит етилгани йўқ, ҳозирча бу ишдан ўзимизни тийишимиз лозим, деган фикрни баъзи бири ошкора, баъзи бири пинҳона билдирдилар[66].

Туркистон генерал-губернатори ўзининг ҳарбий губернаторларининг фикрларини синчковлик билан ўрганиб чиқди. Лекин руслаштириш сиёсатини тўхтатиб туриш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб, мадрасаларда рус тили дарсини жорий қилиш фикридан қайтмади. Шундай бўлса-да вилоят ҳарбий губернаторининг таклифларини ҳисобга олиб, бу нозик масалада эхтиёткорлик чора-тадбирларини

---

[64] ЎзР МДА, 717-ф., 7-р., 16-иш, 409-в.
[65] Ўша жойда, 47-ф., 1-р., 448-иш, 15-в.
[66] Ўша жойда, 20-в.

кўришга ҳаракат қилди. Халқ ўқув юртлари 3-инспекторига берилган ва 1894 йил 14 мартда Туркистон генерал-губернатори А.Б. Вревский томонидан тасдиқланган Туркистон ўлкаси мусулмон мактабларини бошқариш бўйича йўриқномaнинг 6-моддасида шундай дейилган: «Халқ ўқув юртлари 3-инспектори мадрасаларда рус тили курсини очиш ва маблағлар топиш учун унга боғлиқ бўлган барча чораларни кўради»[67]. Бу ҳужжатдан кўриниб турибдики, рус тили синфини очиш олдиндагидек қатъийлик билан қўйилмаган. Мадрасада рус тили синфини имконият бўлса очиш лозим, дейилган. Рус тилини ўқитиш масаласидаги янги ҳолат генерал-губернаторни вилоят ҳарбий губернаторлари билдирган фикрларни ҳисобга олишга мажбур бўлганлигини кўрсатади.

Мадраса ва мактабларда рус тилини ўргатиш жуда муҳим сиёсий масала эди. Шуни ҳисобга олиб Туркистон генерал- губернатори бу масалани доимо ўзининг диққат марказида тутди. 1903 йил декабрь ойида Туркистон генерал-губернатори девонхонаси ўлкада диний ишларни бошқариш Низоми лойиҳасини тайёрлаб олий ҳукуматга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун юборди.[68] Бу лойиҳада янги мадраса очишга, унда рус тили синфи бўлган ва унинг ҳаражати таъминланган шароитдагина рухсат берилади, мавжуд мадрасаларда рус тилининг ўқитилиши 5 йил муддат ўтгандан кейин жорий қилинади, дейилган[69]. Олий ҳукуматга юборилган лойиҳага асосланиб генерал-губернатор «Туркистон ўлкасида мусулмон диний ишлари, ўқув юртлари ва вақф мулкларини бошқариш тўғрисида вақтинча қоидалар» ишлаб чиқди ва ўлка ўқув юртлари ташкилотларига ижро учун юборди[70].

---

[67] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 717-иш, 1-в.
[68] Ўша жойда.
[69] Ўша жойда.
[70] Ўша жойда, 1-ф., 11-р., 1724-иш, 159-160-в.

Ўлкадаги ўқув юртлари ташкилотлари амалий фаолиятида «Вақтинчалик қоидалар»да кўрсатилган янги мадраса очишга фақат уларда рус тили синфи ташкил қилиш ва уни ҳаражатларини таъминлаш шарти билан рухсат берилади» деган йўл-йўриқлар қатъий амалга оширила борилди. Самарқанд шаҳрида яшовчи Хўжа Ўринбоев ўз маблағи ҳисобига Хўжа Ниспадар маҳалласи масжиди қошида мусулмон мактабхонаси очишга рухсат сўраб, Туркистон генерал-губернаторига мурожаат қилди[71]. Мактабхонада рус тили дарси жорий қилинишини маълум қилди. Фақат рус тили ўқитувчисининг ойлигини давлат хазинасидан тўланишини сўради. Бироқ, Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори 1905 йил октябрь ойидаги жавоб хатида «мактаб очилиши мумкин, фақат унинг ҳаражатлари Ўринбоев ва маҳалла аҳолиси ҳисобидан бўлган тақдирда», деб кўрсатди[72].

1905 - 1907 йиллардаги революция чор ҳукуматини, сиёсий, ҳарбий идораларни қўрқитиб қўйди. Революция бостирилгандан кейин сиёсий реакция бошланди. Бу даврдаги чор ҳукуматининг сиёсати янги исёнларга йўл қўймасликка қаратилган эди. Туркистондаги чор маъмурлари ҳам мамлакатдаги умумий вазиятдан келиб чиқиб, руслаштириш сиёсатини кучайтиришга, шу йўл билан маҳаллий аҳолини Россия ҳукуматига қарши ғалаён кўтаришининг олдини олишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда Туркистон генерал-губернаторлари марказий ҳукумат олдига мусулмон мадраса ва мактабларида туб ислоҳотлар ўтказишни, уларда рус тили, Россия тарихи ва географиясини ўқитишни жорий қилишни таклиф қилган[73]. Лекин Марказий ҳукумат бундай кескин тадбирлар маҳаллий халқнинг норозилигини кўзғатишини, ғалаёнларга олиб келишини ҳисобга олиб генерал-губернаторлар таклифларини қўллаб-қувватламади. Натижада улар ўз ҳуқуқ ва ваколатлари доирасида ва маҳаллий шароитдан

[71] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 804-иш, 226-в.
[72] Ўша жойда.
[73] Ўша жойда, 1-ф., 31-р., 840-иш, 164-в.

келиб чиқиб, мадраса ва мактабларда рус тилини ўрганишни чекланган даражада бўлса-да, амалга ошириш чораларини кўришга мажбур бўлдилар[74].

1913 йил декабрь ойида Туркистон генерал-губернатори, Сирдарё вилояти халқ ўқув юртлари директори С.М. Граменицкийни чақириб, Тошкент шаҳрининг баъзи мадрасаларида Халқ маорифи вазирлиги маблағи ҳисобига рус тили дарсларини ташкил қилиш вақти етганлиги ҳақида тегишли кўрсатмалар берди[75]. Шундан кейин у Тошкентнинг энг йирик «Беклар беги», «Хўжа Аҳрор валий» ва «Имомқули Додхоҳ» мадрасаларига бориб, катта мударрислари билан бу масала бўйича суҳбатлашди[76]. Суҳбат чоғида у муллалар ва талабалар учун рус тилини билишнинг зарур ва фойдали эканлигини, у Қозон округи мадрасаларида ҳам ўқитилишини, чунки 1870 йилда император томонидан тасдиқланган қоидаларга кўра мусулмон диний ташкилотларида бирор лавозимни эгалламоқчи бўлган битирувчилардан рус тилини билиш талаб қилинишини уқтирди[77]. Мударрислар мадрасада рус тили дарсини жорий қилиш мажбур эканлигини, бу Туркистон генерал-губернаторининг топшириғи эканлигини сезишгандан кейин, С.М. Граменицкий таклифига рози бўлишга мажбур бўлишди.

Сирдарё вилояти халқ ўқув юртлари директори «Беклар беги», «Эшон қули Додхоҳ», «Хўжа Аҳрор Валий» мадрасалари катта мударрисларининг рус тили синфлари очишга розилигини олгандан кейин 1913 йил 23 декабрда уларга қуйидаги фармойишни юборди: «Ўлканинг бош бошлиғи жаноб олийлари Тошкент шаҳрининг муҳим мадрасаларда рус тили ўқитишни жорий қилишни зарур, деб ҳисоблаб бу иш учун ҳаражатни Халқ маорифи вазирлиги маблағидан ажратишга розилик берди. Бу тўғрисида хабар қилиб сизларнинг

---

[74] ЎЗР МДА, 47-ф., 1-р., 1149-иш, 22-23-в.
[75] Ўша жойда, 1304-иш, 31-в.
[76] Ўша жойда, 28-в.
[77] Ўша жойда.

мадрасаларингизда рус тилини ўрганишни хоҳлаган муллаларга дарсларни қандай ташкил қилиш мумкинлиги ва қанча муллалар рус тилини ўрганишни хоҳлаганлиги ва бу синф учун хона бор ёки йўқлиги тўғрисида менга хабар беришингизни сўрайман. Рус тили дарсини ҳафтада уч марта тушликдан кейин икки соатдан ўтиш режалаштирилмоқда[78].

Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Туркистон ўлкасидаги 400 дан ортиқ мадрасалардан[79] чор маъмурларининг тазйиқи остида Тошкент шаҳрининг 3 та машҳур мадрасаларининг катта мударрислари рус тилини ўрганишни йўлга қўйишга ноилож рози бўлишди. Бу тадбирни Сирдарё вилояти ўқув юртлари директори, айтиш мумкинки, маъмурий-буйруқбозлик йўли билан мадраса катта мударрисларига фармойиш бериши орқали амалга оширди.

Архив манбаларидан кўриниб турибдики, чор ҳукумати Туркистондаги ўзининг ҳукмронлик даври давомида маҳаллий халқни руслаштириш сиёсатини турмушга тадбиқ этишга ҳаракат қилган. Мадраса ва мактабларда рус тилини ўрганишни жорий қилиш ана шу сиёсатни амалга ошириш йўлидаги бир қадам бўлиб, Туркистон ўлкаси халқ ўқув юртлари бош инспектори, вилоят ўқув юртлари инспекторлари бу ишда жонбозлик кўрсатди. Уларнинг тазйиқи остида айрим мадраса ва мактабларда рус синфлари ташкил этилди. Лекин чор маъмурларининг барча уринишларига қарамай, мусулмон мактабларида рус тилини ўқитиш кенг ёйилмади, зеро маҳаллий аҳоли, мадраса ва мактаб ўқитувчилари рус маъмуриятининг бу тадбири ерли аҳолини руслаштириш мақсадини кўзда тутганлигини яхши тушунар эди. Шу сабабли улар чор ҳукуматининг мусулмон мактабларида рус тили дарсини ташкил қилиш ғоясига қарши чиқди. Натижада бу ғоя кенг амалга ошмади.

---

[78] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 1304-иш, 31-в.
[79] Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане... С. 331.

Чор ҳукуматининг Туркистондаги мадраса, мактаб, масжид ва бошқа диний ташкилотларнинг ҳуқуқларини чеклаганлигидан, руслаштириш сиёсатдан, диний, миллий урф-одатларини паймол қилганлигидан мусулмон руҳонийлари норози бўлган. Мадрасаларнинг мулла ва хизматчилари чор ҳукуматининг босқинига қарши курашларини Россия армияси қурол кучи ёрдамида шафқатсизлик билан бостирганларидан кейин бекорга қон тўкмаслик учун қуролли курашни тўхтатган эдилар. Лекин маҳаллий аҳоли, уларнинг илғор вакиллари-зиёлилар, руҳонийлар ўз халқининг мустақиллигини, йўқотган эркинлигини хотираларида сақлаб келар, уларнинг қалбида, дилида чор ҳукуматининг исломни чеклаш сиёсатидан норозилик бор эди. Бу қаҳр-ғазабни руҳонийлар чор ҳукумати вакилларидан ҳам яширмасдилар. Бу ҳолатни чор маъмурлари ҳам сезиб, ислом динига нисбатан олиб борган қабиҳ сиёсатини жуда эҳтиёткорлик билан амалга оширганлар.

Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори хизматчиси Н. Сайфийни 1909 йил мартда Фарғона вилоятига мадраса ва мактабларнинг аҳволи билан танишиш баҳонасида маҳаллий аҳолининг, айниқса руҳонийларнинг кайфияти, руҳий ҳолати, чор ҳукуматига муносабати билан яширин, махфий йўл билан танишиб чиқиб ахборот бериш учун юборди[80]. Н. Сайфий ўз ахборотида руҳонийларни чор ҳукуматининг мадраса ва бошқа ислом дини ташкилотларига нисбатан сиёсатига муносабатини қуйидагича баён этади: «Қўқон, Чуст, Наманган, Андижон шаҳарлари ва Тўрақўрғон қишлоғининг мадрасалари муллалари ва мутаваллилари, жумладан, Андижонда Мулла Абдусамат Мулла Абдулмўминов, Қўқонда Мулла Ашурали, Мулла Азимжон, Хўжа Муҳаммад Юсуфбоев, Наманганда Мулла Азимбой Охун ва Тўрақўрғонда Мулла Эшмуҳаммад Ҳожи, Пирмуҳаммад Хўжаевлар билан суҳбатда шу нарса маълум бўлдики,

[80] ЎзР МДА, 1-ф., 27-р., 594-иш, 174-в.

руҳонийлар ҳозирги аҳволдан норози ва бу норозилик асосан мадраса ва масжидларнинг моддий аҳволи билан боғлиқдир»[81]. Мадраса мударрислари, муллалари ва бошқа руҳонийлар зимдан чор ҳукуматига қарши ташвиқот олиб борарди, унинг сиёсатидан пинҳона, айрим холларда ошкора норози эканлигини билдирар эди. Бу норозиликни хаттоки, рус маъмури Сайфий ҳам аниқ сезганлигини ўз ҳисоботида кўрсатиб ўтади.

Туркистон ўлкаси маҳаллий халқининг қалбида чор Россияси босқинчиларига нисбатан норозилиги биз тадқиқ қилаётган даврда (1867 - 1917) доим бўлган. Ерли аҳолининг, шунингдек, руҳонийларнинг мустамлакачилик сиёсатидан норозилиги 1898 йил Андижон қўзғолонида, 1916 йил халқ қўзғолонида ва бошқа миллий озодлик ҳаракатларида ўз аксини топди.

1917 йил февраль буржуа-демократик инқилоби натижасида чоризм ағдарилган ва Муваққат ҳукумат ўрнатилган бўлса-да, лекин миллий ва мустамлакачилик сиёсати ўзгармади. Шу муносабат билан Туркистон жадидларининг етакчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий Муваққат ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини аёвсиз танқид остига олиб мазкур ҳукуматнинг миллий таълим тизимига нисбатан чоризм сиёсатини давом эттирганлигини, мадрасалар ва мактабларга эътибор берилмагани, тажрибали, билимдон мударрислар тажрибасиз, билим даражаси паст кишилар билан алмаштирилганлигини фош қилди. М. Беҳбудий ёзадики, «натижада олимларнинг сони камайди, ахлоқсизлик кучайди, чаласавод ва сотқинлар, хаттоки нодон одамлар тасодифан қози бўлиб қолдилар. Педагогикада бўш ва иғвогар одамлар муфтий ва мударрис бўлиб қолдилар. Мулла бир вақтнинг ўзида ҳам қози, ҳам мударрис, ҳам оқсоқол бўлса талабаларнинг, маърифатчиларнинг, бутун аҳолининг иши халокатга дучор бўлиши муқаррар. Шу билан бирга мударрис, қози вазифасини бажаришга лойиқ

[81] ЎзР МДА, 1-ф., 27-р., 594-иш, 174-183-в.

олимлар очликка маҳкум қилинган. Оҳ! Ҳукумат ва миссионерлар бизни нима қилишди»лар[82]. М. Беҳбудий чор ҳукуматининг, шунингдек, Муваққат ҳукуматнинг ислом динига ва унинг ташкилотлари-мадраса, эски мактаб ва қозихоналарига нисбатан олиб борган сиёсатидан тўла хабардор бўлган. У ўз мақоласида илгари чор ҳукумати, энди Муваққат ҳукумат мадрасалар, мударрислар ҳуқуқларини чеклаганлигидан, ўзлари чаласавод ва нодон бўлса ҳам рус маъмурларининг айтганини қиладиган, русларга бўйин эгадиган, мунофиқ муллаларни мударрис қилиб олиб, мадрасадаги ўқув ишлари сифатини пастлатганлигидан, истеъдодли, билимдон, олим мударрислар оч қолиб, қийналганлигидан фарёд чекади. Мақолада келтирилган Беҳбудийнинг фикрларини архив ҳужжатлари ҳам тўла тасдиқлайди.

Шундай қилиб, чор ҳукумати Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин мусулмонларнинг миллий маорифи-мадраса, мактабларини чеклаш, охири уларни йўқ қилиш, ерли аҳолини руслаштириш сиёсатини олиб борди. Янги мадраса, мактаблар очиш, уларга вақфлар таъсис этиш амалда ман қилинди. Мавжуд мадраса, мактабларни ҳар хил баҳоналар билан ёпишга, бузиб ташлашга ҳаракат қилди. Россия давлати хазинасини бойитиш, мусулмон руҳонийларини чеклаш мақсадида мадрасаларнинг вақф ерларини тортиб олди. Бу иш вақфлар вужудга келгандан буён ҳеч кўрилмаган адолатсизлик эди. Чоризмнинг бу тадбири мадрасаларнинг моддий имкониятини чеклади. Бунинг натижасида мударрислар ва талабалар сони камайди, ўқув ишларининг сифати пасайди, моддий базадан маҳрум бўлганлиги туфайли кўплаб мадрасалар таъмирланмади ва аста-секин нураб, шикастланиб, фойдаланишга ярамай қолди. Мадрасалар вақфларини тортиб олиниши уларнинг фаолиятига катта зарар етказган бўлса, чор ҳукуматининг мадраса ва мактаблар устидан ўз назоратини йилдан-

[82] Беҳбудий М. Бизга ислоҳ керак // Нажот. 1917 йил, № 18, 7 ноябр (17 октябр); Алимова Д.А., Рашидова Д. Махмудходжа Бехбудий, и его исторические воззрения... С. 16-17.

йилга кучайтирганлиги, хусусан, Андижон қўзғолонидан сўнг бу ишнинг янада авж олганлиги, рус ўқув юртлари қатори мусулмон мактаблари ҳам Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори, вилоят ўқув юртлари инспекторлари томонидан бошқарилиб, ўқув-тарбия ишлари назорат қилиниб турилганлиги, мадраса, мактаблар устидан сиёсий назорат ҳам ўрнатилганлиги умуман миллий таълим тизимига салбий таъсир кўрсатди.

Чор маъмурлари мадраса мударрисларини қаттиқ назорат остига олдилар. Мадраса мударрисларини расман талабалар сайласалар ҳам уни лавозимга тайинлаш ва озод қилиш ҳуқуқи Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспекторига берилган эди. Чор маъмурлари ҳар бир мударрис тўғрисида мадраса жойлашган участка полицияси бошлиғидан зарур маълумотномалар олиб, унинг сиёсий жиҳатдан ишончли эканлигини текшириб, зимдан аниқлар, чор ҳукумати сиёсатига қарши бўлмаган шахсларгина ишонч ҳосил қилингандан кейингина генерал-губернаторнинг рухсати билан мударрисликка тайинланар эди.

Вилоятларда ўқув юртлари инспектори мадраса, мактаблар фаолиятини текшириб турган. Мадраса, мактабларда мударрис ва мактаб домлалари рус ҳукуматига қарши, мустақиллик учун кураш тўғрисида ташвиқот олиб бормаяптими, руҳонийларнинг сиёсий кайфияти қандай, ғалаён кўтаришга ҳаракат қилмаяптими ва бошқа шу каби масалаларни аниқлашга текширувчилар асосий эътибор берар эди. Чор ҳукумати Туркистонда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий халқни руслаштириш сиёсатни кенг қамровда олиб борди. Маориф соҳасида бу сиёсат мадраса, мактабларда рус тилини жорий қилиш, ёшларга рус тилини ўргатиш, Россия тарихи, географияси фанларини ўқув дастурига киритиб, Россия иқтисоди, маданияти ривожланган буюк давлат, деган ғояни ерли аҳоли онгига сингдиришга қаратилган эди.

Туркистондаги чор маъмурлари маҳаллий шароитдан келиб чиққан холда, айрим мадраса, мактабларда катта мударрисларга тазйиқ ўтказиб рус тилини жорий қилишди. Чор ҳукуматининг миллий мактаб, мадрасаларни чеклаш сиёсати туфайли уларнинг сони камайди, мударрис ва муллалар миқдори озайди, дарсларнинг сифати пасайди. Бу ҳолат ўқув юртлари, халқ таълими орқали ёшлар орасида ахлоқий тарбияни олиб боришга, умуминсоний, миллий қадриятларни кенг сингдиришга катта зарар етказди. Ёшлар ўртасида одоб-ахлоқ изидан чиқди.

Руҳонийлар, мударрис ва муллалар чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатидан, мадраса, мактаблар ва уларни ҳуқуқларини чеклаганлигидан норози бўлганлар, ўз ҳуқуқларини талаб қилганлар. Лекин чор маъмурлари бу талабларни бажармадилар. Улар биз чор ҳукуматининг қонунлари асосида қонуний иш олиб бораяпмиз, деб баҳона қилдилар. Мусулмон руҳонийларининг, умуман тубжой аҳолининг чоризм мустамлакачилик сиёсатидан норози эканлиги Умумтуркистон халқ қўзғолонларида ва бошқа ғалаёнларда ўз аксини топди.

II. БОБ. ЖАДИД МАКТАБЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ЧОРИЗМНИНГ УНГА ҚАРШИ КУРАШИ

2.1. Миллий зиёлилар томонидан жадид мактабларининг ташкил этилиши

Чоризмнинг Туркистонни хом ашё манбаига айлантирганлиги, халқни қашшоқлик ва жаҳолатга солганлиги, умуман унинг мустамлакачилик сиёсати халқни истибдод зулмига қарши миллий озодлик курашини бошлашга мажбур қилди. Мана шундай тарихий шароитда ўлкада миллат равнақини, озодлиги, эркинлигини тинч йўл билан қўлга киритишни ўйловчи тараққийпарвар кучлар - жадидлар пайдо бўлди. Улар бир томондан чоризмнинг қудратли ҳарбий-сиёсий куч эканлигини яхши билганликлари, иккинчи томондан, халқнинг миллий онгини оширмай, ўзлигини англатмай туриб, асосий мақсадга-мустақилликка эришиб бўлмаслигини яхши тушунганликлари туфайли озодлик ҳаракатининг биринчи босқичи халқни маърифатли қилишдан иборат бўлиши лозим, деб ҳисобладилар ва шундан келиб чиқиб ўз фаолиятларини мактаб, матбуот, санъат орқали халқни маърифатли қилишдан бошладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жадидларнинг маърифатчилик ҳаракати ҳақида шундай деган эди: «... чор Россияси асоратига тушиб қолиб, буткул таназзулга юз тутган ўлкани уйғотишга, халқнинг кўзини очишга фақат маърифат орқалигина эришиш мумкин эди...

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Таваллоларга мактаб очганлари, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга даъват этганлар учун биров маош тўлаганми? Биров уларга ойлик берганми? Албатта, йўқ! Улар ўт билан ўйнашаётганларини, истибдодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши

билишган. Билатуриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки виждонлари, иймонлари, шунга даъват этган»[83]

Туркистондаги жадидчилик, озодлик ҳаракати Шарқ халқларининг, Россия империясидаги мусулмон халқларининг озодлик ҳаракати билан узвий боғлиқ эди. Мустақиллик учун курашнинг биринчи босқичини маърифатпарварлик йўли билан амалга ошириш ғоясини Россия мусулмонлари орасида биринчи бўлиб қрим татар халқининг фарзанди Исмоил Гаспринский илгари сурган эди. Бу ҳаракатга Туркистонда жадидларнинг кўзга кўринган вакиллари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаев, Абдулқодир Шакурий кабилар етакчилик қилдилар[84].

Табиийки, Туркистонда мустамлакачилик маъмурияти жадидчилик ғояларининг тарқалишига йўл қўймасликка жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Бироқ, бу ғоя тарихий тараққиёт натижаси ўлароқ юзага келганлиги, мусулмон дунёси эҳтиёжларидан келиб чиққанлиги сабабли маҳаллий рус амалдорларининг қаршиликларига қарамай халқ ўртасида кенг тарқалди ва қўллаб-қувватланди. Тарихий тараққиёт, Ғарб таъсири мактабларда дастлаб диний билимлар билан бир қаторда дунёвий билимларни ёшларга ўргатишни ва жамият тараққиётини янги, юқорироқ босқичга олиб чиқишни талаб қилмоқда эди. И. Гаспринский ғояларининг Россия империяси мусулмонлари, шу жумладан, Туркистон жадидлари орасида тез шуҳрат топганлиги шу билан изоҳланади.

1900 йил 31 декабрда Ички ишлар вазирининг полиция департаменти Туркистон генерал-губернаторига махсус хат йўллаб, Исмоил Гаспринский ғояси моҳиятини тушунтирди ва бунинг

---

[83] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Тошкент: Шарқ 1998. Б. 7-8.

[84] Алимова Д.А. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш / Масъул муҳаррир Д.А. Алимова. - Тошкент: Университет, 1999. Б. 36.

Туркистонда тарқалмаслиги учун чора-тадбирлар кўришини буюрди.[85] Ушбу фармойишда, Гаспринский ғоялари дастлаб ўқитишнинг янги усули сифатида пайдо бўлганлиги, Гаспринскийнинг европача бўғинлаб ўқишга асосланган ўқиш китоби мавжудлиги ҳамда бу усул татар болаларининг татарча ва арабча хат-савод ўрганишини енгиллаштиргани, ўқиш даврини қисқартиргани баён этилган. Лекин кўп ўтмай ана шу янги усул заминида янги илғор фикрлар вужудга келганлиги ва бутун бир ижтимоий ҳаракатга айланганлиги тушунтириб берилган. Мусулмонлар орасида икки оқим: қадимчилар, тараққийпарварлар пайдо бўлганлиги, қадимчилар маориф соҳасида эски анъаналарни сақлаб қолишга, уни ўз қўлидан чиқармасликка, тараққийпарварлар эса илғор ғоялар ва маданиятни мусулмонлар ҳаётига киритишга ҳаракат қилаётганликлари кўрсатилган.

«Янги оқим тарафдорлари,-дейилади полиция департаменти фармойишида, - ўз асарларида татар аҳолисини маданий ва бой бўлиши учун замонавий маълумот олишга, ҳунармандчилик ва саноат соҳаларида амалий малака билимларни эгаллашга, чет тилларни ўрганишга чақирмоқда. Шу билан бирга бу ижодкорлар мусулмонларни рус умумтаълим мактаб, гимназияларига ва олий ўқув юртларига эмас, балки, Европа фанлари ва Қуръон ўқитиладиган, татар тилидаги мактаб ва мадрасаларда ўқишга даъват қилмоқдалар. Улар ўз динининг маъносини чуқур тушуниб олиб, уни хурофот, бидъат ва муллаларнинг нодон талқинларидан тозалаш зарур, деб кўрсатмоқдалар. Адабиёт, фан, дин соҳаларида она тилини қўллаш йўли билан ўз миллатини мустаҳкамлаш ва ислом, турк халқи негизида тараққиётга эришиш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда».[86] Полиция депортаменти ҳар иккала оқимни ҳам, айниқса, тараққийпарварларни ишончли, деб бўлмайди,

[85] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 361-иш, 230-в.
[86] Ўша жойда, 601-иш, 289-290-в.

чунки улар мусулмон руҳонийлари каби Россиядан ажралиш тарафдори, - деб огоҳлантиради.

Ички ишлар вазирлиги Туркистон генерал-губернаторига қуйидаги вазифаларни топширган эди: «1. Сизга топширилган район мусулмон аҳолиси орасидан татар адабиётида тараққийпарварлар ғоялари акс эттирилган асарлар муаллифларининг шахсини аниқлаш. 2. Уларнинг шахсияти, ижтимоий ва мулкий аҳволи, мусулмонлар орасида олиб бораётган ишлари ва қаерда маълумот олганлиги тўғрисида тўла маълумот йиғиш. 3. Янги ҳаракат тарафдорлари билан ёш турклар ўртасида алоқа борми, Туркия ёки бошқа чет эл мусулмон марказлари уларни илҳомлантирадими? Шу масалани аниқлаш. 4. Сиз бошқараётган районда янги усул бўйича дарс ўтадиган мусулмон мактаблари қаерда, қачон ва ким томонидан ташкил қилинган, ким бошқариши ва назорат қилишини аниқлаш»[87]. Бу маълумотларни полиция департаментига юбориш сўралган эди.

Полиция департаментининг бу мутлақо махфий ҳужжатини Туркистон генерал-губернатори ўқув юртлари бош инспектори ва полиция идораларига ижро қилиш учун юборди. Бу вақтда Туркистонда янги усул мактаблари эндигина пайдо бўла бошлаган эди, кўринадики ўқув юртлари ва полиция идоралари жадид мактабларини гўдаклик вақтидаёқ бўғиб, йўқ қилишга ҳаракат қилган.

Полиция департаменти фармойиши олингандан кейин кўп ўтмай, 1901 йил 17 сентябрда Абдулманоп Қори Абдулвагапов Тошкент шаҳри Кўкча даҳаси аҳолиси номидан Тошкентнинг эски шаҳар қисми полицияси бошлиғига ариза ёзиб, янги усул мактаби очишга рухсат сўраган ва рад жавобини олган[88]. Шундан кейин у Туркистон генерал-губернаторига ўша масала бўйича ариза беради. Бу масала билан шуғулланган Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори ўз

[87] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 601-иш, 290-в.
[88] Ўша жойда, 277-в.

хулосасида шундай ёзган: «Мен, ўз томонимдан Тошкентда яшовчи Абдулманаф Қори Абдулвагаповда у кўрсатган шартлар асосида мактабхона очиш учун етарли асослар йўқ, деб ҳисоблайман. Ҳужжатларда Кўкчада ҳозир қанча мактаблар борлиги ва аҳолига ўз ёнидан пул тўлаб бола ўқитадиган янги мактаб зарурияти борлиги кўрсатилмаган. Тўқмоқдаги ўқитувчида янги усул мактабида дарс беришни икки ой ўрганган ўқитувчининг сиёсий ишончлилиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шунингдек, у ўқув инспекциясига бутунлай таниш эмас. Баъзиларнинг сўзига қараганда у Бохчасаройдан, яъни қримлик Исмоил Гаспринскийнинг фаол иштирокида мусулмонлар орасида қизғин ташвиқотлар олиб борилаётган ўлкадан келган. Абдулвагаповнинг мен очаётган мактаб ҳозир мавжуд бўлган маҳаллалардаги масжидлар қошидаги мактаблардан анча дуруст ва яхши, деб билдириши асоссиз гап, бу мақтаниш ва унинг ҳеч аҳамияти йўқ. Шунинг учун ва полиция департаментининг 1900 йил 31 декабрдаги № 13444 рақамли махфий фармойиши асосида Мулла Абдулвагаповнинг илтимоси қайтарилсин».[89] Туркистон генерал-губернатори ўқув юртлари бош инспекторининг фикрига асосланиб сўралган мактабни очиш мақсадга мувофиқ эмас, деб рухсат бермаган.

Туркистонда жадид мактаблари XIX асрнинг 90-йилларида вужудга келган. Уларда арифметика, география, табиёт асослари каби дунёвий фанлар ўқитилган[90]. Туркистон ўлкаси рус маъмурлари мактаб ва мадрасаларнинг фаолиятига, умуман, миллий маориф тизимига қандай душманлик кўзи билан қараган бўлса, жадид мактабларига ҳам шундай кўз билан қаради ва уларнинг очилишига турли йўллар билан қаршилик кўрсатди, зеро улар миллий мактаблар, шунингдек, жадид мактаблари ҳам халқни миллий руҳда тарбиялайди,

[89] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 601-иш, 277-в.
[90] Туркистон мактаблари // Садои Туркистон. 1914, № 1.

ўзлигини англатади, рус хукмронлигига барҳам бериш учун курашга чорлайди, деб ҳисоблар эди.

Туркистон генерал-губернатори 1909 йил 14 мартда ҳарбий вазирга шундай деб ёзган: «Маҳаллий мусулмонларнинг илғор қисми шу ерлик мусулмонлар Волга бўйи татарлари билан бирга «янги усул мактаби», деб номланган ўқув юртларини очмоқдалар. Буларда ҳижжалаб ўқиш усулида дарс ўтилади (асосан татар ўқитувчилари). Шундай фанлар ҳам ўтиладики, улар ҳақида мадраса ва мактаблар тасаввурга ҳам эга эмас, масалан: география, тарих, арифметика. Шунинг билан бирга, энг муҳими, бу фанларни ўқитиш билан бирга аниқ сепаратистик ва тор миллатчилик ҳусусиятидаги ғояларни ёйиш олиб борилмоқда. Шубҳа йўққи, бу мактабларга ўзи билганича иш тутишга йўл берилса, улар келажакда фақат панисломизмгина эмас (ҳозирча бу масалада имтиёз мусулмон мадраса ва мактабларида), балки пантуркизм макони бўлиб қолади»[91]. Бу ҳужжат Туркистон генерал-губернатори ва унинг атрофидаги амалдорларининг янги усул мактаблари тўғрисидаги салбий фикрини аниқ кўрсатиб турибди. Улар шу нуқтаи назардан келиб чиқиб жадид мактабларига салбий муносабатда бўлган эди. Лекин жадид мактаблари маҳаллий халқ хоҳиш-иродаси, истаги билан очилаётган эди ва қўллаб-қувватланилаётган эди. Шу сабабдан чор маъмурлари бу мактабларни ёқтирмаса ҳам ошкора таъқиқлашга ва йўқ қилишга журъат қила олмас эди.

Туркистондаги рус маъмурлари полиция депортаменти фармойиши асосида халқ маорифи вазирлигидан аниқ кўрсатма олгунга қадар янги усул мактаблари очишга қатъий қаршилик кўрсатди. Буни сезган маҳаллий халқ зиёлилари жадид мактабларини ўқув юртлари инспекторларидан, жойлардаги полициядан рухсат олмай яширин йўл билан ташкил қила бошлади. Шунинг учун ўқув ташкилотлари янги усул

[91] ЎзР МДА, 1-ф., 31-р., 540-иш, 142-в.

мактаблари борлигини билса ҳам дастлабки йилларда тўла маълумотга эга эмас эди.

Архив ҳужжатлардаги маълумотларга қараганда, Туркистон ўлкасида дастлабки жадид мактаблари Фарғона вилоятида очилган. Ўқув юртлари бош инспектори архив фондида сақланаётган Фарғона вилояти янги усул мактаблари рўйхатидаги далиллар Қўқон шаҳрида биринчи янги усул мактаблари XIX асрнинг 90-йилларида ташкил қилинганлигидан далолат беради[92].

Қўқондаги 10 та янги усул мактабларидан 4 таси 1893 - 1900 йилларда бунёд этилган. Қўқондаги биринчи жадид мактаби 1893 йилда Мираюббой маҳалласида ташкил қилинган. Бу шаҳардаги энг йирик мактаблардан бири бўлган. Ундаги 100 ўқувчига ўқитувчи Аҳмаджон Қори ва учта ёрдамчиси таълим берган[93]. 1899 йилда Холи бобо маҳалласидаги масжид қошида янги усул мактаби очилган. Унда 25 ўқувчи ўқиган ва 1908 йилгача татар ўқитувчи, кейинчалик ўзбек Хўжахон Аҳмадхўжа ўқитувчилик қилган[94]. Устам Банаул маҳалласида 1899 йили очилган янги усул мактабида 115 ўқувчи ўқиган ва ўқитувчи Маҳмуджонхон Муҳаммадов дарс берган[95]. Бешқовоқ маҳалласи масжиди қошида 1900 йилда очилган янги усул мактабида 115 ўқувчи бўлиб, татар Салохитдин Мазитов таълим берган[96]. Булардан ташқари Қўқоннинг Дахма Даҳан маҳалласида 1901 йилда, Ғалча сой маҳалласида 1902 йилда, Бекбачча маҳалласида 1904 йилда янги усул мактаблари ташкил қилинган.[97]

Янги усул мактабларида ўқитишнинг илғор усуллари асосида дарс ўтилганлиги, болалар ўқиш ва ёзишни тезда ўрганиб олишлари,

---

[92] ЎзР МДА, 47-ф, 1-р, 1004-иш, 94-в.
[93] Казаков Т.К. Общественно-политическое положение в Ферганской долине и джадидское движение в начале XX века.: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Ташкент, 2001. С. 19.
[94] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 1004-иш, 95-в.
[95] Ўша жойда, 96-в.
[96] Ўша жойда, 97-в.
[97] Ўша жойда, 94-97-в.

уларда турли замонавий жиҳозлар, ўқув қуроллари, шу жумладан, ҳарита, глобус, чўт, парта, синф доскаси бўлганлиги сабабли аҳоли ўз болаларини эски мактабдан кўра янги усул мактабига беришни маъқул кўрар эди. Бу ҳолат эски мактаб тарафдори бўлган руҳонийларни жадид мактабига қарши қилиб қўйди. Руҳонийлар жадид мактаблари китобларни ёд олдирмай хижжалаб ўқитмоқда, натижада болаларнинг диний билимлари саёз бўлиб қоляпти ва улар ўрганган нарсаларини тез унутиб қўймоқдалар, деб даъво қилдилар.[98]

Жадид мактаблари фақат эски мактабларгагина эмас Россия ҳукумати Туркистон шаҳарларида очган рус-тузем мактаблари билан ҳам рақобат қила бошлади. Туркистон ўқув юртлари ташкилоти амалдори Н. Сайфий юқорида тилга олинган 1909 йил 26 апрелдаги ахборотида шундай деган: «Ерли аҳоли учун муҳими уларнинг фарзандлари тезроқ мусулмонча ўқиш ва ёзишни ўрганиши бўлганлиги учун жадид мактаблари фақат ҳар куни 2 соат она тилини ўрганишга вақт ажратадиган рус-тузем мактаблари билангина эмас, балки эски мактаблар билан ҳам рақобат қилмоқда. Масалан, Қўқон шаҳри Бешқовоқ маҳалласидаги татар Салоҳитдиннинг мактабида 200 га яқин ўқувчилари бор. Ўша Қўқондаги мавжуд 2 та рус-тузем мактабида зўрға 150 ўқувчини ҳисоблаш мумкин. Янги усул мактабларига маҳаллий аҳоли болалари бажонидил қатнаганлиги ва эски мактабга рақобат қилганлиги учун эшон ва муллалар душманлик кўзи билан қарамоқдалар. Жадид мактаблари кам билим бермоқда, чунки болалар ўқишни ўрганиб, китобни ёдламайдилар, фақат китобнинг мазмунини юзаки биладилар ва у тезда хотирадан чиқиб, йўқолиб кетади, деб уқтирмоқда»[99]

Жадидлар билан қадимчи руҳонийлар ўртасида янги усул мактаблари, уларда ўқитиладиган дунёвий фанлар масаласида кескин

[98] ЎзР МДА, 1-ф., 31-р., 540-иш, 179-в.
[99] Ўша жойда.

мунозаралар бўлган. Қадимчилар жадид мактабларига қарши чиқиб, уларда тарих ва география фанларини ўқитилишини бидъат, гуноҳдан иборат деб ҳисоблаганлар. М. Беҳбудий «Тарих ва жўғрофия» номли мақоласида[100] қадимчиларнинг фикрига қарши чиқиб, бу фанлар жадид мактабларининг ихтироси эмас, балки жамият ҳаётида қадимдан мавжуд бўлиб келганлигини таъкидлайди.

Туркистондаги чор маъмурларининг жадид мактабларининг очилишига тўсқинлик кўрсатишининг сабаблари бор эди. Улар янги усул мактаблари маҳаллий аҳолини руслаштириш сиёсатини амалга оширишга имкон бермаслигини яхши тушунар эдилар.

Фарғона вилоятида Қўқондан кейин янги усул мактаблари нисбатан кўп ва аввал очилган жойлардан бири Андижон уезди эди. Архив ҳужжатларидан, маълум бўлишича, Андижонда 1910 йилнинг ўзида 5та жадид мактаби бўлган. Андижон шаҳридаги биринчи мактабга Зоид қассоб маҳалласида 1901 Абдуғаффоркалжон Қўрбошиев асос солган. Мактабда 35 ўқувчи таълим олган. Мулла Асадулла Азимбойҳожиев ўқитувчилик қилган[101]. Бақақуруллоқ маҳалласидаги жадид мактабини эски мактаб асосида 1904 йилда Зунун мингбоши Мулла Қутлугҳожиев ташкил қилган. Мактабда 50 нафар ўқувчилар бўлиб, уларга Алижон Хаинов-Ўзбеков дарс берган[102]. Шаҳардаги учинчи жадид мактаби Давахон масжиди қошидаги эски мактабни қайта қуриш асосида 1908 йилда Қорабойҳожи Боқиматбоев томонидан ташкил қилинган. Бу мактаб Андижондаги энг йирик мактаб эди. Унда 100 нафар ўқувчи Мулла Шамсиддин Мусаҳожиевдан таълим олган[103]. Андижон уездининг Ҳакан волостига қарашли Хортум ва Дархон қишлоқларида дастлабки жадид мактаблари очилган[104].

---

[100] Бехбудий М. Тарих ва жўғрофия // Ойна. - 1914. - № 27. Б. 102-105.
[101] ЎзР МДА, 47-ф, 1-р, 601-иш, 224-в
[102] Ўша жойда.
[103] Ўша жойда.
[104] Ўша жойда.

Октябрь тўнтаришидан олдин Андижон шаҳридаги Беда бозорига яқин, Ҳовуз бўйи маҳалласида ва Тупроқхона йўлида Абдужабборбойнинг масжидига жойлашган жадид мактаблари ҳам мавжуд эди. Иккинчи мактабнинг муаллими Мулла Муҳаммад Расул Домла бўлган[105].

М.Г. Ваҳобовнинг «Ўзбек социалистик миллати» асарида Ўзбекистонда биринчи янги усул мактаби 1899 йили Андижонда, кейин бошқа кўп шаҳарларда очилганлиги ва йил сайин уларнинг сони ошиб борганлиги қайд қилинган[106].

Андижондаги Азим Қодиров очган жадид мактабида 1900 йилнинг майида Отабек Қози бошчилигидаги комиссия ота-оналар иштирокида ўқувчилардан имтиҳон олган. Ўқувчилар ўз билимлари билан ҳаммани хурсанд қилдилар. Бу фақат Андижондагина эмас, бутун Туркистон маданий ҳаётида ҳам муҳим воқеа бўлган эди. «Туркистон вилояти газети» Тожидинбек Отабековнинг бу имтиҳон ҳақидаги «Андижонда мактаб. Усули жадид ва имтиҳон» сарлавхали мақоласини эълон қилди. Мақолада бу воқеа қўйидагича таърифланган эди: «Эски мактаблар усули билан жадид мактабининг фарқи маълум ва равшан бўлди. Усули жадид ва эски мактабларни бир жойга бормоқ учун оташ ароба билан пиёда одамга мисол қилсак бўлади»[107]. Бу далил шундан дарак берадики, Андижонда дастлабки жадид мактаби 1900 йилдан олдин ташкил қилинган ва 1910 йилда 5 та эмас, ундан кўп янги усул мактаблари бўлган. Ўқув юрти маъмурларининг бу мактабларни тўла рўйхатга олиш имконияти бўлмаган. Қўқонда ҳам 12 та эмас, «Вақт» газетасининг 1909 йил 18 август сонидаги маълумотига кўра, 15та янги усул мактаби бўлган.

---

[105] Туркистоний Мусо. Ўлуғ Туркистон фожиаси. - Мадинаи Мунввара, 1979. Б. 157.
[106] Вахобов М. Г.Ўзбек социалистик миллати. - Тошкент, 1961. Б.117.
[107] Отабеков Т. Андижонда мактаб. Усули жадид ва имтиҳон // Туркистон вилояти газети. 1900, № 21.

Фарғона вилоятидан кейин жадид мактаблари Самарқанд вилоятида очилган. Самарқанд вилоятида дастлабки жадид мактаби 1893 йили очилган[108]. Н. Бобровниковнинг 1910 йил 19 августда Ўрта Осиё мусулмон ўқув юртлари тўғрисида ёзган ахборотида кўрсатилишича, Самарқандда 4 та янги усул мактаблари бўлган. Шулардан биттаси икки бўлимдан: бошланғич (4 йил ўқитилган) ва ўрта (бу ҳам 4 йиллик) ва ҳар бир бўлим 4 синфдан иборат бўлган. Н. Бобровниковнинг ёзишига қараганда, бу мактабнинг ўқитувчиси ва мудири маҳаллий тожик бўлган, лекин ахборотда унинг фамилияси кўрсатилмаган. Бизнинг фикримизча, бу ерда сўз самарқандлик машҳур педагог Абдулқодир Шакурий (Шукуров, Абдушукуров ҳам дейилади) томонидан очилган мактаб ҳақида кетмоқда. Н. Бобровников мактабда дарслар қозонлик муаллимлар томонидан 1906 йилда ишлаб чиқилган дастур асосида ташкил этилганлигини ҳам айтиб ўтган[109].

Самарқанд вилояти халқ ўқув юртлари инспекторининг 1914 йил 9 январда вилоят ҳарбий губернаторига ёзган ахборотида А. Шакурийнинг янги усул мактаби 1903 йилда очилганлиги қайд қилинган.[110] Бу мактаб вилоятдагина эмас бутун Туркистонда ҳам намунавий жадид мактаби эди. Мактабда дарс она тилида олиб борилган. Ўқувчилар бошқа фанлар қаторида арифметика, география, тарих (Муҳаммад пайғамбар тарихи), араб, форс тилларини ўрганишган, хоҳловчиларга рус тили дарси ҳам ўтилган, шеърлар, хикояларни ёдлашган. А. Шакурий ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов каби янги усул мактаблари учун бир нечта дарсликлар ёзган. Унинг дарсликлари «Зубдатул ашъор» 1907 йилда, «Сават» 1908 йилда, «Жомеъул ҳикоят» 1911 йилда Самарқандда чоп этилган ва янги усул

---

[108] Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX - начало XX вв.).: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Ташкент, 1998. С. 16.
[109] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 955-иш, 259-в.
[110] Ўша жойда, 1148-иш, 137-в.

мактабларида ўқитилган[111]. А. Шакурий мактабида юқоридаги дарслардан ташқари Қуръон, тажвид, Мунаввар Қорининг «Хавойижи диния» ва бошқа китоблар ҳам ўрганилган. Мактабда 1913 йилда 117 нафар ўқувчи ўқиган. Ўқувчилардан очиқ имтихонлар олинган ва унда ота-оналардан ташқари вилоят ҳарбий губернатори ва ўқув юртлари инспектори қатнашган.

Сирдарё вилоятида, жумладан, Тошкент шаҳри ва уездида янги усул мактабларини очишга ҳаракат 1901 йилдан бошланган эди. Бу ҳаракатнинг ташаббускори Мунаввар Қори Абдурашидхонов бўлган[112]. 1910 йилда Тошкентнинг Шайхонтахур қисмида Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Эшонхўжа Хонҳўжаев, Аъзамхон Абдурашидхонов (Мунаввар Қорининг укаси), Абдулла Қори Мулла Саъдулла, Низомиддин Қори Хусаинов, Юсуф Муллахон Муҳаммадов янги усул мактаблари, Себзор қисмида Ҳасанхон хўжа Хонхўжаев, Собиржон Рахимов, Рустамбек Юсуфбек Хўжаевнинг мактаблари, Бешёғоч қисмида Абдушоид Мусамуҳамедов, Абдуллахон Иброхимхонов, Иноятилла Қори Мирзажоновнинг янги усул мактаблари фаолият кўрсатган[113].

Мунаввар Қори, Эшонхўжа Хонхўжаев ва Собиржон Раҳимов (Раҳимжонов) янги усул мактаблари Тошкентдаги машҳур ва намунавий мактаблар ҳисобланган. Эшонхўжа Хонхўжаев мактабида 120 ўқувчи таълим олган. Мактабда унинг ўзидан ташқари отаси Хонхўжа Хўжашораҳим Хўжаев ўқитувчилик қилган. Уларга Умарқул Онорқулов ёрдамчи ўқитувчи бўлган. Эшонхўжа Тошкентдаги Шайхонтоҳур мадрасасида маълумот олган. Бу мактаб 1909 йилда эски шаҳарнинг Шайхонтоҳур қисми қуйи Девонбеги маҳалласидаги Қуйи Девонбеги масжиди қошида очилган[114].

---

[111] Худайкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX - начало XX в.): Автореф. дис. ...канд. истор. наук. - Ташкент, 1995. С. 17.
[112] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб... Б. 260.
[113] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 955-иш, 232-233-в.
[114] Ўша жойда, 196-в.

Жадидларнинг ўзлари ҳам жадид мактаблари фаолияти ҳақида хотираларини ёзиб қолдирган. Ўзбекистондан чиққан туркиялик олим Иброҳим Ёрқин ўзи ўқиган жадид мактаби, унинг ташкилотчиси ва ўқитувчиси Эшон Хўжа Хоний ҳақида «Ҳур Туркистон учун» газетасида катта хотира мақола эълон қилган. «Эшон Хўжа» деб номланган бу мақолада қўйидаги муҳим маълумотлар келтирилган: «Эшон Хўжа Хонийни 1885 ёки 1886 йилда туғилган, деб эшитганман. У Тошкентнинг Шайх Хованд Тоҳур даҳасидан Қуйи Девонбеги маҳалласидан эди. Оиласи аслзодалардан, отаси Хон Хўжа диний таҳсил кўрган, тариқат кишиси, муҳтарам бир зот эди. У илк таҳсилни отаси очган мактабда бошлади, сўнгра яқин қариндоши, жадидчиликнинг маънавий отаси бўлган Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғлидан сабоқ олди. Эшон Хўжа Мунаввар Қоридан янги усулда дарс ўргангач, бироз муддат мактабда унга ёрдамчи бўлиб ишлаб, тажриба орттиргач, 1908 йилда ўзи Қуйи Девонбеги маҳалласида мактаб очди.

«Маълумоти нафия» деган суҳбат соатларини ташкил этиб, бизга яхшилик, ватан, миллат шуурини ўргатар, ҳар бир инсоннинг жамият олдидаги маънавий бурчларини тушунтирар эди. Шундай қилиб, мурғак миямизга шуур бериб, тарихимиз, хонлар ва амирлар давридаги аҳволимиз... Рус асоратига тушувимиз сабабларини англатарди. Миллатнинг бу аҳволдан қутулиши, мустақил бир жамият сифатида ривожланиши учун ҳар бир кишининг юксак даражада таҳсил олмоғи, миллатга фойдали инсон бўлиб етишмоғи зарурлигини таъкидларди...

Чорлик Русиянинг полис идораси, унинг хос миссионери сифатида танилган Остроумов раҳбарлигидаги рус маориф ва маъмур тафтишчилари бутун усули жадид мактабларини, уларнинг дарсликларини, хусусан, Туркиядан келган китобларни назорат қилиб турарди. Эшон Хўжа Хоний мактабида ўқиб юриб, бу холга кўп шоҳид бўлганман. Рус ҳукумати янги мактабларда ўқиб, кўзи очилиб бораёт-

ганлардан, жадидлардан, уйғонаётган турклик шууридан қўрққани боис, янги фикрли кишиларга, жадидларга доимо тўсқинликлар қилар, ташқаридаги мусулмон ўлкалардан, хусусан, Туркиядаги инқилобий ҳаракатлардан Туркистонни айри сақлашга, бу борада тўғри йўл тутишга интилаётган туркистонликларнинг турли нашриёт ва матбуот ишларига монеъ бўлишга тиришар эди...

Айни йилларда эски Тошкент полис мудири бир буйруқ чиқарганди, мактабда иккинчи синфдан бошлаб подшо оиласи исмларини тилга олиб русча сўзлашлари, подшолик маршининг ўқилиши, унинг номига дуо қилиниши, синфга подшо ва унинг хотини, болалари, губернаторнинг расми осилмоғи расман зарурий деб топилган эди. Эшон Хўжа эса, менинг мактабим ўзи хос бир эркин усулдир, болалар русча тушунмайдилар, деган. Шундан кейин уни қамашди...»[115]

Тошкентнинг фидойи жадидларидан бири Эшон Хўжанинг шогирди Иброҳим Ёрқиннинг хотиралардан шу нарса аён бўлдики, янги усул мактабида жадид ўқитувчилари ўз ўқувчиларига мустақиллик ғояларини сингдиришга, уларнинг ватан, миллат тўғрисидаги тушунчаларини шакллантиришга интилган, ўқувчиларни ватан олдидаги бурчини аниқ тасаввур қилишга, чуқур билим олишга даъват этган ва теран билимли фикрли ёшларгина ҳур Ўзбекистон учун кураша олади, деб ҳисоблаган.

Собиржон Раҳимов мактабини 1909 йилда ўзи очган ва ўқитувчилик қилган. Маълумотни у ўз отасидан олган, эски мактабда ўқиган. Унинг мактабида ҳам 120 нафарга яқин ўқувчилар таълим олган. Мактаб Тошкентнинг Себзор қисмидаги Тахтапул маҳалласида ташкил қилинган ва фаолият кўрсатган.

Мунаввар Қорининг янги усул мактаби Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур қисмидаги Тарновбоши маҳаласида, Мирдада

---

[115] Ёрқин Иброҳим. Эшон хўжа// Хур Туркистон учун. 1975 йил, № 3-4. Қаранг: Қаҳҳор Тоҳир. «Хур Туркистон учун». Мақолалар. - Тошкент: Чўлпон, 1994. Б. 20-21.

Мирвафоев уйида ташкил қилинган. Мактабни Абдусамиқ Қори Ҳидоятбоев 1908 йил 1 мартда таъсис қилган ва иккинчи ўқитувчи сифатида дарс ҳам берган. Мактабнинг Мунаввар Қори номи билан аталишининг сабаби, у мактабнинг асосий, биринчи ўқитувчиси бўлган. Бу мактаб ўқув юрти инспектори ва полиция ташкилотларидан рухсат олмай иш бошлаган эди. Жадид мактаби очилиб, рухсатсиз фаолият кўрсатаётганлигидан полиция хабар топади. Мактаб жойлашган участка полицияси 1908 йил 9 декабрда Тошкентнинг эски шаҳар полицияси бошлиғига қуйдаги хабарни маълум қилади: «Сизга хабар қиламанки, номи тилга олинган мусулмон ўқув юрти ҳеч қандай рухсатсиз шу йил 1 мартда очилган. Мактаб ўқувчилари ота-оналаридан йиғиладиган пул ҳисобидан (ойда ўртача 35 рубл йиғилади) таъминланади. Бу ўқув юртини Шайхонтоҳурнинг Хўжа Румной маҳалласида яшовчи Абдусамиқ Қори Ҳидоятов моддий томондан таъминлайди, унинг ёрдамчиси Дархон маҳалласида яшовчи Мунаввар Қори Абдурашидхоновдир. Ўқувчилар сони 100 нафар мусулмон ўғил болаларидан иборат. Ҳидоятбоевнинг сўзига қараганда мактабда ўқиш эски ва янги усулда олиб борилади ва ўқувчилар 4 та бўлимда ўқитилади»[116]. Ушбу ҳужжатда Мунаввар Қори мактаби ҳақида умумий маълумотлар билан бир қаторда, унинг қачон ташкил бўлганлиги аниқ кўрсатилган.

Сирдарё вилояти халқ ўқув юртлари инспектори Н. Сайфий Тошкентда янги усул мактаби очилганлигидан хабар топгандан кейин, 1908 йил 3 сентябрда уни текширган. У ўз ахборотида мактаб хусусий маблағ ҳисобига кун кечираётганлиги ва моддий жиҳатдан нисбатан яхши эканлигини кўрсатиб ўтади. «Бу ўқув юртининг мудири Мунаввар Қори Абдурашидхонов мактабни очишга рухсат олмаган»[117], деб ёзган ўз ахборотида Н. Сайфий. Шунинг учун у Мунаввар Қорига

[116] ЎзР МДА, 1-ф., 27-р., 594-иш, 112-в.
[117] Ўша жойда, 113-в.

ўқув юртини очиш учун Сирдарё вилояти ўқув юртлари директоридан рухсат олишни ва мактабда рус тили синфини очишни таклиф қилади. Ўқув юрти идораси рухсатисиз мактаб очиш ва унда ўқув ишларини олиб бориш мумкин эмас, деган кўрсатмани олиб, Мунаввар Қори ва таъсис қилувчи Абдусамиқ Қори Ҳидоятбоев 1908 йилда вилоят ўқув юртига мактабни очишга рухсат сўраб хат ёзадилар. Рухсат олиб янги усул мактаби очиш мумкинлигидан хабар топган бошқа зиёлилар ҳам 1909 - 1910 йилларда бу ҳақда илтимосномалар ёздилар.

Жадид мактабларида дунёвий фанларни ўқитишга катта ўрин ажратилган. Тўрт йиллик янги усул мактабларида арифметика, география, тарих, табиатшунослик, адабиёт, одобнома, араб, форс тиллари ўқитилган.

Архив ҳужжатлари ичида Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг янги усул мактабининг 1910 йилдаги ўқув дастури сақланиб қолган. Бу ҳужжат ихчам ва намунавий бўлганлиги учун тўла келтирамиз:

Дастур

1-йил. Ҳафтасига 30 соат

1. Ўқиш ва ёзув. М.Қ. Абдурашидхоновнинг «Адиби-аввал» китоби бўйича
2. Намоз
3. Ҳисоб ўнгача ва тўрт амал.

2-йил. Ҳафтада 30 соат

4. Ўқиш. М.Қ. Абдурашидхоновнинг «Адиби-соний» китоби бўйича
5. Қуръон
6. Намоз
7. Ўқиш М.Қ. Абдурашидхоновнинг савол-жавоб (катехизис* асосида тузилган) китоби «Хавойижи диния», 1-қисми.

---

* *Катехизис - ислом дини ақидалари, қоидалари, савол-жавоб тарзида баён қилинган китоб.*

8. Қуръон
9. Намоз
10. Ҳисоб юзгача ва тўрт амал.

3-йил. Хафтада 30 соат

11. Ўқиш ва ёзув. «Сўфи Оллоёр» китоби бўйича.
12. Қуръон
13. Ўқиш М.Қ. Абдурашидхоновнинг катехизис китоби, «Хавойижи диния», II-қисм
14. «Тарихи анбиё». Ханафий китоби
15. «Мухтасар жуғрофия». Ханафий китоби
16. «Ҳисоб масаласи», Шапошников ва Вальцов масалалари тўпламининг таржимаси
17. «Дунё маълумоти» (табиият). А. Мақсудов китоби
18. Тажвид (Қуръонни тўғри ўқиш қоидаси). М.Қ. Абдурашид-хонов китоби.

4-йил. Хафтада, 30 соат

19. Қуръон
20. «Тарихи анбиё». Ханафий
21. Ўқиш «Адабиёти Дахрун нажад». М.Қ. Абдурашидхонов китоби
22. Ахлоқ дарси. «Насихат». Фахруддинов китоби
23. «Ҳисоб масаласи»
24. Араб тили. «Дурус Шифаҳия». Маҳмудов китоби
25. Форс тили. «Жомаул ҳикоят». А. Абдушукуров китоби.

Ўқитувчи: М.Қ. Абдурашидхонов»[118].

Мунаввар Қорининг жадид мактаби ўқув дастуридан кўриниб турибдики, барча дарсларнинг учдан бир қисми диний ва учдан икки қисми дунёвий фанлардир. Дастурдан жадид мактабининг яна бир

[118] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 1148-иш, 25-в.

афзаллиги, мактабда ўқишнинг, фанларни ўзлаштиришнинг тезлашганлиги кўзга якқол ташланади. Бошланғич 4 йиллик жадид мактабида 5-6 йил эски мактабда ўқитилган асосий диний фанлар ўрганилган ва яна унга нисбатан икки баравар кўп миқдордаги дунёвий дарслар ўтилган.

Лекин ҳамма ўқитувчилар ҳам мактабини талаб даражасида жиҳозлаш имкониятига эга бўлмаган. Сирдарё вилояти халқ ўқув юртлари инспектори Н. Сайфий вилоят жадид мактаблари аҳволини қўйидагича таърифлаган: «Кўрсатиб ўтилган кўпчилик янги усул мактабларининг жиҳозлар билан таъминланиши ачинарли аҳволда (Мунаввар Қори, Эшон Хон Хўжа ва Казалинск, Перовскдаги шу типдаги мактаблар бундан истисно, уларда хаттоки парталар ҳам бор). Мактаб хоналари қоронги, совуқ, болалар кигиз устида чордана қуриб ўтиришади, кўргазмали ўқув қуроллари ҳам йўқ даражада, ягона рус тили ўқитиладиган Мунаввар Қори мактабидагина бу дарсни ўтишда кичкина суратлардан фойдаланилади»[119].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, янги усул мактаблари ўзбек зиёлиларининг ватанпарварлиги, халқига, юртига содиқлиги, фидокорлиги натижасида очилган. Уларнинг кўпчилиги ўртаҳол кишилар, моддий имкониятлари чекланган бўлишига қарамай, ватани ва халқи учун қайғуриб мактаблар очган, ёшларга дунёвий билимларни ўргатиб, уларни маърифатли қилишга интилган.

2.2. Янги усул мактаблари ривожида муаммолар ва чор маъмурияти тазйиқи

Жадид мактаблари чор маъмурларининг хоҳишидан ташқари пайдо бўлди. Бу янги усул мактабларига қандай муносабатда бўлиш кераклиги тўғрисида жойлардаги ўқув юртлари инспекторларида аниқ кўрсатмалар йўқ эди. Шунинг учун улар ўлка ўқув юртлари бош

[119] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 1148-иш, 149-в.

инспекторига бу масала бўйича кўрсатмалар сўраб мурожаат қила бошладилар.

Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори жадид мактабларининг ҳуқуқларини чеклаш, улар устидан назоратни кучайтириш мақсадида ўқув юртлари ҳақидаги умумий қоидалар асосида бу мактаблар ҳақида қоидалар ишлаб чиқишга киришди. Бунинг учун махсус комиссия ташкил этилиб, Сирдарё вилояти халқ ўқув юртлари директори С.М. Граменицкий, ўқув юртлари инспектори Н. Сайфий, унинг аъзолари, Туркистон ўлкаси халқ ўқув юртлари бош инспектори Ф.М. Керенский раис этиб тайинланди[120].

Бу қоидаларни ишлаб чиқишда 1907 йилда Халқ маорифи вазирлигининг янги усул мактаблари тўғрисидаги таклифлари асос қилиб олинди. Петербургдаги бу комиссиянинг мажлисида Туркистон генерал-губернаторлигидан Ф.М. Керенский, Н.П. Остроумов, С.М. Граменицкийлар иштирок этган. С.М. Граменицкий Туркистон ўлкаси ичидаги ва ташқарисидаги разведка тўғрисидаги масала бўйича комиссиянинг аъзоси сифатида 1908 йил 26 сентябрдаги мусулмон мактабларини назорат қилиш масаласига бағишланган мажлисида шу масала бўйича маъруза қилиб шундай деган: «Халқ маорифи вазирлиги комиссияси 1907 йилда қарор қилдики, янги усул мактабларини хусусий ўқув юртларини очиш қоидалари асосида, яъни олдиндан бу янги мактабларга тегишли маълумотларни, дастурлар, ўқув режалари ва бошқаларни тақдим этиб, кейин очиш мумкин. Бу мактаблар бизнинг тўла назоратимизда бўлиши лозим эди».[121]

Туркистон ўлкаси мусулмон ўқув юртлари тўғрисидаги қоидалар лойиҳаси ўқув юртлари бош инспектори қошидаги комиссия томонидан тайёрланиб, 1909 йил 13 февралда Туркистон генерал-губернаторига тушунтириш хати билан кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун

---

[120] ЎзР МДА, 1-ф., 27-р., 594-иш, 131-в.
[121] Ўша жойда, 540-иш, 62-в.

юборилган. Бу умумий қоидалар мадраса, мактаб ва янги усул мактабларига мўлжалланган. Янги усул мактабларига тегишли қоидалар 9 та моддадан иборат бўлган. Ушбу лойиҳада[122] қайд қилинган йўл-йўриқлар янги усул мактаблари ҳуқуқларини чеклаш, назоратни кучайтириш, уларни Россия давлати учун хизмат қилдириш, маҳаллий аҳолини, ёшларни руслаштириш каби мақсадларни амалга оширишга қаратилган. Шунга қарамай бу лойиҳа Туркистон генерал-губернатори девонхонасида тез вақтда кўриб чиқилмади. Туркистон ўлкаси бошлиғи Марказдан, Халқ маорифи вазирлигидан мусулмон ўқув юртларида туб ислоҳотлар ўтказиш тўғрисидаги таклифларга ижобий жавоб кутаётган эди. Буни Туркистон генерал-губернаторининг С.М. Граменицкий хатига берган жавобидан ҳам сезса бўлади.

Сирдарё вилояти Халқ ўқув юртлари директори 1910 йил 21 сентябрда Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспекторига мусулмон мактабларини, жумладан, янги усул мактабларини назорат қилиш тўғрисида кўрсатмалар беришни сўраб яна хат ёзди. Бу масала юзасидан ўқув юртлари бош инспектори ёзган маърузага Туркистон генерал-губернатори А.И. Самсонов қўйидаги резолюцияни ёзган: «Вазирлик олдига бу масала қўйилган, хабар қилинган, лекин жавоб келгунча мактабларни назорат қилишдан воз кечиш мумкин эмас, чунки аҳолини секин-аста назоратга ўргатиб бориш лозим. Ҳозирдан вақти-вақти билан мактабларни, айниқса, мадрасаларни уларда нима ишлар қилинаётганлигини билиш учун кузатиб бориш керак. Мен тушунаман, асосли, доимий кузатишни амалга ошириш қийин, лекин ўқтин-ўқтин кузатиш мумкин. Мактабни бориб кўриш, кундалигини тузишни ва ҳар ярим йилда, 1911 йил 1 апрелдан бошлаб менга топширишни талаб қиламан».[123]

---

[122] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 1149-иш, 22-в.
[123] Ўша жойда, 23-в.

Бу резолюцияни шарҳлаб ўқув юртлари бош инспектори вазифасини вақтинча бажарувчи Н.П. Остроумов 1910 йил 27 сентябрда Сирдарё вилояти ўқув юртлари директори ва инспекторларга махфий фармойиш ёзди. Фармойишда жумладан, шундай дейилган: «Мактабларни текширганда диний масалаларни, дарсларни батафсил сўраб-суриштирмай, мактаб шарт-шароити ва тасодифий фактлардан келиб чиқиб, асосан мактабдаги воқеа ва ҳодисаларни Россия давлати нуқтаи назаридан баҳолаш зарур. Жаноб инспекторлар рус, рус-тузем мактабларини навбатдаги текшириш вақтида ўша районда жойлашган мактаблар (айниқса, янги усул мактаблари, мадрасалар) ни кўриш ва бу ҳақда Туркистон генерал-губернаторига топшириладиган кундаликка ёзиб қўйиш керак. Кундаликка мисол учун қўйидагиларни ёзиш мумкин: Мактабда рус тили ўқитилмаётганлиги, мактабда фойдаланилаётган китоб ва қўлланмалар орасида Константинополда чоп этилган, умуман Россия ҳукумати цензураси рухсати бўлмаганлари (диний китоблар бундан мустасно), шунингдек, Туркияда нашр қилинган географик ҳариталар борлиги»[124].

Н.М. Остроумовнинг бу махфий фармойишини Туркистон генерал-губернатори ўқиб чиқиб, «тасдиқлайман», деб резолюция ёзган. Натижада бу ҳужжат генерал-губернатор фармойишига айланган.

Жойлардаги ўқув юртларига ижро этиш учун юборилган ва чор ҳукуматининг Туркистондаги амалдорлари Остроумов ҳамда Самсонов томонидан имзоланган ҳужжатларда мусулмон мактаблари фаолиятига Россия ҳукумати манфаати нуқтаи-назаридан ёндошиш, уларни, хусусан, янги усул мактабларини доимий равишда назорат қилиш, руслаштириш сиёсатини амалга оширишга, рус тили дарсларини жорий қилишга алоҳида эътибор талаб қилинган. Маҳаллий аҳолининг, ёшларнинг миллий онгини ривожланишига йўл қўймаслик мақсадида Шарқдаги мусулмон мамлакатларида нашр этилган, чор

[124] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 1149-иш, 23-в.

ҳукумати цензураси руҳсати бўлмаган китобларни мусулмон мактабларида ўқиш, ўрганиш ман этилган.

Туркистон ўлкасида жадид мактаблари йилдан-йилга кўпайиб борганлиги туфайли жойлардаги ўқув юртлари инспекторлари ўқув юртлари бош инспекторидан бу мактабларни бошқариш тўғрисида аниқ кўрсатмалар беришни талаб қила бошлади. Мусулмон мактаблари бўйича кўрсатмалар беришни сўраб ёзилган хатга Халқ маорифи вазирлиги томонидан ҳеч қандай жавоб келмагандан сўнг, Туркистон генерал-губернатори янги усул мактаблари тўғрисидаги қоидалар лойиҳасини кўриб чиқди ва шу асосда жадид мактаблари тўғрисида махфий умумий қоидаларни ишлаб чиқди. Бу қоидалар 1912 йил 25 январда Сирдарё вилояти халқ ўқув юртлари директори ва Туркистон ўлкаси ўқув юртлари инспекторларига янги усул мактаблари билан ишлашда фойдаланиш учун юборилди. Бу қоидаларда шундай дейилган: «Янги усул, деб номланган мусулмон мактабларининг очилиши ва кейинги фаолиятини Халқ маорифи вазирлиги бўйича амалдаги қонун-қоидалар ва умумроссия давлатининг халқ таълими соҳасидаги вазифалари билан боғлиқ ҳолда тартибга солиш учун келажакда қуйидаги асосий қоидаларга амал қилишни буюраман:

1. Бошланғич умумтаълим билим берадиган янги усул мактаблари Халқ ўқув юртлари инспекцияси рухсати билан очилади.

2. Янги усул мактаблари ўқитувчилари, уларда таълим олаётган ўқувчилар элатидан тайинланишини назорат қилиб туриш зарур.

3. Мактабларни очганларга, шаҳар ва қишлоқ жамоаларига бу мактабларда умумдавлат рус тилини ўқитишни жорий қилиш тавсия этилсин.

4. Бундай мактабларни очишда мактабларни очган шахс, жамоадан мактабда ўқув ишлари олиб бориладиган ўқув курси дастури билан бирга дарсликлар номини тақдим этишни талаб қилиш зарур.

Туркистон генерал-губернатори, отлиқ аскарлар генерали Самсонов»[125].

Туркистон генерал-губернаторининг янги усул мактаблари тўғрисидаги фармойиши қатъий амалга оширилди. Вилоятлардаги Халқ ўқув юртлари инспекторлари барча янги усул мактабларини руйхатга олди. Уларнинг ҳар биридан мактабнинг ўқув курси дастури билан бирга дарсликлар номини инспекцияга топширишни ва мактабни очиш учун рухсат олишни талаб қилди.

Дастурларни, дарсликларни текширишдан мақсад уларни сиёсий йўналишини аниқлаш, мустақиллик ғояларини ташвиқот қилмайдими, чор ҳукуматига қарши курашга даъват этмайдими, каби саволларга жавоб олиш ва шундай дастур, дарсликлар асосида ўқув ишларини олиб боришни режалаштирган мактабларни очишга рухсат бермаслик эди.

Жадид мактаблари ўқувчилари қайси элат болалари бўлса ўқитувчиси ҳам шу элат вакилидан бўлишини шарт қилиб қўйилиши татар ўқитувчиларига қарши қаратилган чора эди. Бу қоида 1907 йил 1 ноябрда император тасдиқлаган рус бўлмаган халқлар ўқув юртлари тўғрисидаги қоидаларда ҳам бор эди. Туркистондаги янги усул мактабларида татар ўқитувчилари кўп эди. Чор маъмурларининг фикри бўйича улар ўлкада маҳаллий аҳоли орасида мустақиллик, Россиядан ажратиш, миллий озодлик кураши ғояларини тарқатар эди. Шунинг учун уларни жадид мактабларидан четлатиш мақсадида фармойишга 2-модда киритилган ва бу қоидага асосан жадид мактабларидаги татар ўқитувчилари ўз лавозимларидан четлатилган эди[126].

Жадид мактабларининг пайдо бўлиши, мусулмон маориф тизимида бундай ислоҳотнинг ўтказилиши Россия ҳукуматини ташвишга солиб қўйганлиги сабабли Туркистон ўлкасидаги янги усул мактаблари фаолиятини назорат қилиш билан фақат маҳаллий рус

[125] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 1149-иш, 10-в.
[126] Ўша жойда, 1148-иш, 59-в.

маъмурларигина эмас, балки марказий сиёсий идоралар ҳам шуғулланди. Ички ишлар вазирлиги бу ҳаракатнинг мақсад ва вазифаларини синчковлик билан ўрганиб чиқди. Халқ таълими ислоҳотчиларининг мақсади 1906 йилда Нижний Новгородда Умумроссия мусулмонлар съездида аниқ баён этилган эди. Ички ишлар вазирлиги янги усул мактаблари масаласини бор фактлар асосида чуқур текшириб, бу ҳодисанинг нималигини, табиатини аниқлаб, 1913 йил 22 сентябрда Туркистон генерал-губернаторига махфий фармойиш юборди[127]. Бу ҳужжатда жадидчилик ҳаракатининг мақсади очиб берилади ва янги усул мактаблари тўғрисида маълумотлар юборишни сўралади. Ички ишлар вазирлигининг фармойишида таъкидланадики, бу ислоҳот, ҳаракат ташаббускорларининг мақсади мусулмонларни ўз тақдирини ўзи белгилашга, ажралиш (сепаратизм)га интилишга, ҳаракат қилишга ўргатишдир. Бу борада улар мусулмонлар фикрини ўстиришга ва маориф соҳасига маълум даражада таъсир қилдилар.

Фармойишда уқтириб ўтиладики, янги усул мактабларини очишдан мақсад мактаб ва мадрасалардан схоластикани, ақидапарастликни, дарс беришнинг эски усулларини сиқиб чиқариш, ҳозирги давр талаби, халқ эҳтиёжига мос маорифни ташкил қилиш, деб ҳисобланса жуда катта хато бўлур эди. Мактаб ислоҳотларининг тарафдорлари миллатнинг, мусулмончиликнинг келажаги мусулмон мактабида шаклланади, мактаб ўзининг шогирдларига миллатчилик ва мусулмончилик руҳини шундай мустаҳкам сингдириши керакки, улар ҳар қандай ташқи таъсирдан, атрофдаги ҳар хил вазият, шароитдан қатъий назар, ҳар жойда ва ҳар доим ўз миллати ва динига содиқ бўлсин, деб таъкидлайдилар. Мактаб миллатнинг, яхши турмушнинг ва бахтли ҳаётнинг манбаси бўлиши лозим. Янги усул мактаблари тарафдорлари тилнинг (туркий) умумийлиги асосида мусулмонларни жипслаштиришга

[127] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 1148-иш, 93-в.

ҳаракат қилмоқда. Уларнинг пировард мақсади, Россия давлати манфаатига зид равишда мусулмонларни диний, миллий негизда бирлаштириш ва ажратиш, деб қайд қилади, Ички ишлар вазирлиги.

Фармойишда Туркистон генерал-губернаторидан ўлкадаги машҳур, ўқувчилари кўп ва маҳаллий аҳоли орасида номи чиққан янги усул мактаблари тўғрисида қўйидаги маълумотларни вазирликка топшириш сўралган. 1. Қачон ва кимнинг рухсати билан очилган? 2. Қандай фанлар ва қайси тилда ўтилади? 3. Қандай дарсликлардан фойдаланилади, уларнинг номи, муаллифи, нашр қилинган жойи, йили? 4. Ўқитувчилар таркиби, муллалардан ташқари руҳоний бўлмаган шахслар бўлса, уларнинг маълумот цензи, қандай фан ўқитади? 5. Ўқув дастурлари борми? 6. Ўқувчилар сони? 7. Айрим мактаблар ёки айрим ўқитувчиларнинг ножўя ҳаракати тўғрисида маҳаллий ҳокимият идораларига маълумот тушганми ва тасдиқланган ҳолда қандай воқеа бўлган, қандай маъмурий ёки жиноий жазо кўрилган? Бу маълумотлардан ташқари генерал-губернатор хоҳлаган қўшимча маълумотларни хабар қилиши мумкин, дейилган фармойишда.

Ички ишлар вазирлигининг бу фармойишини амалга оширишга Туркистон генерал-губернатори ва ўқув юртлари инспекциялари жиддий эътибор бердилар. Биринчидан, ўлкадаги мавжуд жадид мактабларидан энг машҳурларини белгиладилар. Улар Тошкентда Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Эшон Хўжа Хон Хўжаев, Собиржон Раҳимжонов, Қўқонда Сўфи Бадал Эшон, Қосимбой, Машраб Хўжа, Умария ва Самарқандда Шакурий, Жўрабоев мактаблари эди[128]. Ҳар бир вилоятда машҳур жадид мактабларининг рўйхати тузилиб, ҳар бири ҳақида зарур маълумотни, айниқса қандай фанлар ва дарсликлар ўқитилишини, дарсликлар номи, муаллифи, чоп этилган жойи, йилини

[128] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 1148-иш, 94-в.

кўрсатиб, улар Тошкентда умумлаштирилиб ахборотлар аниқ таърифланиб, Петроградга вазирликка жўнатилди[129].

Ушбу маълумотлар давлат манфаатига хавф солаётган мусулмон мактабларининг миллийлаштирилишининг зарарли оқибатларининг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар учун зарур эканлиги ички ишлар вазирлигининг фармойишида тасдиқланган эди. Шу сабабли Туркистон генерал-губернатори ички ишлар вазирлиги талабини асосли маълумотлар тўплаган ҳолда жуда пухта бажарди. Жадид мактаблари тўғрисидаги 1912 йил 25 сентябрда, ички ишлар вазирлиги фармойишларининг ишлаб чиқилиши ва жойлардаги ўқув ва сиёсий, ҳокимият идораларига амал қилиш учун юборилиши бу мактаблар устидан назоратни кучайтиришга олиб келди. Маҳаллий идоралар жадид мактабларига қарши репрессияни кучайтирдилар. Ҳар хил баҳоналар билан янги жадид мактаблари очишга қаршилик кўрсатдилар ва олдин очилганларини беркитишга ҳаракат қилдилар.

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Фарғона вилояти 1-район ўқув юртлари инспекторидан ички ишлар вазирлиги сўровига тегишли маълумотлар тайёрлаб юборишни талаб қилган эди. Инспектор 1913 йил 20 ноябрдаги жавоб хатида шундай деган: «Бу мактабларни мен ҳар йили текшириб тураман ва уларнинг баъзилари биносини ўқув ишлари олиб боришга ярамаслиги ва мослашмаганлиги учун ёпиб қўйдим ва бошқаларга керакли кўринишга келтириш ва таъмирлашни буюрдим.

Менга топширилган инспекция қармоғида 20 та янги усул мактаблари бор, уларнинг асосий қисми Қўқон шаҳрида.

Туркистон генерал-губернаторининг 1912 йил 25 январдаги фармойиши эълон қилингандан кейин янги усул мактаблари халқ ўқув юртлари рухсатлари билан очилмоқда...

---

[129] Ўз МДА, 1-ф., 31-р., 943-иш, 25-63-в.

Янги усул мактабларини тартибга солиш учун: 1. Ўқитувчилар тайёрлашни яхшилаш, бунинг учун умумтаълим курслари ташкил қилиш фойдали бўлур эди. 2. Секин-аста 3-ўқув йилидан рус тили ўқитишни жорий қилиш лозим. 3. Ўқув дастурларига табиий география ва ватан тарихидан маълумотлар киритиш мусулмон ақидапарастлигининг ва ажралиш ғояларини сусайишига таъсир қилади»[130].

Ҳужжатдан кўриниб турибдики, маҳаллий ҳокимият органлари ва ўқув инспекциялари жадид мактаблари ижодкорларининг асосий туб мақсади мустақиллик, Туркистонни Россиядан ажратиб олиш учун кураш, деб тушунганлар. Шу туфайли жадид мактабларини асоссиз беркитдилар, фаолият кўрсатаётган мактабларнинг аҳоли орасида жадидлар ғояларини ёйишини чеклаш учун чора-тадбирлар белгиладилар.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур даҳасидаги Иля маҳалласида яшовчи Абдунаби Салимбоев Сирдарё вилояти 1-район халқ ўқув юртлари инспекторига маҳалла болалари учун янги усул мактаби очишга рухсат сўраб ариза ёзган эди. Инспектор 1914 йил 21 майда А. Салимбоевга ёзган рад жавобида шундай деган: «Тошкент шаҳри эски шаҳар қисми аҳолисини мавжуд янги усул мактаблари тўла таъминлаб турганлиги учун бу турдаги янги мактабларни очишга зарурият йўқ. Сизни 6 ноябрдаги илтимосномангизни қондиришга асос йўқ, деб ҳисоблайман»[131].

Инспекторнинг бу асоссиз жавобидан қониқмай А. Салимбоев Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспекторига шикоят қилди, мактабни очишга рухсат сўради ва жавобни кутмасданоқ машғулотларни бошлаб юборди.

---

[130] ЎзР МДА, 19-ф., 1-р., 35019-иш, 87-в.
[131] Ўша жойда, 47-ф., 1-р., 1391-иш, 92-в.

Бош инспектор А. Салимбоев аризасини олгандан кейин Сирдарё вилояти ўқув юртлари директорига мурожаат қилиб мазкур мактабнинг рухсатсиз очилганлиги, маҳаллий ўқув юртлари инспекцияси уни очилишига қарши эканлиги тўғрисида маълумот олди ва Салимбоевнинг аризасини инобатсиз қолдирди.

Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази Тошкентдагина эмас, бошқа шаҳарлар, вилоятларда ҳам жадид мактабларини очилишига қарши кураш кучайди.

Фарғона вилояти 3-район ўқув юртлари инспектори 1915 йил бошларида Бадал Хўжа Эшонов томонидан 2-маротаба рухсатсиз янги усул мактаби очилганлигини аниқлаган ва бу ҳақда у Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспекторига хабар қилган ҳамда Эшоновга жазо чораси кўришни илтимос қилган. У ўз навбатида 1915 йил апрелда бу ҳақда Туркистон генерал-губернаторига маъруза ёзган ва 1912 йил 25 январдаги фармойишга асосан янги усул мактаблари ўқув юртлари инспекциясининг рухсати билан очилиши мумкинлигини хабар қилади[132]. Туркистон генерал-губернатори маъруза билан танишиб чиқиб, рухсатсиз очилган мактаб ёпилсин, деб кўрсатма берган ва у ижро этилган.

Ҳужжатлар шундан далолат берадики, Туркистон генерал-губернаторининг 1912 йил 25 январдаги ва айниқса ички ишлар вазирлигининг 1913 йил 22 сентябрдаги фармойишларидан сўнг маҳаллий ҳокимият, сиёсий ва маориф идоралари жадид мактабларини сиёсий жиҳатдан зиёнли, деб тушуниб уларнинг очилишига тўсқинлик қилди ва мавжудларига қарши курашни кучайтирди. Уларнинг бу ҳаракатини Туркистон генерал-губернатори қўллаб-қувватлади.

Чор ҳукуматининг қаршилигига қарамай, ерли аҳолининг янги усул мактабларини қўллаб-қувватлаши туфайли уларнинг сони йилдан

[132] ЎзР МДА, 47-ф., 1-р., 1492-иш, 403-в.

йилга ортиб борди. 1917 йилда Туркистон ўлкасида 100 га яқин жадид мактаблари фаолият кўрсатган эди[133].

Шундай қилиб, XIX асрнинг 2-ярмида Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши ва мустамлакага айлантирилиши, ўлканинг қолоқлиги, жадидчилик ҳаракатини юзага келтирди. Туркистонда жадидчиликни пайдо бўлиши ҳаёт тақозоси эди. Бу ҳаракатнинг асосий мақсади, мустақилликни кўлга киритиш ва ўлкани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишдан иборат бўлиб, бу мақсадни хал этишдаги дастлабки йўл сифатида маърифатпарварлик ҳаракати юзага келди. Маҳаллий аҳолини маърифатли қилиш, дунёвий билимлар билан қуроллантириш, сиёсий онгини орттириш учун улар жадид мактабларини ташкил қилдилар.

Жадид мактабларининг эски мактаблардан фарқи шунда эдики, биринчидан, ўқувчилар фанларни ёдлаб ўқиш ўрнига ҳижжалаб, бўғинлаб ўқир эди. Иккинчидан, диний фанлар билан бирга дунёвий билимлар ҳам ўқитилган, учинчидан синфлар европача жиҳозланган, яъни парта, доска, саноқдон, глобус, ҳарита ва бошқалар бўлган.

Жадид мактабларини ташкилотчилари, ўқитувчилари жадидчилик ҳаракатининг етакчилари М.Беҳбудий, М.Қ. Абдурашидхонов, А. Шакурий, А. Авлоний кабилар эди. Улар ўзларининг хусусий мактаблари учун ўқув дастурлари тайёрладилар, дарсликлар ёздилар. Янги усулнинг афзаллиги, жадид ўқитувчиларининг саъй-ҳаракати ва фидокорлиги туфайли бу мактабларда ўқиш жараёни тезлашди, ўқувчиларнинг дунёвий билими кенгайди ва чуқурлашди. Жадидлар ўз мактабларида дунёвий фанларни ўқитишни жорий қилиб, маҳаллий аҳолини чор ҳукуматининг умумтаълим, гимназия ва бошқа ўқув юртларида таълим олишдан халос қилди. Улар шу йўл билан чоризмнинг Туркистон ерли аҳолисини руслаштириш сиёсатига зарба берди.

---

[133] Бендриков К.Е. Очерки по народного образования в Туркестане... С. 378.

Туркистонда жадид мактабларининг вужудга келиши чор ҳукуматини, унинг сиёсий идораларини ташвишга солди. Чоризмнинг сиёсий идоралари жадидчилик ҳаракатининг замирида мустақиллик ғоялари ётишини аниқ билар эди. Шунинг учун чор ҳукуматининг Туркистондаги маъмурлари жадид мактаблари пайдо бўлиши билан уларга қарши курашни кучайтирдилар.

Жадид мактаблари тараққиёти ва чоризмнинг унга қарши кураш йўлини икки даврга бўлиш мумкин.

Биринчи даври XIX аср охиридан то 1908 йилгача, реакция йилларигача давом этди. Бу даврда жадид мактаблари эски мактаблар сингари давлат идораларидан рухсат олмай очилган ва фаолият кўрсатган. Туркистондаги чор маъмурларига янги усул мактаблари очишга рухсат сўраб мурожаат қилинганда, улар ҳар хил баҳоналар билан рухсат бермаган. Вилоят ўқув юртлари, инспекторлари, янги усул мактаблари тўғрисида аниқ қонун - қоидалар йўқлиги учун руҳонийлар ғалаёнидан қўрқиб уларни ёпишга журъат қила олмадилар.

Иккинчи давр 1908 - 1917 йилларни, Россиядаги инқилобий ҳаракатга қарши бошланган реакция йилларини, биринчи жаҳон уруши йилларини ўз ичига олади. Бу даврда янги усул мактабларига қарши кураш кескинлашди. Туркистон генерал-губернатори жадид мактабларининг очилиши ва кейинги фаолиятини назорат қилиш учун вилоят ҳарбий губернаторларига фармойиш юборган ва йўл-йўриқлар берган. Ўқув юрти инпекцияси рухсатисиз янги усул мактабларини очиш таъқиқланган. Мактаб очиш учун мактабнинг ўқув дастури ва ўқитиладиган дарсликлар номини тақдим этиш шарт қилиб қўйилган. Жойлардаги ўқув юртлари инспекторларидан янги усул мактабларини доимий назорат қилиб туриш, ҳар ярим йилда бир марта Туркистон генерал-губернаторига уларнинг фаолияти, асосан сиёсий соҳадаги ишлари ҳақида ахборот бериб туриш талаб қилинган. Туркистондаги жадид мактаблари фаолиятини Ички ишлар вазирлиги ҳам назорат

қилиб турган ва уларда ўқитиладиган дарсликлар сиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган. Янги мактаб очиш учун унда рус тили дарсини ташкил қилиш зарур бўлган. Чор ҳукумати Туркистон миллий маориф шохобчаларида руслаштириш сиёсатини кучайтирган.

Чор ҳукуматининг Ички ишлар вазирлиги ва Туркистон генерал-губернаторининг фармойишларида ўлканинг ўқув юртлари ва сиёсий идораларига жадид мактаблари ва уларнинг ўқитувчилари панисломизм, пантуркизм ғояларини маҳаллий ёшларга тарқатади, сепаратизм тарафдори, деб уқтирилди. Вилоятларнинг ҳокимият, сиёсий ва маориф идоралари янги усул мактабларини зарарли, деб баҳолаб, уларни очилишига тўсқинлик қилди ва мавжудларини назорат қилишни кучайтирди.

III-БОБ. ТУРКИСТОН ХАЛҚИ МАДАНИЙ МЕРОСИНИНГ ЧОР ҲУКУМАТИ ТОМОНИДАН ЎЗЛАШТИРИЛИШИ

3.1. Қўлёзма асарлари ва архив ҳужжатларининг Россияга олиб кетилиши

Тарих шундан шоҳидлик берадики, давлат ва жамият ижтимоий тараққиётга аввал ўз маданий меросидан унумли фойдаланиш ҳисобига эришади. Бой маданий меросга, улкан маънавий қадриятларга эга бўлган ўзбек халқи инсоният цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган ва бу макон дунёга илғор маданиятни тарқатувчи ролини ўйнаган. Туркистон тупроғи босқинчилар оёғи остида топталган ва мустамлакачилик зулми остида қолган даврда шундай буюк меросга эга бўлган халқнинг миллий маданияти чекланди, таҳқирланди, маданий ёдгорликлари талон-тарож қилинди. Босқинчилар ўзбек халқининг миллий ва маънавий қадриятларини реакцион деб эълон қилиб йўқ қилишга интилган бўлсалар, моддий қадриятларини, шу жумладан, қимматбаҳо осори атиқалар, нодир ёдгорликлар, санъат асарларини ўз юртларига ташиб кетдилар.

Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг совет мустамлакачилиги даврида коммунистик мафкура томонидан таҳқирланган бой маданий мероси тикланмоқда. Халқнинг маънавий-руҳий тикланиши-иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий негизидир. Маънавий янгиланишни амалга оширмасдан мустақилликни мустаҳкамлашга халқни сафарбар қилиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, мустақил Ўзбекистон ҳукумати маънавий соҳани ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов миллий тикланишнинг аҳамиятини уқтириб шундай деган: «Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослигини қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгиланиш ва тараққий

эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир».[134]

Халқ асрдан-асрга авайлаб сақлаб келган қўлёзма асарлар ва бошқа маданий ёдгорликлар чор Россиясининг Туркистонни босиб олиш жараёнида рус ҳарбийлари, чор ҳукумати маъмурлари, махсус юборилган шарқшунослари томонидан таланди. Россия ҳарбий қўшинлари бошлиқларига у ёки бу шаҳарларни, бекликларни ва хонликларни босиб олишда унинг моддий бойликлари (хон ва бекларнинг хазинаси, зеб-зийнатлари, қимматбаҳо буюмлари) билан бирга тарихий ва маданий ёдгорликларини, санъат асарларини, қўлёзма ва ҳужжатларини ҳам тортиб олиш буюрилган эди. Туркистон шаҳарларини босиб олиш билан бирга хон ва беклардан, масжид ва мадрасалардан кўплаб маданий бойликлар тортиб олинган эди.

Ҳукуматнинг топшириғи билан Туркистон маданий бойликларини Россияга олиб кетиш ишлари билан шахсан Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфманнинг ўзи шуғулланган. Туркистон генерал-губернаторлигида бу иш билан шуғулланадиган махсус лавозим ҳам жорий қилинган бўлиб, мазкур масъулиятли вазифа Туркистон генерал-губернаторининг маслахатчиси А.Л. Кунга юкланган эди. У 1867 - 1876 йилларда К.П. фон Кауфман ҳузурида коллектор, яъни маданий ёдгорликлар, жумладан Шарқ қўлёзмаларини тўпловчи, рўйхатга олувчи ходим бўлиб ишлаган. А.Л. Кун шарқшунос сифатида шу вазифаларни бажариш билан бирга Туркистон ўлкаси халқ ўқув юртлари бош инспектори лавозимида ҳам бўлган.

А.Л. Кун 1865 йилда Петербург университетининг шарқ тиллари факультетини битирган. Туркистон генерал-губернаторининг талабига асосан марказнинг топшириғи билан А.Л. Кун 1867 йилда Туркистонга ишга юборилади[135]. Унинг вазифаси ўлкадаги маданий бойликларни

---

[134] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида / Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. Б. 299-300.
[135] Ўзбек Совет энциклопедияси. - Тошкент: Фан, 1975. 6-жилд. Б. 168-169.

қидириб топиш ва Россия марказидаги кутубхона, музей ва илмий жамиятларга юборишдан иборат бўлган.

Бухоро амирлиги қўшинлари рус истилочилари билан бўлган жангларда мағлубиятга учрагандан сўнг, Бухоро амири Музаффар Россия билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. Сулҳга биноан Бухоро амирлиги худудининг бир қисми Россия ихтиёрига ўтди ва бу ерларда Зарафшон округи ташкил этилиб, унга генерал-майор Абрамов бошлиқ қилиб тайинланди. Ана шу вақтдан бошлаб, бу генерал Самарқанд ва бошқа худудларнинг маданий бойликларини талаш билан шуғуллана бошлади.

Самарқанд босиб олинганда Хўжа Аҳрор масжидида унинг шайхлари томонидан жаҳон мусулмонларининг мукаддас китоби-Усмон Қуръони қўлёзмаси авайлаб сақланар эди. Айғоқчилар ёрдамида ушбу ноёб қўлёзма ҳақида хабар топган А. Абрамов Самарқанд уезди бошлиғи подполовник Серов орқали масжид ходимларига тазйиқ ўтказиб Мусҳафни тортиб олади ва фон Кауфманнинг фармойишига биноан уни Туркистон генерал-губернатори девонхонасига топширади. Кейин эса ушбу қўлёзма Кауфман томонидан Петербургга Император кутубхонасига совға қилиб юборилади[136].

Маълумки, Бухоро амири Музаффархон Зирабулоқдаги рус армияси билан ҳал қилувчи жангда мағлубиятга учраб, 1868 йил 23 июнда сулҳ тузишга мажбур бўлади ва Бухоро амирлиги Россия вассалига айланади. Бухоро халқи ва давлати ўз мустақиллигини йўқотди, Самарқанд, Каттақўрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисмидан ажралди, 500 минг олтин тўлашга мажбур бўлди[137]. Амир Музаффархоннинг таслимчилик сиёсатидан норози бўлган ва ғазабланган ватанпарвар кучлар ўз етакчилари Шаҳрисабз беги

---

[136] ЎзР МДА, 1-ф., 29-р., 23-иш, 7-8-в. Шунингдек қаранг: Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши / Масъул муҳаррир Д.А. Алимова. - Тошкент: Шарқ, 2001. Б. 369-371.

[137] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб... Б. 116.

Жўрабек, Китоб беги Бобобек, Кенесари Қосимовнинг ўғли Султон Содиқ, Музаффарнинг ўғли амирзода Абдумалик Тўра атрофида уюшиб, кураш бошладилар. Амир Музаффар руслардан ёрдам сўради. Генерал А. Абрамов Самарқандда қўзғолонни бостириб, 1870 йил 11 августда жазо қўшинлари билан Шаҳрисабз ва Китобга хужум бошлади. Уч кун давом этган жангдан сўнг Шаҳрисабз, Китоб шаҳарлари босиб олинди. Жўрабек ва Бобобек саройларидаги моддий ва маданий бойликлар рус ҳарбийлари томонидан талон-тарож қилинди[138].

Зарафшон округи бошлиғи генерал майор А. Абрамов 1870 йил 3 сентябрда Туркистон генерал-губернаторига Китоб беклиги босиб олингандан кейин Жўрабек саройидан Шарқ қўлёзма асарларидан иборат кутубхона қўлга олинганлигини ва Самарқандга олиб келинганлигини, шарқшунос А.Л. Кун китобларни кўриб чиққанлигини хабар қилган. Бу хабарни эшитиши биланоқ Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман бу асарларни Санкт-Петербургга, Император халқ кутубхонасига жўнатиш мақсадида Абрамовга қўлёзма китобларни Тошкентга, генерал-губернатор девонхонасига юборишни топширади[139].

Генерал А. Абрамов генерал К.П. фон Кауфманнинг буйруғини бажарди. У Жўрабек саройидан талаб олган қўлёзма китоблар билан бирга А.Л. Кун томонидан Шаҳрисабзда йиғилган қўлёзма асарларни ҳам қўшиб 100 дан ортиқ қўлёзмани Тошкентга жўнатди[140].

Шарқшунос А.Л. Кун Туркистон генерал-губернатори томонидан Китоб ва Шаҳрисабзга ҳарбий юриш олдидан генерал А. Абрамов қўшинларининг ҳарбий штаби ихтиёрига юборилган ва унга босиб олинган жойлардаги маданий ёдгорликларни ўрганиш, баён этиш, генерал Абрамовга бу масалада ёрдам бериш, қимматли музей экспонатларини, қўлёзма асарларини, ҳужжатларни Россияга олиб

---

[138] ЎзР МДА, 1-ф., 15-р., 69-иш, 66-в.
[139] Ўша жойда, 1-ф., 15-р., 69-иш, 66-в.
[140] Ўша жойда.

кетиш учун Туркистон генерал-губернаторига ахборот бериш ва ёдгорликларни унга юбориш топширилган эди.

А.Л. Кун 1870 йил 9 октябрда Туркистон генерал-губернаторига Искандаркўл ва Шаҳрисабз экспедициялари даврида йиққан илмий материаллари тўғрисида ҳисобот ёзди. Бу ҳужжатда Шаҳрисабз беклигида Шарқ қўлёзмаларини йиғиш борасида олиб борган ишлари тўғрисида тўхталиб, жумладан шундай деган: «шунингдек, ҳар хил ҳужжатлар ва 300 га яқин китоблар олинди. Уларнинг 26 таси энг қимматли ва эътиборга лойиқ эди. Бу китоблар сиз муҳтарам олийларининг хоҳишига биноан Император халқ кутубхонасига жўнатиш учун генерал-майор А. Абрамовнинг Жўрабек саройидан олган 76 та китобига қўшиб қўйилди»[141].

А.Л. Кун ёзган ҳисоботга фон Кауфман 1870 йил 9 октябрда «Китоблар Император халқ кутубхонасига жўнатилсин» деб резолюция қўйди ва унинг кўрсатмасига биноан А.Л. Кун ва А. Абрамовлар қўлга туширган китоблардан танлаб олинган, ўта ноёб қўлёзма асарлар Санкт-Петербургдаги Император халқ кутубхонасига жўнатилди. Йиғилган қўлёзма асарларнинг бир қисми рўйхати архивда сақланиб қолган ва ундан Петербургга жўнатилган асарлар орасида: «Мажмуа ул-ғаройиб», «Тарихи мавлоно Восифий», «Девони мирза Шавкат», «Хулосат ул-ахбор», «Ақоиди Мулла Жалол Девоний», «Девони ғазалиёти Умархон», «Тарих-и Мир Саид Шариф-и Роқим» ва бошқа бебаҳо қўлёзма китоблар бўлганлигини билиб олиш мумкин[142].

1872 йил бошларида Тошкентда чор маъмурлари миниатюра билан безатилган Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарининг қадимги қўлёзма нусхаларидан бирининг мавжудлигини билишди ва эгасига арзимаган пул бериб, тортиб олишди. Бу қўлёзманинг ноёб эканлигини

---

[141] ЎзР МДА, 1-ф., 15-р., 69-иш, 75-в.
[142] Ўша жойда, 68-69-в.

ҳисобга олиб, Кауфман Санкт-Петербургдаги Император халқ кутубхонасига юборишга шошилди ва 1872 йил 31 мартдаги хати билан бирга «Шоҳнома»ни Император халқ кутубхонасининг директори И.Д. Деляновга юборди.

Подшо Россияси ҳукумати Қўқон хонлигининг асосий қисмини ва Бухоро амирлигини ўзига тобе қилгандан сўнг навбатдаги босқинчилик юришига, яъни Хива хонлигини босиб олишга тайёргарлик кўра бошлади. Тажрибали генерал бошчилигидаги ҳарбий отрядлар фон Кауфманнинг умумий қўмондонлиги остида 1873 йил баҳорда Хива хонлигига хужум қилдилар. Хоразмлик ватанпарварлар ҳар бир шаҳар ва қишлоқни мардонавор ҳимоя қилиб, босқинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатганларига қарамай рус қўшини замонавий ҳарбий қуролларнинг кучи билан ғалаба қозонди. 1873 йил 29 майда рус қўшинлари хонликнинг пойтахти Хива шаҳрини босиб олдилар ва Муҳаммад Раҳимхон хазинасини талон-тарож қилдилар. 12 августда Гандимиён қишлоғида К.П. фон Кауфман ва Муҳаммад Раҳимхон ўртасида тузилган яраш битимига кўра Қуйи Амударёнинг ўнг соҳилидаги хонликка қарашли барча ерлар Россияга берилди. Хон чет мамлакатлар билан мустақил алоқа қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди ва ўзини «Императорнинг итоатли хизматкори» деб тан олишга мажбур бўлди. Хива хонлиги сақланиб қолинди, лекин Россиянинг вассалига айланди.

Хива шаҳри забт этилгандан кейин хон саройидаги моддий бойликлар билан бирга қўлёзма асарлар ва архив ҳужжатлари босқинчилар томонидан талаб, олиб кетилди[143]. Хива экспедициясига рус қўшинлари билан биргаликда борган шарқшунос А.Л. Кун томонидан тўпланган Шарқ қўлёзмалари ва Хива хони саройидан олинган қўлёзма асарлар Тошкентга олиб келиниб, тартибга солинди. Шундан сўнг А.Л. Кун Кауфманга Хива босқинида иштирок этиб, қўлга киритган қўлёзма ва ҳужжатлар ҳақида ҳисобот тақдим қилди.

[143] Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане... С. 42.

Хива хони саройидан тортиб олинган қўлёзма асарлар сони, таркиби ва мазмуни ҳақида А.Л. Кун ўз ҳисоботида қуйидаги маълумотларни хабар қилган. «Хива экспедицияси вақтида қуйидаги илмий материаллар йиғилган: хон саройини мусодара қилиш вақтида шарқ қўлёзмаларидан иборат 300 га яқин китоб, шарқ қўлёзмалари, жумладан: тарихий асарлар - 129 номда 140 жилд, шарқ шоирлари асарлари - 20 нафар муаллифга тегишли 30 жилд, ҳуқуқий-диний - 40 та асар 50 жилд, бундан ташқари 18 тача Қуръон ва 50 та дарслик китоблари ҳам тўпланди»[144].

Мазкур ноёб асарларнинг барчаси Кауфман томонидан 1874 йил 28 мартда Петербургга, Фанлар академиясининг Осиё музейига юборилди. Фанлар академияси Президентининг 1874 йил 25 апрелда Туркистон генерал-губернаторига йўллаган миннатдорчилик мактуби буни тасдиқлайди. Хатда шундай дейилган: «Жаноби олийлари, Константин Петрович. Сизнинг шу йил 28 мартдаги хатингиз билан бирга юборган Хива экспедицияси вақтида сизнинг топшириғингиз билан жаноб А.Л. Кун йиққан Шарқ қўлёзмалари ва китобларни Император Фанлар академияси олди. Осиё музейига жуда муҳим коллекцияни юбориб, унинг фондларини бойитишга ҳаракат қилганингиз учун сизга, муҳтарам жаноблари, академиянинг чуқур миннадорчилигини билдиришни менга топширди»[145]. Бу ҳужжат Сайид Муҳаммад Раҳимхон саройидаги ноёб, баҳоси йўқ қадимги қўлёзма асарларни Туркистон генерал-губернатори ташаббуси билан Россия империяси пойтахти Санкт-Петербургга зўрлик билан олиб кетилганлигидан гувоҳлик беради.

Тез орада рус истилочиларининг ўзбек халқининг маданият ёдгорликларини, ноёб қўлёзма асарлари ва ҳужжатларни талон-тарож қилиш учун яна бир имконият пайдо бўлди. Бу имконият Қўқон

---

[144] ЎзР МДА, 1-ф., 20-р., 6785-иш, 7-в.
[145] Ўша жойда, 6325-иш, 4-в.

хонлигининг тугатилиши ва унинг ерларининг Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига қўшиб олиниши билан боғлиқ эди. 1873 йилда Пўлатхон бошчилигида кўтарилган халқ қўзғолони 1876 йилнинг феврал ойигача давом этди. Қўзғолончилар аввал Худоёрхонга қарши, у қочиб кетгандан сўнг эса чор Россияси истилочиларига қарши кураш олиб бордилар. Улар Андижон, Марғилон, Қўқон каби шаҳарларни қаҳрамонона ҳимоя қилиб, шиддатли жанглар олиб борган, босқинчиларга катта талофат етказган бўлсалар-да охир-оқибат енгилдилар. Қўқон хонлиги, миллий давлатчилиги тугатилди, мустамлакачилик зулми кучайди. Подшо Россияси қўшинлари бошлиқлари босиб олинган шаҳарларнинг моддий ва маданий бойликларини таладилар.

Қўқон хонлигининг шаҳарлари босқинчилар томонидан забт этилиши бошланиши билан Кауфман Туркистон ҳарбий округининг Қўқон хонлигининг ҳаракатдаги қўшинлар штаби бошлиғига телеграмма юбориб, хонликдаги босиб олинган шаҳарлардан Шарқ қўлёзмаларини тўплаш тўғрисида кўрсатма берди. У ўз навбатида Фарғона вилояти бошлиғига телеграмма жўнатиб, Қўқон, Марғилон, Андижон ва бошқа жойлардан қадимги қўлёзмаларни йиғишни илтимос қилди[146].

1875 йил 14 августда К.П. фон Кауфман бошлиқ босқинчилар қўшинлари Абдураҳмон Офтобачи раҳбарлигидаги қўзғолончилар ҳимоя қилаётган Қўқон шаҳрини босиб олдилар. Босқинчилар томонидан Қўқон хонлигининг пойтахти таланди. Пойтахтнинг хонлар, унинг йирик амалдорлари қурдирган машҳур мадраса ва масжидларида кўплаб қимматли қўлёзма китоблар сақланар эди. Истилочилар бошқа бойликлар қатори энг муҳим қўлёзмаларни ва Қўқон хонлари архивини ўлжа сифатида Тошкентга, кейин Петербургга олиб кетдилар.

---

[146] ЎзР МДА, 19-ф., 1-р., 10394-иш, 1-в.

Петербургга юборилган юздан ортиқ қўлёзма асарлар[147] орасида «Таворихи Шохрухийа», «Тарихи Муқимхон», «Жаҳоннома», «Рашаҳот» ва бошқа кўп ноёб қўлёзма асарлар бор эди.

Туркистон ҳарбий округи қўшинлари штабидаги маълумотларга кўра Андижон шаҳридаги таржимон Казбеков маҳалий аҳолидан кўпгина қўлёзма китоблар сотиб олган. Бундан хабар топган Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Фарғона вилояти бошлиғига 1876 йил 19 февралда хат ёзиб, унинг қўлидан қўлёзма асарларини олиб, унга Тошкентга танишиб чиқиш учун юборишни сўрайди. У ўз хатида шундай деган, «Шу кунларда маълум бўлдики, сиз жанобларнинг Андижондаги таржимонингиз Казбековда анча шарқ қўлёзмалари бор экан. Вилоятни ташкил қилиш, низомлар тайёрлашда собиқ хонликда топилган ҳар хил ҳужжатлар ва қўлёзмалар керак бўлиб қолиши мумкин. Шуни назарда тутиб сиз жанобларидан таржимон Казбековнинг шахсий китобларини рўйхат тузиб жўнатишингизни сўрайман. Буларга хожат қолмагандан кейин унга қайтариб юборилади».[148]

Фарғона вилояти бошлиғининг топшириғи билан таржимон Казбеков билан суҳбатлашгач ва ундан қўлёзма китоблар тўғрисида маълумотлар олгач, Андижон - Наманган қўшинлари қисми мудири қуйидаги жавоб хатини йўллаган: «Ушбу буйруқни Наманган бўлими бошлиғига қайтариб хабар қиламанки, бугун таржимон Казбеков билан суҳбатлашилди. У ҳақиқатдан ҳам шарқ қўлёзмаларини ҳар хил вақтларда Андижон шаҳри ерли аҳолисидан ва кичик раҳбарларидан сотиб олган. Лекин булар, асосан, диний китоблар. Булар таркибида Туркия ва Хиндистонда нашр қилинган Қуръонлар, машҳур форс шоири Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари, мусулмон азиз-авлиёлари ҳаётини баён этадиган «Тарих-и Нигористон», қўлёзмалардан «Равзат

[147] Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане... Б. 43.
[148] ЎзР МДА, 19-ф., 1-р., 10394-иш, 1-в.

ус-Сафо», VI жилд ва «Тазкиратул-авлиё» бор. Шарқ қўлёзмалари масаласига келсак, бундайлар Казбековда йўқ. 1876 йил 22 феврал, Андижон шаҳри».[149]

Бу ҳужжат шундан далолат берадики, шахсий қўлёзмалар коллекцияларини бойитиш ёки ташкил этиш мақсадида айрим рус зобитлари, амалдорлари ҳам ўлкадаги қўлёзмаларни сотиб олиш, тўплаш билан шуғулланган. Улар бундай қўлёзмаларни асосан шаҳар, қишлоқларни босиб олганларидан кейин у ердаги бойликларни талаш вақтида қўлга киритар, айрим холларда маҳаллий аҳолидан арзон-гаровга сотиб олишар, рус ҳарбий ташкилотлари бундай хатти-ҳаракатларни таъқиқламас эди. Масалан, рус амалдори, шарқшунос А.Л. Кун бир неча мадраса ва масжидларнинг қадимги вақфномаларини илмий мақсадда фойдаланиш учун олиб қайтариб бермаган. У Бухоро, Хива ва Қўқон хонлари, беклари саройларидан талаб олинган қўлёзма китобларнинг бир қисмини ўзининг шахсий коллекциясига олиб қолган. А. Кун коллекциясидаги қўлёзмаларнинг рўйхати унинг вафотидан кейин 1890 йилда эълон қилинган. Унинг шахсий архиви ва қўлёзмалар коллекцияси ҳозир Россия Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида 33-рақамли фонда сақланмоқда.

Шарқ қўлёзмаларини, ҳужжатларини тўплашда шарқшунослар В.В. Бартольд, В.В. Веляминов-Зернов, В.И. Веселовский, А.Л. Кун, В.В. Радлов, В.Р. Розен ва бошқалар фаол иштирок этган ҳамда муҳим қўлёзмалар устида илмий тадқиқот ишлари олиб борган. Рус олимлари бу ноёб қўлёзмаларни таржима қилиш, нашр этиш, илмий муомалага киритиш билан фанга катта ҳисса қўшганликларини эътироф этиш лозим, лекин айни пайтда уларнинг чор Россияси манфаатлари учун хизмат қилганликларини, унинг мустамлакачилик сиёсатини қўллаб-қувватлагани, Туркистоннинг маданий бойликларини талашда унга кўмак берганликларини унутмаслик керак.

---

[149] ЎзР МДА, 19-ф., 1-р., 10394-иш, 3-в.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан Россияга қўлёзма асарлар билан бир қаторда қўлёзма ҳужжатлар, Хива, Қўқон хонларининг архивлари ҳам олиб кетилган. Хива хонлиги забт этилганда Кауфманнинг топшириғи билан А.Л. Кун босқинчи ҳарбий қўшинлар таркибида қатнашиб, хоннинг архиви ва қўлёзмаларини Тошкентга олиб келиб, уни таркибини ва мазмунини ўрганиб чиқди. Шундан кейин 1873 йил декабрда Туркистон генерал-губернаторига Хивада қўлга туширилган қўлёзма китоблар ва ҳужжатлар ҳақида ҳисобот ёзди. Бу ҳужжатда А. Кун Хива хонлари архиви ҳақида қуйидаги маълумотларни баён қилган. «Хон саройи мусодара қилинганда, қўлёзмалар билан биргаликда ҳужжатлар ҳам тўпланди. Бу ҳужжатларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳга хонликнинг даромадлари ва ҳаражатларига доир дафтарлари ҳамда бир қанча вақф ҳамда мулк ҳужжатларини ва иккинчи гуруҳга хатлар, аризалар, шунингдек, дипломатик ёзишмаларни киритиш мумкин. Дафтарлар орасида пул солиқларига доир ёзувлар, закот дафтарлари ва Матмурод девонбегининг хон ҳаражатлари тўғрисидаги ҳисоботлари бор. Сўнгра шу ҳужжатлар орасида Бухоро, Ғазолида, Истамбулда ва бошқа жойларда савдо-сотиқ ишлари билан яшаб турган хиваликларнинг хонга юборган илтимосномалари, ер билан боғлиқ низоларни ҳал қилиб бериш тўғрисида ёзилган мактублар, бирор мансаб беришни сўраб ёзган илтимосномалар ва шу кабилар бор. Дипломатик ҳужжатлар орасида Ост-Индия генерал-губернатори Насрбрукнинг хати, Туркия султонининг хатлари ва фармонлари, рус элчиси генерал Данилевский билан Хива хони ўртасида тузилган аҳднома ҳамда Туркистон генерал-губернатори томонидан хонга ёзилган бир неча мактуб бор[150].

Хива хони саройидан топилган ва рус босқинчилари тортиб олган архив ҳужжатлари 1830 - 1873 йилларга оид даврни ўз ичига олади. Мазкур архивдаги дафтарларнинг айримларида тартиб рақами бор,

[150] ЎзР МДА, 1-ф., 20-р., 6785-иш, 8-9-в.

айримларда йўқ. Бу шундан далолат берадики, архивдаги дафтарлар, ҳужжатлар рақамланмаган, уларнинг рўйхати бўлмаган. Мавжуд архив тўла сақланганми, 1830 йилдан олдинги даврга оид ҳужжатлар бўлганмикан, деган саволлар туғилиши табиий.

Хива хонлари архивини саройдан йиғиштириб олган, ўқиб ўрганиб, тартибга солган шарқшунос А.Л Кун ушбу саволга қуйидагича жавоб қилган: «... Ҳужжатлар тўплами ҳар қанча қизиқарли бўлса ҳам, лекин бу ҳужжатларнинг фан учун бўлган аҳамиятини эътиборга олганда: а) шу ҳужжатларнинг тўлиқ эмаслигига - кўп ҳужжатлар йўқ бўлиб кетганлигига ва номаълум кишилар олиб кетганлигига; б) бу ҳужжатлар фақат кейинги вақтларга доир қизиқарли материаллардан иборат бўлганлигига афсусланмаслик мумкин эмас»[151]. Демак, архив А.Л. Кун томонидан қўлга олинган вақтда ҳам тўлиқ бўлмаган. Хужжатларнинг бир қисмининг йўқ бўлиб кетиши сабаблари ҳақида Кун ҳеч нарса демайди ва биз бу ҳақда фақат тахмин қилишимиз мумкин. Фикримизча, рус қўшинлари Хивага хужум бошлаганларида хон амалдорлари ҳужжатларнинг бир қисмини олиб кетган бўлсалар керак. Бундан ташқари Хива забт этилгандан кейин хон саройига биринчи бўлиб аскарлар ва зобитлар кирган ва саройни талаган. Айрим ҳужжатлар ва дафтарлар ана шу талон-тарож вақтида олиб кетилганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шу нарса аниқки, Хива хонлигининг Россия томонидан босиб олиниши, хон саройининг таланиши архивга катта зиён етказди. Россия босқини туфайли Хива хонлари архиви талон-торож қилинди, кўп ҳужжатлар йўқолди.

Тўла сақланмаган Хива хонларининг архивини А.Л. Кун ўрганиш ва тартибга солиш жараёнида хонликнинг социал-иқтисодий ҳаётини ёритадиган энг қимматли дафтарларни ўзининг шахсий коллекциясига олиб қолди ва қолганларини Туркистон генерал-

[151] ЎзР МДА, 1-ф., 20-р., 6785-иш, 3-в.

губернатори девонхонасига топширди. Бу ҳужжатларни Петербургга жўнатиш олдидан дафтарлар ва бошқа ҳужжатлар муқоваланди ва чиройли папкаларга солинди. Туркистон генерал-губернатори 1874 йил бошларида Хива хонларининг архивини Петербургдаги Император халқ кутубхонасига жўнатди. Кутубхона ҳисоботида шундай дейилган: «Кутубхонанинг фахрий аъзоси генерал-адъютант К.П. фон Кауфман Ўрта Осиё хонларининг ҳужжатлари ва ёзишмалари тўпламини совға қилиб юборди, бу ҳужжатлар ва ёзишмалар Искандаркўл, Шаҳрисабз ва Хива экспедициялари вақтида тўпланган дир»[152]. Шундай қилиб Хива хонлари архивининг асосий қисми Петербургга олиб кетилди ва халқ кутубхонасига топширилди.

Хива хонлари архиви Петербург кутубхонасига топширилгандан кейин ундаги араб алифбосидаги ҳужжатларни ўқиш қийинлиги, шарқшунос мутахасислар камлиги натижасида ўз вақтида тартибга солинмаган, қайд этилмаган ва ўрганилмаган. Архив тўғрисида маълумотнома тайёрланмаганлиги сабабли тарихчи олимлар бу манбаларнинг борлигидан хабарсиз қолдилар, 60 йилдан кўпроқ вақт бу ноёб архив илм аҳлига маълум бўлмади. Ва ниҳоят, 1936 йили шарқшунос олим П.П. Иванов тасодифан бу архивни топишга муваффақ бўлди. Кутубхона ходимлари ҳам вақт ўтиб бу қўлёзма ҳужжатлар Хива хонлари архиви эканлигини унутишган ва маълумотнома тузилмаганлиги учун бу ҳужжатларнинг нима эканлигини билишмас эди. П.П. Ивановнинг номаълум қўлёзмалар қанақа ҳужжатлар эканлигини билиш учун уни ўрганиб чиқиши ва Хива хонларининг архиви эканлигини аниқлаши тарих фанида катта воқеа бўлди, чунки, ушбу архив топилгунга қадар ўзбек хонликлари тарихига оид ҳужжатлар жуда кам бўлиб, тадқиқотчилар Ўрта Осиё тарихини ёзишда асосан шарқ адибларининг қўлёзма асарларидан, европалик сайёҳларнинг маълумотларидан фойдаланар эдилар. Шарқ манбалари

[152] Отчет императорской народной библиотеки за 1876 г. - С.-Петербург: 1876. С. 168.

бўйича мутахассис олим В.В. Бартольд шундай деган: «... Шу кунларгача ҳужжатларнинг фақат бир категорияси, яъни вақфномалар, деб аталган ҳужжатларгина тадқиқот материали бўлиб келди, шунда ҳам фақат биргина Самарқанд вилоятидаги вақфномалар ва фақат шу вақфномалардаги тарихий географик материалларгина текширилди ва тадқиқ қилинди»[153]. Кўриниб турибдики, Хива хонлари архиви шарқшуносларга, тарихчиларга маълум бўлмаган ва ҳужжатларидан фойдаланилмаган. Шунинг учун Ўрта Осиё тарихини, халқларининг социал-иқтисодий ҳаётини ёритишда бу архив ҳужжатларининг илмий муомалага киритилишининг аҳамияти каттадир. П.П. Иванов Хива хонлари архивини топиш билангина чекланиб қолмасдан, ушбу қимматли ҳужжатларни илмий муомалага киритиш, ўқиш, тушуниш қийинлигига қарамай уларни ўрганиш ва таҳлил қилишга киришди. У мавжуд ҳужжатларни маълум даражада илмий тизимга солди ва архив фондининг шарҳини яратди. П.П. Иванов «XIX асрдаги Хива хонлари архиви»[154] номли асарида ҳар бир дафтарни қисқача баён қилди, шу дафтарлардан муҳим парчалар эълон қилди ва шу йўл билан архивдаги ҳужжатларнинг асосий мазмунини ўқувчига етказди.

Бироқ, П.П. Иванов сақланиб қолган ҳужжатларнинг фақат бир қисмини, халқ кутубхонасига берилганларини топган, архивнинг Шарқшунослик институтида сақланиб келинган иккинчи қисмидан хабари йўқ эди. Мазкур ҳужжатлар 1951 - 1956 йилларда СССР ФА Шарқшунослик институтида катта илмий ходим лавозимида ишлаган, 1953 йили «Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши» мавзусида докторлик диссертацияси ёқлаган М.И. Йўлдошев томонидан топилди ва илмий муомалага киритилди. Хива хонлари архиви

---

[153] Бартольд В.В. Хранение документов в странах мусульманского Востока // Архивные курсы. - Петроград, 1920. С. 380-381.

[154] Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в. - Ленинград: Госбиблиотека,1940. С. 289.

Петербургда 1962 йилга кадар сақланди. Ўзбекистон архившуносларининг ташаббуси билан Республика ҳукуматининг талаби асосида Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонаси Хива хонлари архивини Ўзбекистон Марказий давлат архивига қайтариб берди. Лекин Ленинграддаги ФА Шарқшунослик институтидаги Хива хонлари архивининг энг қимматли дафтарлари Ўзбекистонга берилмай қолиб кетди. Бир бутун архивнинг икки жойда сақланиши Хива хонлиги тарихини ўрганишда тарихчилар учун муайян қийинчиликлар туғдиради.

Рус қўшинлари Қўқон шаҳрини забт этгандан кейин хон саройи талон-торож қилиниб, барча қимматбаҳо бойликлар, шу жумладан, Қўқон хонлари архиви ҳам истилочилар қўлига тушди ва Хива хонлари архиви каби Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман томонидан 1876 йилда Петербургга Император халқ кутубхонасига жўнатилди. Архивдаги ҳужжатлар XIX асрнинг 40 - 70- йилларини ўз ичига олган бўлиб, уларнинг асосий қисми Худоёрхоннинг учинчи марта тахтга ўтириш даври (1866 - 1875 йиллар)га оид, ҳаммаси бўлиб 5 026 варақ ҳужжатлар ва 151 дафтардан иборат. Архив ҳужжатларининг даврий қамровидан кўриниб турибдики, архивнинг катта қисми ўғирланган, йўқолган. Жуда кам ҳужжатлар сақланиб қолган. Буни хон саройининг икки марта, 1875 йилда қўзғолончилар ғалаба қилиб Худоёрхон Қўқондан Тошкентга қочганда ва 1876 йилда генерал К.П. фон Кауфман кўмондонлигидаги рус қўшинлари Қўқонни босиб олган пайтда таланганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Рус қўшинлари қўлга олган архив оғир аҳволда бўлганлиги, ҳужжатларнинг тартибсиз сочилиб ётиши, йиртилганлиги ва ифлосланганлиги рус қўшинлари хон ўрдасини забт этгандан кейин архивни оёқ ости қилганлигидан далолат беради. Шунга қарамай унда оз бўлса ҳам қимматли ҳужжатлар сақланиб қолган, жумладан, хоннинг иноятномалари - солиқлардан озод қилиш, ёки имтиёз бериш тўғрисида,

муборакномалари - хон хизматчиларини тайинлаш, аҳолини хашар ишларига жалб қилиш тўғрисида мавжуд. Архивдаги муҳим ҳужжат турларидан яна бири дафтарлар эди. Сақланиб қолган 151 та дафтар хонликнинг иқтисодий тарихини ёритишда муҳим манба ҳисобланади, чунки уларда солиқ йиғувчиларнинг ёзувлари, ҳисоботлари, хон саройидаги сарф-ҳаражатлар ва бошқа ёзувлар ўз аксини топган. Ҳужжатларнинг катта бир гуруҳини патталар, расмий фармойиш, молиявий ҳужжатлар ташкил этади. Айрим шахслар, хизматчиларнинг юқори лавозимидаги кишиларга - хонга, амалдорларга ёзган аризалари, мактублари ва бошқа ҳужжатлари ҳам архивда сақланиб қолган.

Қўқон хонлари архивининг тақдири ҳам Хива хонлари архивиники билан бир хил бўлган. Бу архив ҳам П.П. Иванов томонидан Хива хонлари архиви билан бирга топилган. Лекин у бу архивни илмий жихатдан баён қилмаган. Қўқон хонлари архивининг дастлабки тафсилотини 1957 йилда шарқшунос А.Л. Троицкая ёзган ва ҳужжатларининг таркиби ва мазмунини илм аҳлига маълум қилган[155]. Шу муаллиф томонидан Қўқон хонлари архивининг каталоги тузилган ва чоп этилган.[156] Қўқон хонлари архиви ҳам 1962 йили Хива хонлари архиви билан бирга Ўзбекистонга қайтарилди ва Марказий давлат архивида сақланмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, ўзбек халқининг бой маданий мероси, ёдгорликларини ташиб кетиш чор ҳукуматининг Ўрта Осиёдаги стратегик режаларига киритилган ва мустамлакачилик, талончилик сиёсатининг таркибий қисми бўлган эди. Чоризмнинг бу мақсади ўлкани забт этиш жараёнида кенг миқёсда амалга оширилди. Чор ҳукумати учун муҳим бўлган бу ишни ташкил қилишга алоҳида эътибор берилди. Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори, бир вақтнинг ўзида Туркистон ҳарбий округи қўмондони К.П. фон

---

[155] Троицкая А.Л. Архив кокандских ханов XIX в. (Предварительный обзор) // Восточный сборник. - Ленинград, 1957. Т. II. С. 185-209.
[156] Троицкая А.Л. Каталог архива кокандских ханов XIX века. - Москва: Наука, 1968.

Кауфман қўлёзма ёдгорликларни тўплаш ва Россия марказларига юборилишига бевосита раҳбарлик қилди. Қадимги қўлёзма асарларни ва бошқа ёдгорликларни тўплаш, ўрганиш ва пойтахт кутубхона, илмий марказларига жўнатиш ишлари билан шуғулланувчи генерал-губернатор ёрдамчиси лавозими жорий қилинган. Бундан ташқари барча вилоятлар ҳарбий губернаторлари ҳам бу ишга бош-қош бўлиб туришган.

Ўрта Осиё хонликлари, уларнинг марказ шаҳарлари забт этилганда Россия ҳарбий қўшинлари бошлиқларига моддий бойликлар билан бирга маданий бойликларни ҳам йиғиш топширилган. Ўзбек хонликлари босиб олиниши жараёнида хонлар, беклар саройларидан, мадраса, масжидлар кутубхоналаридан кўплаб қўлёзма асарлар, Хива ва Қўқон хонлари архивлари тортиб олиниб, Россияга юборилди. Ўрта Осиё ҳудудлари босиб олингандан кейин шарқшунос олимлар, осориатиқалар билан қизиқувчи давлат амалдорлари, зобитлари кўплаб қўлёзма асарларни, ҳужжатларни тўплаб Россияга ташиб кетдилар.

Рус шарқшуносларининг қўлёзма асарларни таржима қилиш, тадқиқ қилиш соҳасидаги хизматлари тахсинга лойиқ. Лекин уларнинг айримлари Чор ҳукуматининг Туркистонда мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшганлигини, қадимги қўлёзмаларни улар пайдо бўлган жойда - Туркистонда авайлаб асрашни ташкил қилиш ўрнига Россияга ташиб кетганлигини ҳеч оқлаб бўлмайди.

Ўрта Осиё хонликларининг подшо Россияси томонидан босиб олиниши ўзбек халқини кўплаб қўлёзма асарларидан ва ҳужжатларидан маҳрум қилди. Хонлар ва беклар саройларида, маҳаллий аҳоли қўлидан юзлаб Шарқ қўлёзмалари тортиб олинди ва Россия илмий марказларига юборилди. Россия босқини туфайли Хива ва Қўқон хонлари архивларига катта зиён етказилди. Бу архивларнинг

бир қисми рус қўшинларининг Хива ва Қўқон шаҳарларининг забт этиши жараёнида йўқолди.

3.2. Моддий маданият ёдгорликларининг талон-торож этилиши

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигининг қайта тикланиши муносабати билан жаҳон маданияти ютуқларига салмоқли ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг теран маданий ва маънавий меросини ўрганиш, тарғиб қилиш ва камол топтириш учун кенг имкониятлар яратилди. Мустақиллик, демократия шароитига хос халқ дунёқарашини шакллантириш, чинакам цивилизациялашган бозор муносабатларига ўтиш фақат юксак маънавият негизида амалга оширилади. Шу боисдан мустақил Ўзбекистон ҳукумати маънавий, руҳий тикланиш, покланиш муаммоларига алоҳида эътибор бермоқда. Халқимизнинг ўз тарихини, маданиятини билишига қизиқиши ортиб бораётган ҳозирги шароитда ўзбек халқининг моддий маданияти тарихини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги шаҳарларда, давлатларда маданият юксак даражада ривожланган эди. Ўша замонлардаёқ мураккаб меъморий мажмуалар, хашаматли ибодатхоналар барпо этилган, айниқса, ҳунармандчилик тараққий топган, бронза, кумушдан нафис заргарлик буюмлари, идишлар ясалган, сопол идишлар бўялиб, нақшлар билан безатилган. Архитектура, тасвирий ва амалий безак санъати бу ерда қадимдан мавжуд бўлган. Мўғуллар босқини даврида Бухоро, Самарқанд, Термиз, Урганч ва бошқа йирик шаҳарлар вайрон қилинган, санъат, ҳунармандчилик ва меъморчилик тушкунликка юз тутган бўлса-да, лекин кўп ўтмай Амир Темур даврида ва кейинги йилларда меъморлик, наққошлик ва санъатнинг бошқа турлари тикланди ва янада ривожланди. Самарқандда Шоҳи Зинда, Регистон архитектура ансамбллари вужудга келди. Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой, Кўк Гумбаз, Шамсиддин Кулол мақбараси, Жаҳонгир мақбараси, Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбараси ва бошқалар бетакрорлиги билан диққатга сазовордир. Бу даврдаги архитектура ёдгорликлари пишиқ

ғиштдан қурилиб, кошин ва ўймакорлик билан безатилди. Масжид, карвонсарой, хонақоҳ, мадрасалар ҳам серҳашам қилиб қурилди. Бадиий ҳунармандчилик, айниқса, кулолчилик, қандакорлик, мискарлик, заргарлик, ўймакорлик юксак даражага кўтарилди.

Туркистон маданиятининг қадимийлиги, бу ерда кўплаб тарихий ёдгорликларнинг мавжудлиги рус босқинчиларига маълум эди. Шунинг учун чор ҳукумати ўз олдига фақат Туркистонни босиб олиш, бу ердаги халқларни асоратга солишнигина эмас, балки уларнинг қадимий маданий бойликларини қўлга киритиш, талаб кетиш, улар билан Россия музейларини безаш мақсадини ҳам қўйганди.

Россия Туркистонни босиб олгандан кейин истилочилар ўзларининг ана шу мақсадларини амалга оширишга киришдилар ва маҳаллий халқларнинг тарихига оид моддий ва маънавий ёдгорликларини Россияга олиб кетиш чор ҳукумати сиёсатига айланди. Туркистон генерал-губернаторига ўлка халқлари маданияти ва санъати тарихини акс эттирувчи қимматбаҳо буюмларни Россия музейларига жўнатиш тўғрисида кўрсатмалар берилган.

Халқ маорифи вазири граф Деляновнинг 1889 йил 8 апрелда Туркистон генерал-губернаторига юборган хабарномасида ёзиладики, Император саройи вазирининг хабар қилишича Император олий жаноблари шундай амр қилган: «Империядаги давлат, жамоат ва ҳар хил ташкилотларга тегишли ерларда археологик қазиш ишлари ўтказиш ва рухсат бериш ҳуқуқи ёлғиз Император археология ҳайъатига берилсин. Шундай қазилмалар ўтказишни мўлжаллаган ташкилотлар ва шаҳарлар, у ёки бу ҳудудлардаги маҳаллий бошлиқлар билан келишилганлигидан қатъий назар, олдин Император археология ҳайъатининг рухсатини олишлари керак. Қазишлар натижасида кашф қилинган илмий жихатдан қимматбаҳо ва алоҳида аҳамиятга эга

буюмлар олий жанобларига кўрсатиш учун Император археология ҳайъатига жўнатилиши зарур»[157].

Императорнинг бу фармонига асосан ва бундан аввалги бошқа кўрсатмаларга амал қилиб, Туркистон генерал-губернатори ўлкада топилган диққатга сазовор, эътиборга лойиқ ҳар қандай миллий, моддий маданият ёдгорликлари, санъат асарларини Археология ҳайъатига жўнатар, ҳайъат мутахассислар ёрдамида ёдгорликларни кўриб чиқиб қимматбаҳоларини Россиянинг тегишли музейларига юборар эди.

Туркистон генерал-губернатори марказнинг фармонидан келиб чиқиб, вилоят ҳарбий губернаторларига ва бошқа фуқаро ва ҳарбий идораларга Археология ҳайъатининг маданий ёдгорликларни талаб қилиб ёзган илтимосномаларини сўзсиз бажариш тўғрисида кўрсатма берган. Маҳаллий идоралар жойларда топилган қадимги тарихий буюмларни Туркистон генерал-губернаторига хабар қилар эди ва унинг кўрсатмаси билан Петербургга Археология ҳайъатига жўнатар эди. Туркистон генерал-губернатори ҳузурида махсус Россия музейлари учун керакли коллекциялар йиғиш ва жўнатиш билан шуғулланадиган ходимлари ҳам бўлган. Шулардан энг асосийси шарқшунос А.Л. Кун эди.

Ҳужжатлар шундан далолат берадики, Туркистоннинг маданий бойликларини ташиб кетиш масаласи шахсан генерал-губернатор фон Кауфманнинг диққат марказида турган ва унинг ўзи бу ишга раҳнамолик қилган. Буни қуйидаги фактлардан ҳам кўриш мумкин. 1870 йилнинг ўрталарида фон Кауфман А.Л. Кунга маҳаллий халқнинг маданий ёдгорликлари билан бир қаторда Самарқанддаги қадимги меъморчилик ёдгорликларидан хилма-хил кошинлар, чиннига ўхшатиб ишланган, ялтироқ, нақшли ғишт плиткаларидан Эрмитаж учун намуналар йиғишни топширган. А.Л. Кун 1870 йил 9 октябрда

[157] ЎзР МДА, 1-ф., 15-р., 389-иш, 154-в.

К.П. фон Кауфманга ёзган 80-рақамли маърузаномасида бу топшириқни бажарганлиги тўғрисида ахборот беради. Мазкур ахборотдан А. Куннинг бундан олдин фон Кауфманга ўзининг асосий вазифаси, яъни Туркистоннинг маънавий бойликларини тўплаш ва Россияга жўнатиш бўйича ҳисобот тарзида 79-рақамли маърузаномани юборганлиги маълум бўлади. Ундан ҳам аввалги 78-рақамли маърузаномада эса А.Л. Кун К.П. фон Кауфманга Искандаркўл экспедицияси вақтида ва Шаҳрисабздан тўпланган материаллар тўғрисида маълумот беради. Афсуски, А.Л. Куннинг 1870 йилгача ёзган ҳамма маърузаномалари Тошкентдаги архивда сақланиб қолмаган. Фақат юқорида кўрсатилган айрим ҳужжатларгина сақланган. Биз таҳлил қилмоқчи бўлган 80-рақамли маърузаномада А.Л. Кун Кауфманга шундай деб, ёзган: «Император Эрмитажи учун Самарқанд ҳаробаларидан сирланган кошинлар коллекциясини тайёрлаш тўғрисида сиз олий жанобларининг буйруғингизга асосан подполковник Богаевский билан бирга тузилган коллекциянинг рўйхатини тақдим этаман ва уни жўнатиш ҳақида келгуси фармойишингизни сўрайман. Коллекция тайёрланган яшиклар ва жойлаш учун зарур пахта билан Жиззах темир йўли мухандислик дистанциясига, подполковник Богаевскийга топширилди. У кошинларни 1 декабргача, яъни улардан расмлар тайёрлангунга қадар Самарқанд шаҳрида қолдиришни илтимос қилди.

Кошинлар Шоҳи Зинда мақбаралари, Бибихоним мақбараси ва Гўри Амирдан йиғилган. Охирги бинодан кошинлардан ташқари ўйма нақшли ёғоч эшикнинг қолган ярми керак бўлмаганлиги учун олинди»[158]. Ҳужжатдан кўриниб турибдики, бу иш Кауфман буйруғи билан бажарилган. У тарихий ёдгорликларни, қўлёзма асарларни, лингвистик, географик материалларни, қўлёзма ҳужжатларни ва бошқа миллий ва маънавий бойликларни йиғиб Россияга юборишга жиддий эътибор қилган. Бу муҳим ишни бажариш тўғрисида Кауфман фар-

[158] ЎзР МДА, 1-ф., 15-р., 69-иш, 70-в.

мойишлар бериб турган, уларнинг бажарилишини кузатиб борган, натижаси билан қизиққан ва тўпланган материалларни Петербургга, илмий маърифий муассасаларга юбориш тўғрисида аниқ кўрсатмалар берган. Бу иш билан Туркистон генерал-губернаторининг шахсан ўзи шуғулланганлиги, ижрочи ходимларга, маҳаллий идораларга ташлаб қўйилмаганлиги, уларни бу соҳадаги фаолиятини юқоридан қатъий назорат қилиб турилиши ўлка халқларининг миллий маданий бойликларининг Россияга ташиб кетиш масаласига чор ҳукумати томонидан алоҳида аҳамият берилганлигидан далолат беради.

1870 йил Хўжанд шаҳри руслар томонидан босиб олингандан кейин шаҳар коменданти қилиб тайинланган полковник Г. Фавицкий шаҳар бошлиғининг розилигини олиб, аҳолига эски шаҳардаги тепаликни қазишни, тарихий аҳамиятга эга бўлган эски буюмларни олиб келишни буюрган ва бу буюмларни ҳар бирига ҳақ тўлашини айтган[159]. Босқинчилик уруши туфайли қашшоқлашган шаҳар аҳолиси бу хабарни эшитиб, пул ишлаш мақсадида тепаликни кавлаб, эски буюмларни қидира бошладилар. Бундай хазина қидирувчилар 2 000 га яқин эди. Улар топган сопол идишларни, олтин, мис, металл тангаларнинг асосий қисмини Г. Фавицкийга олиб келиб берганлар. Бир қисмини бозорда сотганлар[160].

Бу воқеани Туркистон генерал-губернаторининг археологик қазишлар бўйича масъул ходими шарқшунос А.Л. Кун текширди. Г. Фавицкий тўпланган тарихий буюмларни Петербургга жўнатиш учун рўйхат тузиб, ундан олди. А.Л. Кун бозордан, қазиш ишида қатнашган аҳолидан 5 та қадимий олтин танга сотиб олди. А.Л. Кун 1871 йил 11 январда Кауфманга ёзган маърузаномасида шундай деган: «Эски Ҳўжандни қазиш натижасида топилган, Ҳўжанд аҳолисидан сотиб олинган эски буюмларнинг тузилган руйхатини, эски Ҳўжанд

[159] ЎзР МДА, 1-ф., 15-р., 69-иш, 110-112-в.
[160] Ўша жойда.

ҳақидаги маълумотномани сизга юбораман ва сиздан Петербургдаги бирор илмий жамиятга жўнатишингизни илтимос қиламан»[161]. Ушбу маърузаномага К.П. Кауфман қуйидаги резолюцияни ёзган: «Археология ҳайъатига юборилсин»[162]. Генерал-губернаторнинг топшириғи билан Ҳўжанддан топилган моддий маданият буюмлари Петербургга юборилган.

Туркистон халқларининг тарихий маданий ёдгорликлари ҳисобланган қимматбаҳо буюмлар Россияга чор маъмурлари томонидан тўғридан - тўғри ташиб кетишдан ташқари бошқа турли йўллар билан ҳам олиб кетилган. Масалан, XIX аср охири ва XX аср бошларида Россиянинг йирик шаҳарларида кўргазмалар ташкил этилиб, уларда Туркистон ўлкаси халқларининг ноёб буюмлари, маҳсулотлари намойиш қилинган[163]. Мазкур тарихий, моддий-маънавий обидалар, нодир буюмлар ҳаваскорлар томонидан сотиб олиниб, ўша шаҳарда шахсий коллекцияларда қолиб кетар эди.

1870 йилда Петербургда очилган Бутунроссия мануфактура кўргазмаси таркибидаги Туркистон бўлимини императорнинг хотини ҳам томоша қилган ва у ердаги айрим нодир буюмларни ёқтириб қолган. Кўргазманинг Туркистон бўлими бошлиғи орқали бундан хабардор бўлган Туркистон генерал-губернатори ўз девонхонаси бошлиғи генерал-майор А.И. Гомзин воситасида бу буюмларни императорнинг хотинига совға қилган.[164] Шу сингари кўргазмаларга қўйилган ўзбек халқининг маданий ёдгорликлари уларни ёқтириб қолган давлат амалдорларига совға сифатида тортиқ қилиб юборилган.

1900 йилда Парижда ташкил қилинган жаҳон кўргазмасида Бухоро хонлигидан ноёб ёдгорликлар, жумладан, амир хазинасидан олинган 300 дан ортиқ нодир буюмлар Бухоро ҳунармандларининг

---

[161] Ўша жойда, 113-в.
[162] ЎзР МДА, 1-ф., 15-р., 69-иш, 113-в.
[163] Чабров Г.Н. Выставочная работа в Туркестанском крае (1865 - 1916) // Труды Музея истории Узбекской ССР. - Ташкент, 1970. Вып. III. Б. 118.
[164] ЎзР МДА, 1-ф., 20-р., 2952-иш, 4-5-в.

юксак диди ва нозик санъатини намойиш қилиб, Париж ва бошқа Европа давлатлари санъатсеварларини ўзининг гўзаллиги ва қимматбаҳолиги билан ҳайратга солди. Улар орасида тилла ва қимматбаҳо тошлар билан ясалган қуроллар, от эгар жабдуқлари, заргарлик буюмлари, тилла иплар билан тикилган зарбоф чопонлар ва Бухоро, Шаҳрисабз, Китоб, Самарқандда тикилган кашта палак ва чайшаблар бор эди[165].

Туркистон генерал-губернатори хонликлардан, ўлка вилоятлари, шаҳар ва қишлоқларидан осори-атиқа буюмларини тўплаб тортиб олиш мақсадида ҳар хил доирада хилма-хил кўргазмалар ташкил қилишни кенгайтирди. Бу кўргазмаларга нодир буюмларни йиғишга Туркистон генерал-губернаторининг буйруғи билан вилоят ҳарбий губернаторлари, шаҳар бошлиқлари раҳбарлик қилиб турган. Бу кўргазмаларнинг экспонатлари Туркистон генерал-губернатори ихтиёрига ўтар эди. Бу экспонатларнинг энг муҳимларини Россия музейларига ташиб кетилар эди.

1876 - 1878 йиллар мобайнида ўлка миқёсида 5 та, 1878 - 1888 йилларда 2 та кўргазма ташкил қилинган. 1909 йили энг йирик кўргазма Тошкентда «Туркистон фани, саноати, қишлоқ хўжалигининг 25 йиллиги кўргазмаси» номи билан очилди. Тошкентда 1911 йили 13 та, 1912 йили 2 та, 1915 йили 2 та, 1916 йили 1 та бадиий кўргазма уюштирилди. Булардан ташқари 7 марта Умумроссия (1870 - 1913 йиллар) ва 10 марта жаҳон (1873-1914 йиллар) кўргазмаларида Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги Россиянинг бир қисми сифатида қатнашдилар.[166] Бу кўргазмаларда намойиш этилган нодир экспонатлар одатда Петербург ва Москвага жўнатилиб, подшо саройлари ва музей фондларига берилди.

---

[165] Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане... С. 45.
[166] Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари:... Б. 379.

Хива хонлиги босиб олганда, Муҳаммад Раҳимхон саройидан қўлёзма китоблар, архив ҳужжатлари билан бирга музейлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган материллар ҳам Туркистон генерал-губернаторининг бу соҳа бўйича мутахассис ходими, шарқшунос А.Л. Кун томонидан тўпланиб Тошкентга, кейин Петербургга олиб кетилган эди. Тарих, музейшунослик фанлари учун бебаҳо манба ҳисобланган бу нодир ёдгорликлар нималардан иборат эканлиги А.Л. Куннинг 1873 йил октябрда Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфманга ёзган маърузаномасида аниқ баён этилган. У Хивада қўлга туширилган маданий бойликларни шундай таърифлаган: «Юқорида келтирилган қоллекциялардан ташқари фан учун аҳамиятга эга бўлган қуйидаги буюмлар олиб келинган:

1. Хива хонлигида тангалар чеканка қилиш учун ишлатилган қолиплар - тўрт пудча (200 дона). Бу қолиплар шу вақтгача номаълум бўлган, бир неча янги тип Ўрта Осиё тангаларини нумизматика учун кашф этади.

2. Бир боғлам Хива хонларининг муҳрлари - 25 дона. Улардан 5 таси кумуш, қолганлари олтин.

3. Хива хонларининг тахти. Ташқи кўринишдан у бизнинг қадимги рус боярларининг креслосига ўхшайди. Кресло суянчиғининг юқори қисмига ёзув чўкичланган, унда тахт қачон ва қайси хон буйруғи билан ясалганлиги кўрсатилган.

4. Жўжи тангалари (172 дона) ва қўнғирот сулоласининг Хива хонлари Алиқулихон, Муҳаммад Раҳимхон, Мадаминхон, Саидмуҳаммадхон давридаги тангалари - уч нусхадан.

5. Хон саройининг этнографик буюмлари:

а) Иккита чимилдиқ - парда тўри, тўй маросимларида ишлатилади.

б) Хива хони кенжа ўғлининг кийими.

в) Аёлларнинг кумуш зеб-зийнатлари, икки нусхадан, жумладан: зирак, билакузук, тиллақош ва шунга ўхшаш буюмлар.

г) Хивалик аёл ва эркакнинг тўла кийимлари.

Илмий аҳамиятга эга бўлган санаб ўтилган коллекциялардан қатъий назар, мен Хива оазиси тўғрисида этнография, филология, статистика ва тарихга оид маълумотлар тўпладим.

Барча йиғилганларга яна сапёр капитани Д.М. Резвий Урганчдан олиб келиб менга берган бир неча кошин плиталарни ва Бухоро орқали Тошкентга қайтишидаги экспедиция вақтида у уй анжоми, кийимлар, қалъа ва уларнинг вайроналарининг кўринишининг расмларини ва қалъаларни плани кесмасини қўшиб юбориш керак. Бу расмларни баёнини тузиш мўлжалланмоқда».[167]

Маърузаномада келтирилган ёдгорликлар рўйхатидан кўриниб турибдики, музейлар учун ноёб буюмлар, фан учун муҳим манбалар Хива хони саройидан талаб олинган. Улар Хива хонлиги тарихи учун бебаҳо материаллар эди. Лекин бу қимматли илмий аҳамиятга эга бўлган тарихий манбалар Хива ёки Тошкент музейларини безаш учун берилмади. Улар Петербургдаги музейларга олиб кетилди. Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон саройидан урушда ўлжа қилиб олинган ёдгорликларни Туркистон генерал-губернатори Эрмитажга (асосан этнографик буюмлар), Археология ҳайъатига юборди[168].

1874 йил апрелда Кауфман ўзи ва генерал Абрамов Самарқанд-да тўплаган қадимги тангаларини А.Л. Кун Хива хони саройидан олиб келган нумизматика ва лингвистика материалларига қўшиб Петербург-га, Археология ҳайъатига жўнатган эди. Бу жуда қимматбаҳо туҳфани олган Археология ҳайъати раиси 1874 йил 18 майда К.П. Кауфманга миннатдорчилик мактуби йўллаган эди. Бу ҳужжатда Туркистондан

[167] ЎзР МДА, 1-ф., 20-р., 6785-иш, 10-11-в.
[168] Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане... С. 43.

қандай тарихий манбалар олганлиги, аниқ кўрсатилади. Унда шундай дейилган; «Жаноби олийлари Константин Петрович. Сиз жаноблари лутф айлаб, шу йил 23 апрелда 640-рақамли хат билан бирга Археология ҳайъатига сизнинг топшириғингиз билан сарой маслахатчиси А.Л. Кун йиққан охирги Хива хонларининг кумуш ва олтин муҳрлари, темурийлар сулоласининг кумуш тангалари, сўнгги Хива хонларининг кумуш тангалари, Хива тангаларининг қолиплари, шунингдек, эрамиздан аввалги III асрдан ҳозирги асргача бўлган даврга оид ҳар хил Шарқ тангалари ва сиз жаноблари, генерал А. Абрамов тўплаган ва бундан ташқари Қалъа ва Афросиёб, деб номланган Самарқанд яқинидаги жойлардан топилган баъзи бир тангаларни юбордингиз.

Сиз жанобларига Археология ҳайъати номидан ғоят ажойиб тарих ва нумизматикага оид коллекция жўнатганлигингиз учун самимий ташаккур билдириш билан бирга, яна айтмоқчиманки, уни ҳайъатда аниқ ва баён қилингандан кейин Хива хонлари муҳрлари, Император Эрмитажининг минцкабинетида бўлмаган тангалар ҳайъат томонидан унга берилади, бошқа тангалар, қолиплар Император Фанлар академиясига, унинг Осиё музейи учун тақдим этилади.

Фанимиз мақсадларига сиз жанобларининг маърифатли хайрихоҳлигингиз туфайли сиз бошқараётган ўлкада топилган осори-атиқаларни Археология ҳайъати бир неча бор олди. Бу буюмларнинг кўп қисмини сизнинг топшириғингиз билан ҳузурингиздаги сарой маслахатчиси А.Л. Кун йиққан ва айрим ёдгорликларни баёнини ёзган. Шунинг учун жаноб Кунга Хива экспедицияси вақтида тангаларни йиғиш бўйича қилган меҳнати учун ҳайъат номидан миннатдорчилик билдириб қўйишингизни илтимос қилишни ўзимнинг бурчим, деб ҳисоблайман»[169].

Бу архив ҳужжати Туркистон генерал-губернатори Россияга ноёб қадимги ёдгорликларни жўнатганлигини, уларни таркибини,

[169] ЎзР МДА, 1-ф., 20-р., 6325-иш, 1-2-в.

айнан ўзининг номларини, айримларини қисқа баёнини аниқ кўрсатиб турибди. Ўзбек халқи ўтмишни ёритувчи бу муҳим илмий манбалардан жудо бўлди. Археология ҳайъати мактубидаги яна бир муҳим маълумот шуки, бу юборилган коллекциядан олдин ҳам такрор-такрор, бир неча марта шундай ноёб буюмлар олганлиги таъкидланади. Бу маълумот Хива ҳарбий экспедициясидан олдинги ҳарбий юришлар натижасида ва махсус қидирув ишлари туфайли қўлга туширилган ўлканинг қадимий ва ноёб буюмлари Россиянинг музейларига қайта-қайта юбориб турилганлигидан далолат беради.

Айрим шахслар томонидан ер, канал, ариқ қазиш ва бошқа ишлар натижасида топилган танга хазиналари, осори-атиқалари Археология ҳайъатига жўнатилиши шарт эди. Бу тўғрида ҳукумат томонидан махсус фармойиш ҳам чиқарилган эди[170]. Археология ҳайъати топилган танга ва бошқа тарихий ёдгорликларни илмий аҳамиятини аниқлаб давлат музейлари учун керак, деб ҳисоблаганларини нархини белгилар эди. Бу хазина ва бошқа ноёб тарихий нарсаларни топган шахсга мукофот ҳақини тўлар эди. Айрим ҳолларда маҳаллий давлат идораси - Туркистон генерал-губернатори давлат хазинасидан тўлар эди. Археология ҳайъати илмий аҳамияти йўқ, деб топилган қадимги буюмларни унинг эгасига қайтариб юборар эди. Археология ҳайъатининг кўрсатмаларидан бирида топилган хазина ва бошқа тарихий осори-атиқаларни қисм-бўлакларга бўлмасдан тўла, қандай бўлса шундайлигича жўнатилиши талаб қилинган. Ер остидан топилган хазиналарнинг ва бошқа ёдгорликларнинг Археология ҳайъатига топшириш тўғрисидаги тартиб-қоидалар маҳаллий аҳолига миллий тилда етказилган, тарқатилган эди[171].

1882 йил 9 августда Туркистон генерал-губернатори девонхонаси ўлка бош бошлиғининг топшириғи билан Чимкент уездининг

[170] ЎзР МДА, 1-ф., 15-р., 389-иш, 154-в
[171] Ўша жойда, 17-в

Сайрам қишлоғида топилган Шарқ кумуш тангалари хазинасини Петербургдаги Археология ҳайъатига юборди. Ҳайъат бу тангаларни ўрганиб чиқиб, уларни ноёб, деб топди ва ҳазинани топган одамга ўша давр ҳисобида катта пул - 113 рубл беришга қарор қилди. Археология ҳайъати раиси 1882 йил 14 декабрда Туркистон генерал - губернатори М.Г. Черняевга ёзган хатида ҳазинани топган кишига тегишли пулни жўнатганлигини хабар қилиб яна шундай деган: «Сизга ишониб топширилган ўлкада тасодифан топилган тангалар ҳазиналари ва осори-атиқаларини бундан кейин ҳам ҳайъатга юбориб туришингизни сиз жанобларидан ўтиниб сўрайман». [172]

Археология ҳайъати илтимосини, айни вақтда чор ҳукумати топшириғини ҳисобга олиб, Туркистондаги рус маъмурлари топилган тарихий ёдгорликларни мунтазам равишда Россияга жўнатиб турди. 1885 йилда Самарқандда Шоҳи Зинда масжиди олдидаги ерни хиёбон қилиш учун текислаётган Кўк Яшир исмли киши 276 та қадимги мис тангаларини топиб олди. Бу тангалар Зарафшон округи бошлиғига топширилди. Ўша вақтда илмий ишлар сафарида Самарқандда бўлган профессор Н.И. Веселовский 220 та тангани сўраб олиб ўрганиб чиқди. Унинг хулосасига кўра бу тангалар Шайбонийлар сулоласи (1517 - 1518 йиллар) даврида зарб қилинган[173]. Бу тангаларни Зарафшон округи бошлиғи Туркистон генерал-губернаторига, у ўз навбатида Археология ҳайъатига юборди. Хазинани топган одамга 10 рубл мукофот берган.

1887 йилда Фарғона вилояти, Наманган уезди, Янгиқўрғон қишлоғига яқин жойда, Нурмуҳаммад бойнинг ерида Ислом Қаландар ва Темирбойлар ишлаётиб хумда битта кумуш ва бир пуд 8 фунт мис тангалар хазинасини топиб олдилар. Бу тангалар Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборилди. У топилган тангаларни 1887 йил 16 октябрда Туркистон генерал-губернаторига жўнатди. Туркистон ге-

[172] ЎзР МДА, 1-ф., 15-р., 389-иш, 17-в.
[173] Ўша жойда, 37-в.

нерал-губернатори бу тангаларнинг аҳамиятини аниқлаш учун Археология ҳайъатига юборди[174]. Тангаларнинг эгаси Нурмуҳаммадбойга Туркистон генерал-губернатори 10 рубл мукофот берди.

Туркистон маҳаллий аҳолиси орасида ҳам коллекционерлар, ноёб осори-атиқаларни, ўлкамиз, халқимиз тарихига оид турли буюмларни тўпловчилар бор эди. Уларнинг коллекцияларидаги нодир тарихий ёдгорликларни рус маъмурлари ҳар хил йўллар билан тортиб олиб, Россияга жўнатар эди. Бу ҳам чор ҳукумати идораларининг Туркистон халқлари маданий, маънавий бойликларини талашнинг шаклларидан, йўлларидан бири эди.

Самарқандда яшовчи Мирзо Бухорий Мирза Абдуллинов тарихий ёдгорликларга ишқибоз бўлган. У 2-гилдия савдогари эди. Мирзо Бухорий қадимги буюмларни, тангаларни сотиб олиб, бой коллекция ташкил қилган эди. Унинг коллекционер сифатида Самарқандда номи машҳур эди. Бундан хабар топган Туркистон генерал-губернатори 1888 йил 17 августда Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторига махсус хат йўллаб, Мирзо Бухорий билан гаплашиб, унинг коллекцияларининг илмий-тарихий аҳамиятини аниқлаш ва кераклиларини сотиб олиш учун Петербургга юбориш тўғрисида унинг розилигини олишни илтимос қилди[175]. Самарқанд вилояти ҳарбий губернатори 1888 йил 10 сентябрда Туркистон генерал-губернатори девонхонасига ёзган хатида Мирзо Бухорий Туркистон генерал-губернатори таклифига рози бўлганлигини ва барча қадимги тангалар, буюмларни илова қилинган рўйхат бўйича унга топширганлигини хабар қилди. Хатда яна шундай дейилган: «Император Археология ҳайъати фикри бўйича белгиланган нархга нарсаларни давлат фойдасига топширишга розилигини билдирди. Шу билан бирга нарсаларни Петербургга етказиб беришни ва бир қис-

[174] ЎзР МДА, 1-ф., 15-р., 389-иш, 90-в.
[175] Ўша жойда, 108-в

мини, керак бўлмаса орқага қайтариб жўнатишни давлат ҳисобидан бўлишини илтимос қилди. Бу тўғрисида ўлканинг бош бошлиғи девонхонасига Олий жанобларига маъруза қилиш учун хабар қиляпман ва яна айтмоқчиманки, Бухорий топширган қадимий буюмлар хатнинг орқасидан юборилади»[176]. Тез кунда Мирзо Бухорий Абдуллиновнинг қадимги буюмлар ва бошқа нарсалари Самарқанддан Тошкентга Туркистон генерал-губернатори девонхонаси ихтиёрига 6 та яшикда эҳтиёткорлик билан жойлаштирилган ҳолда етказиб келинди. Туркистон генерал-губернатори вазифасини бажарувчи Н.О. Розенбахнинг топшириғи билан бу 6 яшик тарихий материаллар 1888 йил 21 октябрда Археология ҳайъатига юборилди[177].

Петербургга жўнатилган Мирзо Бухорийнинг қадимги осориатиқаларининг рўйхати архивда сақланиб қолган. Шу туфайли бу нодир коллекция таркиби бизгача етиб келган. Бу ҳужжатга асосан Археология ҳайъатига 6 247 дона 50 хилдан ортиқ буюмлар юборилган. Буларнинг таркибида 300 га яқин антик олтин ва кумуш тангалар, жумладан, Греция, Ўрта Осиё тангалари, кишилар боши ва бошқа фигуралар тасвирланган кумуш тангалар бўлган. Мис тангалар жуда кўп эди. Иккита қопда 4 360 дона ва учинчи қопда 532 дона мис тангалар юборилган. Коллекция таркибида 27 дона одамлар тасвирланган, куфа ёзувлари ўйилган ҳар хил рангли тошлар мавжуд эди. Юборилган нарсаларнинг бир қисмини аёллар зеб-зийнатлари, асил тош кўзли расмлар, арабча ёзувлар билан безалган олтин узук, зираклар ташкил қилган. Расмлар, куфа ёзувлар ва безаклари бор мис кўзгу, ваза, ликопча, муҳрлар, шиша буюмлар, катта ва кичик сопол кўзалар ва лойдан ясалган буюмлар анча бор эди. Юборилган нарсалар орасида 655 дона ҳар хил қадимги ўйинчоқлар борлиги рўйхатда қайд этилган. Шу каби нодир буюмлар Петербургга жўнатилган эди[178].

---

[176] ЎзР МДА, 1-ф., 15-р., 389-иш, 37-в..
[177] Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане... С. 48.
[178] ЎзР МДА, 1-ф., 15-р., 389-иш, 109-110-в.

Ҳайъат Мирзо Бухорийнинг коллекциясини синчиковлик билан ўрганиб чиқди. Музейлар учун, илм-фан учун қимматли ва нодир қадимий ёдгорликларни танлаб олиб, Петербургда қолдирган. Қолганларини Мирзо Бухорийга топшириш учун Тошкентга қайтариб жўнатиб юборган. Археология ҳайъати раисининг 1889 йил 27 мартда Туркистон генерал-губернатори девонхонасига ёзилган хатида шундай дейилган: «Ўтган йил 21 октябрдаги 4984-рақамли хат билан девонхона Император Археология ҳайъатига Самарқандда яшовчи Мирзо Бухорийнинг сотиб олган осори-атиқаларини юборган эди.

Мирзо Бухорийга қайтариб бериш учун юборилган нарсаларнинг кўп қисми А, Б, В ва Г литерли 5 той юкни девонхонага қайтариб юборди. Булардан бошқа буюмларни Археология ҳайъати уч юз рублга баҳолади. Юқорида кўрсатилган пулга жаноб Бухорий олиб қолинган буюмларни беришга рози бўлса, шу заҳотиёқ пул унга жўнатилади. Бу ҳақида унга хабар қилишингизни сўрайман».[179]

Туркистон генерал-губернатори девонхонаси Археология ҳайъати хатининг мазмунини Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторига ва у ўз навбатида Мирзо Бухорийга билдирди. Петербургдан юборилган коллекциянинг қолган қисмини Тошкентдаги девонхона олиб, Самарқанд вилоят ҳарбий губернаторга хат билан бирга жўнатди. Самарқанд вилоят ҳарбий губернатори 1889 йил 12 июнда девонхонага ёзган жавоб хатида шундай деган: «Ўлка бош бошлиғининг девонхонасига билдираманки, Самарқандда яшовчи Мирзо Бухорийга тегишли беш той қадимги буюмларни олдим ва эгасига топширдим. Мирзо Бухорийга Археология ҳайъати хатини мазмунини хабар қилдим. У бунга 7 июнда ёзган аризасида Император Археология ҳайъатида қолган қадимги нарсаларига 300 рубл олишга розилигини билдирди»[180].

[179] ЎзР МДА, 1-ф., 15-р., 389-иш, 146-в.
[180] Ўша жойда, 155-в.

Ҳужжатлар шундан далолат берадики, маҳаллий коллекционер Мирзо Бухорийнинг нодир коллекциясининг энг қимматли қисмини Петербургда Археология ҳайъати олиб қолган. Ўзбек халқининг мулки ҳисобланган бу ноёб қадимий осори-атиқаларни Мирзо Бухорий ўз ташаббуси билан эмас, Туркистон генерал-губернаторининг тазйиқи билан топширишга мажбур бўлди.

Чор ҳукумати фақат Туркистондагина эмас, Бухоро амирлигидан, Хива хонлигидан топилган хазиналарни ҳам, энг нодир ёдгорликларни ҳам Россияга олиб кетиш чораларини кўрди. 1888 йил ноябрда Бухоро амирлигида қимматли хазина топилганлигидан хабар топган Туркистон генерал-губернатори Бухородаги Россия сиёсий агентига танга ва буюмларни Археология ҳайъатига юбориш учун Тошкентга, девонхонага жўнатишни илтимос қилган эди. Бухородаги Россия сиёсий агенти 1889 йил 29 апрелда Туркистон генерал-губернаторига хат билан айтилган танга ва буюмларни Тошкентга юборди. Сиёсий агент ўз мактубида қуйидагиларни хабар қилган: «Девонхонанинг 1888 йил 28 ноябрдаги 5525-рақамли хатига асосан илова қилинган рўйхатда кўрсатилган танга ва буюмларни жўнатмоқдаман. Қўшимча қилиб шуни айтмоқчиманки, мазкур буюмлар 1888 йил баҳорида Амударёнинг Керкага кечиб ўтиш жойида, Бухоронинг Керка шаҳри яқинида жойлашган тепаликда муҳандислик ишлари олиб бориш жараёнида ер тагидан топилди. Бу буюмларни менга Самарқанд муҳандислик дистанцияси бошлиғи, полковник Павлов Петербургга Император Археология ҳайъатига совға қилиш учун топширди»[181]. Петербургга юборилган хазина таркибида қадимги 2 дона олтин ва 31 дона кумуш танга, сопол идиш, металлдан тайёрланган кели, келисоп, қозон, жомлар бор эди[182].

[181] ЎзР МДА, 1-ф., 15-р., 389-иш, 145-в.
[182] Ўша жойда.

Туркистон генерал-губернатори девонхонаси 1891 йил 11 сентябрда Археология ҳайъатига Самарқанд уезди Ишим-Оқсой волости Тутин қишлоғида Холмирза Муҳаммад Солихов топган қирқ етти дона олтин тангани етказиб берди. Бу тангалар Бухоро тангалари бўлиб, 1745 - 1780 йилларга оид бўлган. Ҳайъат текшириб 4 дона нумизматикага аҳамияти бор олтин тангаларни танлаб олди ва Эрмитажга топширди. Археология ҳайъати олиб қолган тангалар учун уни топган одамга 31 рубл юборди.[183]

Археология ҳайъати, Туркистон генерал-губернатори, вилоят ҳарбий губернаторлари ва бошқа рус маъмурлари ўлка маданий бойликларини таладилар. Нодир тарихий ёдгорликларни зўравонлик йўли билан маҳаллий, маданий муассасалардан, одамлардан тортиб олган. Чор ҳукуматининг Туркистондаги маъмурлари, Археология ҳайъати Аҳмад Яссавий мақбарасидаги ноёб ёдгорликларни зўрлик ишлатиб Эрмитажга олиб кетишга ҳаракат қилган.

Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси Амир Темур буйруғи билан XIV аср охири XV аср бошларида қурилган. Бу улкан ва ҳашаматли мақбарага Амур Темур 2 тоннали дошқозон, 6 та шамдон вақф қилган. Бу шамдонлар олтин, кумуш, қизил мис, руҳ, қўрғошинлар билан безатилган эди. Бу шамдонлар нодир санъат асари ҳисобланар эди.

Аҳмад Яссавий мақбарасини қурдирган Амир Темур мақбара шайхларини, хизматчиларини моддий жиҳатдан таъминлаб туриш ва уни таъмирлаш, атрофларини ободонлаштириш учун мақбара атрофидаги бир неча қишлоқларни суғориладиган экин ерлари, мевали боғлари, ерларни суғориладиган анҳорлар билан бирга вақф қилган эди. Мақбаранинг бир неча минг гектар вақф ерларидан катта даромад олинган. Бу даромаддан фойдаланиб мақбарада 200 га яқин руҳонийлар хизмат қилган. Улар мақбарани вақти келганда таъмирлаб турган. Шамдон, дошқозон каби вақф мулкларини эҳтиёт қилиб

[183] ЎзР МДА, 1-ф., 15-р., 389-иш, 206-в.

сақлаган, вақф ерларидан фойдаланишни ташкил қилган. Бу вақф мулклар даромадидан мақбара хизматчиларидан ташқари Аҳмад Яссавий уруғ авлодлари ҳам фойдаланиб келганлар[184].

Амир Темур вақф қилган дошқозон ва каттакон, баланд нозик ишланган олтин ва кумушлар билан қопланган шамдонлар Аҳмад Яссавий мақбарасининг вақф мулки бўлганлиги учун руҳонийлар асрлар давомида авайлаб сақлаб келдилар. Шариат қоида-қонунларига кўра вақф мулки муқаддас хисобланиб ҳеч ким тегмаган эди. Вақфни хаттоки хонлар ҳам мусодара қилиб олиши мумкин эмас эди. Шу сабабли у нодир санъат асарлари кўплаб хонлар, бекларни диққат-эътиборини ўзига жалб қилган бўлса ҳам, йўқолмасдан Россия босқинига қадар етиб келган.

Чор ҳукумати маҳаллий мусулмон аҳолисининг миллий урф-одатларини, шариат қоида тартибларини менсимай, улар билан ҳисоблашмай Амир Темур Аҳмад Яссавий мақбарасига вақф қилган санъат асарлари-шамдонларни зўрлик билан тортиб олишга ҳаракат қилди. 1906 йил 11 декабрда Император Археология ҳайъати Туркистон генерал-губернаторига махсус хат йўллаб Аҳмад Яссавий мақбарасидаги нодир шамдонларни Петербургдаги Эрмитажга жўнатишни талаб қилган. Зарур бўлса мақбара шайхларидан шамдонларни пулга сотиб олиш ҳам мумкинлигини айтган. Лекин генерал-губернатор амалдорларига шайхлар шамдонларни сотиш мумкин эмаслигини айтганлар. Шундан кейин шайхлардан шамдонларни ўрганиш ва нашрга тайёрлаш учун вақтинча фойдаланишга Петербургга жўнатишни талаб қилади ва жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатларни Археология ҳайъати ўз бўйнига олади. Шайхлар бу таклифга ҳам кўнмайди ва вақф мулки ҳисобланган шамдонларни вақтинча фойдаланишга бировларга бериш мумкин эмас, деб жавоб қилдилар.

---

[184] Тошматов Э. Амир Темур совғаси // Фан ва турмуш. - 1990. - № 11. Б. 15.

Аҳмад Яссавий мақбарасига Амир Темур туҳфа қилган нақшдор шамдонларни шайхлардан расмий йўл билан ола олмагандан кейин чор амалдорлари шайхларга ҳарбийлар, полиция ёрдамида тазйиқ ўтказиб, шариат қоида-қонунлари билан, мақбара хўжалари фикрлари билан ҳисоблашмай уларни шамдонларни беришга мажбур қилдилар ва ниҳоят дастлабки ҳаракатлардан 6 йил ўтгандан кейин 1912 йилда Археология ҳайъати Туркистон генерал-губернатори А.И. Самсонов ёрдамида шамдонларни олдилар. Туркистон генерал-губернатори Сирдарё ҳарбий губернатори орқали полиция аралашувида шамдонларни мақбара шайхларидан тортиб олди ва 1912 йил июнь ойида Петербургга жўнатди.[185]

Юқорида келтирилган фактлардан кўриниб турибдики, маданий ёдгорликларни, нодир осори-атиқаларни Туркистон халқларидан тортиб олиб кетиш осон бўлмаган. Маҳаллий халқлар ўтмишига оид тарихий ёдгорликларни қадрлаганлар ва ўз ихтиёрлари билан бермаганлар. Туркистон генерал-губернатори, уларнинг амалдорлари марказнинг топшириғи билан ўлканинг хилма-хил маданият, санъат асарларини аҳолидан, ташкилотлардан куч ишлатиб, зўрлаб тортиб олиб Россиянинг музейларига жўнатишган. Шундай қилиб, Россия босқинидан кейин Туркистон ўлкасининг моддий маданият ёдгорликлари босқинчилар томонидан талон-тарож қилинди. Россиянинг машҳур музейлари - Эрмитаж, Фанлар Академиясининг Осиё музейи ва бошқа илмий марказларга кўплаб нодир осори-атиқалари ташиб кетилди. Босиб олинган халқларнинг маданий ёдгорликларини талаш давлат сиёсатига айланган эди. Туркистон ҳудудида археологик қазишмалар амалга оширилган вақтда топилган қадимги тангалар хазиналари, сопол, бронза, металл буюмлар давлат қоида-қонунларига биноан Петербургдаги Археология ҳайъатига юборилиши лозим бўлган. Шу кўрсатмага асосан Туркистондан топилган барча нодир

[185] Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: ... Б. 390.

ёдгорликлар Петербургга юборилган. Ҳайъат бу тангаларни, буюмларни илмий-тарихий аҳамиятини аниқлаб, энг муҳимларини Петербургда олиб қолган ва тегишли музейларга тарқатган. Маҳаллий аҳоли орасидаги коллекционерлар, қадимги буюмлар хаваскорлари йиққан коллекциялардан Археология ҳайъати текшириб, энг ноёбларини арзимаган мукофот бериб Россиянинг тегишли музейларига топширган. Шунингдек, Самарқанд, Бухоро ва бошқа тарихий шаҳарлардаги дунёга машҳур архитектура ёдгорликларидан сирли, нафис, гўзал қилиб ишланган кошинларни Туркистондаги чор маъмурлари талаб олиб, Петербургга, Эрмитажга юборган. Россияга ташиб кетилган ёдгорликлар ичида этнографик буюмлар катта ўрин эгаллаган. Рус шарқшунослари Туркистондан ўзбек ва бошқа маҳаллий халқлар аёлларининг зеб-зийнатларини, безаклари ва бошқа нарсаларини ташиб кетган. Шарқ халқлари кийимлари, чопон, нимча, кўйлак, бош кийим ва оёқ кийимларни Петербург музейларига олиб кетганлар. Санъат асарлари ҳисобланган халқ ҳунармандчилик буюмлари, безаб ишланган офтоба, чилопчин, қумғон, қозон, жом ва бошқа нарсаларни ҳам Россияга ташиб кетганлар. Чоризмнинг Туркистондан маданий бойликларни мажбурлаш, зўрлик йўли билан ташиб кетиши ўзбек ва бошқа маҳаллий халқлар маънавиятининг ривожланишига катта зарар етказди. Уларнинг тарихий хотирасини заифлаштирди.

ХУЛОСА

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон тарихини холис ва ҳаққоний тадқиқ этиш имконияти яратилди ва чоризм ҳамда совет мустабид тузуми давридаги мустамлакачилик сиёсатининг таъсири остида атайин бузиб кўрсатилган ёки умуман ўрганилмаган саҳифаларини ишончли манбалар асосида ўрганила бошланди.

Чор ҳукуматининг Туркистонда миллий маданият соҳасида олиб борган сиёсати Россия давлати манфаатини ҳимоя қилувчи, маҳаллий халқлар манфаатига зид бўлиб, унинг асл моҳияти ўлканинг моддий бойликларини талашдан иборат эди.

Маориф соҳасида эса чоризмнинг бутун саъй-ҳаракати ўлкада миллий маърифатни бўғишга, мадраса, мактаблар фаолиятини чеклашга қаратилди.

Чор Россияси босқинчилари Туркистонни истило қилганларидан кейин ўлкада миллий маорифни бошқарадиган шайх-ул-ислом, қозикалон, мутаваллибоши, раис лавозимларини тугатди. Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси, вилоятларда ўқув юртлари инспекцияси ташкил қилинди ва рус ўқув юртлари билан бирга мусулмон ўқув юртларини назорат қилиш улар зиммасига юкланди.

Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасида мусулмон мактабларини башқарувчи махсус инспектор лавозими жорий қилинди. Бундан назарда тутилган мақсад мадраса, мактабларни назорат қилишни кучайтириш эди.

Инспекторнинг барча кўрсатма ва топшириқларини мадрасаларнинг мутавалли, мударрис ва муллалари бажаришлари, мадрасаларнинг катта мударрислари инспекторга ойлик ва йиллик ҳисобот ёзиб туриши лозим эди. Шундай қилиб, миллий мактаблар Туркистондаги рус маъмурларига тўла бўйсундирилди. Ўқув юрти бошқармасига мадраса фаолияти зиёнли, деб топилса, уч йил давомида ўқиш бўлмаса,

мадраса биноси шикастланганлиги аниқланса, уларни ёпиш ҳуқуқи берилган эди.

Мадрасалар ҳуқуқини янада чеклаш, улар устидан назоратни кучайтириш, мадрасанинг бутун ички ишларидан хабардор бўлиб туриш мақсадида Туркистон генерал-губернаторлигида катта мударрис лавозими жорий этилди ва унинг мадраса ходимлари ва талабаларнинг ҳар бир иши, мударрислар дарсларининг йўналиши, мазмуни, муллаларнинг одоб-аҳлоқи, хатти-ҳаракати, хўжалик ишлари, вақф таркибидаги ўзгаришлар, вақфдан тушган даромад қандай мақсадларга сарфланаётганлиги ва бошқалар ҳақида ўқув юрти инспекторига ахборот бериб туриши шарт қилиб қўйилди.

Мадрасалар қуриш, уларга вақф таъсис қилиш Туркистон генерал-губернатори рухсатисиз амалга оширилмас эди. Мадрасалар ислом динини мустаҳкамлашга, халқ орасида дин таъсирини кучайтиришга хизмат қилишини, бу эса Россия ҳукумати манфаатига тўғри келмаслигини ҳисобга олиб, уларни очишга амалда рухсат берилмас эди. Генерал-губернатор Н.А. Иванов вилоят ҳарбий губернаторларига мусулмонлар вакилларининг мадраса очишни сўраб ёзган талабномаларини «рад қилиш керак ва бундан кейин ҳам рад қилинсин»деб фармойиш берган.

Чор ҳукуматининг миллий маориф тизимини заифлаштириш мақсадида амалга оширган тадбирларидан бири мадраса, мактаб ва бошқа диний ташкилотларнинг вақф мулкига бўлган ҳуқуқининг чекланиши эди. Барча вақф ерлари иккига бўлиниб, биринчи гуруҳдаги ерлар, яъни аҳоли яшайдиган вақф ерлари қишлоқ жамоаси ихтиёрига берилди ва давлат ер солиғи олинадиган бўлди. Мадрасалар бундай ерлардан вақфномада кўрсатилган даромадни олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Иккинчи гуруҳ вақф ерлари-ҳукумат томонидан эътироф этилган, аҳоли яшамайдиган вақф ерлари қайси вақф ташкилотига таъсис этилган бўлса шу ташкилотда қолдириладиган бўлди.

Россия императорининг қонуни билан вақф ислоҳоти ўтказилди. Ислоҳотдан кўзда тутилган мақсад-биринчидан, мадраса, мактаб, бошқа диний ташкилотларнинг вақф ерларини тортиб олиб, давлат ер солиғи солиб давлат хазинасини бойитиш ва иккинчидан, исломий ташкилотларнинг, ислом динининг моддий базасини заифлаштириш, мусулмон руҳонийларининг маҳаллий аҳолига таъсирини пасайтириш бўлган.

Вақф ислоҳотини ўтказиш бўйича қоида ва кўрсатмаларда вилоят бошқармаларига мадрасалар мутаваллилари томонидан ҳақиқийлигини текшириш учун топширилган вақфномаларни хон ва амирлар муҳри бўлса қонуний, бўлмаса ноқонуний, деб ҳисобланди. Шариат қоидаларига асосан вақфномага қозининг муҳри босилар, унинг хон ва амирлар томонидан тасдиқланиши шарт эмас, шу сабабли вақфномаларнинг 90 фоизида хон ва амирларнинг муҳрлари йўқ эди. Шуни баҳона қилиб чор маъмурий идоралари бундай вақфномаларни ноқонуний, деб ҳисобладилар. Бу ўта адолатсизлик бўлиб, мадрасаларнинг вақф ерларини чор ҳукумати томонидан очиқдан-очиқ талаш эди. Бунинг устига улар хатто хон ва амирлар муҳри билан тасдиқланган вақфномаларни ҳам турли баҳоналар билан ҳақиқий деб тан олмадилар, хусусан, агар вақфномалар катта ер майдонларига тегишли бўлган ҳолларда ушбу ерларни зўравонлик билан тортиб олдилар. Шу тариқа, чор маъмурлари кўплаб вақфномаларни қалбаки ёки вақфкор деҳқонлар вақф ерларида вақтинча ерга ишлов бериш, ҳосил йиғиб олиш вақтларида турган бўлса аҳоли яшайдиган вақф ерлар, деб мадрасаларни ўз мулкидан маҳрум қилган, давлат хазинасига ер солиғи олган. Вақф ерларининг чор ҳукумати томонидан тортиб олиниши мадрасаларнинг даромадсиз қолишига, мударрислар ва талабалар сони камайишига, мадраса биноларининг таъмирланмай харобага айланишига, айрим мадрасаларда ўқишнинг тўхтаб қолишига сабаб бўлди.

Вақф ислоҳотининг оқибатлари ўзбек халқи маърифати ривожига катта зиён етказди. Мадраса, мактаблар фаолияти заифлашди. Чор ҳукуматининг Туркистонда миллий маориф соҳасида олиб борган сиёсатининг мақсади ҳам шу эди.

Ўлканинг ижтимоий-иқтисодий қолоқлиги маҳаллий халқнинг илғор вакилларини ташвишлантирди. Жаҳонни кезган, билган зиёлилар, савдогарлар Ватанни ривожланган, бой мамлакатга айлантириш учун дунёвий билимларни кенг тарқатиш зарурлигини тушуниб етдилар. Жадидлар дастлаб Исмоил Гаспирали ғояси асосида янги усул мактаблари очиб, унда эски ёдлаш, ҳарфлаб ўқиш ўрнига европача бўғинлаб ўқиш усулини, диний билимлар билан бирга дунёвий билимларни ўрганишни жорий қилишди. Жадидларнинг жамиятни ривожлантириш учун дунёвий билимларни эгаллаш зарурлиги тўғрисидаги ғояси маорифдан ташқари адабиётга, санъатга, матбуотга, динга ва бошқа соҳаларга ҳам кўчди ва бутун бир ижтимоий ҳаракатга айланди. Мусулмон зиёлилари орасида икки оқим - қадимчилар ва янгилик тарафдорлари, жадидлар вужудга келган. Қадимчилар маориф соҳасида эски анъаналарни сақлаб қолишга, миллий маорифни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилдилар. Жадидлар илғор ғояларни, маданиятни, дунёвий фанлар ютуқларини ўз халқи ҳаётига киритишга уриндилар.

Қадимчиларни, мутаассиб руҳонийларни Россия империясининг душмани деб билган чор ҳукуматининг сиёсий органлари ва Туркистондаги рус маъмурлари жадидларни улардан ҳам кўра хавфли деб билар, хусусан, жадидлар халқни миллий руҳда тарбиялашга интилиши, ўз она тилидаги мактаб ва мадрасаларда ўқишга даъват этиши, руслаштириш сиёсатига қарши туриши уларни хавотирга солар эди. Чор амалдорлари янги усул мактабларини дунёвий фанларни ўқитиш билан бирга ёшларга аниқ сепаратистик ва тор миллатчилик ғояларини тарқатмоқда, улар мадраса, мактаблар каби фақат

панисломизмнигина эмас, балки пантуркизм ғояларини ҳам ёядиган маконга айланди, деб баҳолаган ва шу сабабли жадид мактабларига ўта салбий муносабатда бўлган, уларнинг очилишига қарши турган. Бироқ, бу мактаблар тўғрисида Марказдан ҳеч қандай кўрсатмалар берилмаганлиги туфайли ҳамда мусулмон аҳолисининг исломга, диний мактабларга ҳурмат билан қарашини ҳисобга олиб, маҳаллий маъмурият уларни қонунсиз ёпиш, таъқиқлашга ҳамма вақт ҳам журъат қила олмади. Чунки, бундай қўпол ҳаракатлар маҳаллий халқнинг норозилигига, ғалаён кўтаришига сабаб бўлиши мумкин эди.

Шундай бўлса-да, улар жадид мактабларини миллий мактабларга қўйилган умумий талаблар асосида ҳуқуқларини чеклашга, улар устидан назоратни кучайтиришга, Россия давлати манфаатига хизмат қилдиришга ҳаракат қилдилар. Ўқув юртлари инпектори рухсатисиз янги усул мактаби очиш тақиқланган эди. Бундай мактабларни очишга рухсат олиш учун мактабларнинг ўқув дастурини, дарсликлар рўйхатини топшириш шарт эди. Бу мактабларда рус тили дарсини ўқитиш тавсия этилган. Вилоят ўқув юртлари инспекторига янги усул мактабларини доимий назорат қилиб туриш топширилган.

Туркистон ўлкасининг илғор зиёлилари жадидчилик ғояларини қаътий туриб ҳимоя қилганлиги, янги усул мактабларини очишга чор маъмурлари расман рухсат бермаганда яширин ҳолатда оча бошлаганлиги, маҳаллий халқнинг жадид мактабларини қўллаб-қувватлаганлиги туфайли чор ҳукумати, унинг Туркистондаги вакиллари бу мактабларнинг миллий мактаблар каби ҳуқуқларини чеклади, бироқ бутунлай тақиқлай олмади.

Мустамлакачилар фақат миллий маориф тизимига зарар етказиш билан кифояланмай, ўзбек халқининг маданий бойликларини талаш, талон-тарож қилиш билан ҳам шуғулланди. Ўрта Осиёни босиб олиш жараёнида қадимги Шарқ қўлёзмаларини тортиб олишни чор ҳукумати ўзининг асосий мақсадларидан бири қилиб қўйган.

Россия ҳарбий қўшинлари қўмондонлари ва зобитларига хонликлар ҳудудини босиб олишда моддий бойликлар, қимматбаҳо буюмлар билан бирга тарихий ва маданий ёдгорликларни, осори-атиқаларни, қўлёзма китобларни, архив ҳужжатларини эгаллаб олиш буюрилган. Туркистон халқларининг асрлар давомида асраб келган қўлёзма асарлари ва бошқа маданий ёдгорликлари чор Россия босқини жараёнида ва ундан кейин босқинчилар томонидан таланган. Шаҳарларни босиб олишда қўлга киритилган қўлёзма китобларни, ҳужжатларни, бошқа Шарқ ёдгорликларини илмий қимматини аниқлаш ва тортиб олиш учун ҳарбий штабга махсус шарқшунослар ҳам бириктирилган эди.

Чор ҳукуматининг босиб олинган ҳудудларидаги маданий бойликларини талаш сиёсатини тўла амалга ошириш мақсадида Туркистон генерал-губернатори ҳузурида бу вазифани бажаришга мўжалланган махсус лавозим жорий қилинган. Бу лавозимга масалани моҳиятини тушунадиган шарқшунос мутахассислар тайинланган.

Подшо Россияси ҳукумати ва унинг Туркистондаги амалдорлари, ҳарбийлари томонидан кўрилган қатъий чоралар натижасида кўплаб қимматли қўлёзма китоблар тортиб олинган ва мамлакат пойтахти Санкт-Петербургга ташиб кетилган.

Шарқ қўлёзмалари босқинчилар томонидан асосан икки йўл билан йиғилган. Биринчидан, Бухоро амирлиги, Хива, Қўқон хонликлари забт этилганда хонлар, беклар саройларидан ҳарбий қўшин бошлиқлари томонидан талаб олинган. Иккинчидан, масжид, мадрасалар кутубхоналаридан, китобсевар ерли зиёлилар қўлидан чор амалдорлари тазйиқ ўтказиб тортиб олишган.

Қўлёзма китоблар билан бирга хонликларнинг архивлари ҳам босиб олинди ва Петербургдаги Император кутубхонасига юборилди. Архивларнинг босиб олиниши уларга катта зиён етказди. Ҳужжатларнинг бир қисмини йўқолишига сабаб бўлган.

Туркистон босиб олингандан кейин генерал-губернатор марказий ҳукумат кўрсатмаси билан доимий равишда ўлкада топилган қимматбаҳо миллий маданият ёдгорликлари, санъат асарларини Россия музейларига жўнатиб турди. Подшо Россияси пойтахти Петербург музейларига Туркистондан жўнатилган тарихий ёдгорликлар хилма-хил бўлган. Туркистоннинг машҳур архитектура ёдгорликларидан қимматли, сирли, гўзал кошинлар, ер остидан топилган қадимий олтин, кумуш, мис тангалар, сопол, бронза, металл буюмлар Петербург музейларига олиб кетилган. Маҳаллий аҳоли хонадонларида оила ёдгорликлари ҳисобланган безаб ишланган санъат асарлари-офтоба, чилопчин, қумғон, мис қозон, жом ва бошқалар тазйиқ ўтказиб олиб кетилган. Ўлкадаги этнографик материаллар, аёлларнинг зеб-зийнатлари тортиб олинган. Туркистон халқларининг бу қимматбаҳо санъат асарлари, тарихий ёдгорликлари чор маъмурлари томонидан Россия музейларига ташиб кетилган.

Чор ҳукуматининг Туркистонда маданий соҳада олиб борган сиёсати миллий маданиятни чеклаш, йўқ қилишга, мадраса, мактаблар фаолиятини заифлаштиришга, маҳаллий аҳолининг маданий меросини талашга қаратилган эди. Чор маъмурлари ерли халқ маънавиятини сўндиришга интилди. Шу йўл билан Туркистон халқларини чор ҳукуматига тобе қилишга, ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди.

Шундай шароитда ҳам ерли аҳолининг маданияти тараққиёти тўхтаб қолмади, айрим натижаларга эришилди. Қўлга киритилган ютуқларда рус халқининг бу соҳалардаги ютуқларининг таъсирини ҳам инкор этиб бўлмайди. Лекин маданият тараққиётига чоризмнинг етказган талофати улкан бўлди.

Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишимизнинг натижаларидан ва ҳозирги тарих фанининг талабларидан келиб чиқиб қуйидаги амалий тавсияларни бериш мумкин:

- Чоризм мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон маданияти тарихини мустақиллик мафкураси асосида комплекс тарзда ўрганиш ва китоб шаклида чоп этиш.

- Ўзбекистон маданияти тарихига оид чоризм давридаги ўзбек тилидаги архив ҳужжатларини, миллий матбуот материалларини, хотираларни ҳужжатлар тўплами қилиб нашр этиш.

- XIX аср - охири XX аср бошларида фаолият кўрсатган Ўзбекистон маданиятининг машҳур намоёндаларининг биографияларини яратиш ва тўплам шаклида нашр этиш.

- Туркистон чор ҳукумати ҳукмронлиги даврида ташиб кетилган ва Россия музейлари, кутубхоналари, илмий марказларида сақланаётган ўзбек халқининг маданий ёдгорликлари каталогларини тузиш ва эълон қилиш.

- Вилоятлар ҳокимиятларининг маданий бошқармалари қошида вилоят маданияти тарихини ўрганиш ва ташвиқот қилиш жамоатчилик кенгашини тузиш.

- Университетларнинг тарих, филология факультетларида, маданият, педагогика институтларида «XX асрда Ўзбекистон маданияти тарихи» мавзусида махсус курс ўқитилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. - Тошкент: Ўзбекистон, 1992. - 62 б.

1.2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Тошкент: Ўзбекистон, 1992. - 78 б.

1.3. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. - Тошкент: Ўзбекистон, 1993. - 128 б.

1.4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. - Тошкент: Ўзбекистон, 1995. - 269 б.

1.5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1995. - 76 б.

1.6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - 156 б.

1.7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - 256 б.

1.8. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. «Таффаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - 30 б.

1.9. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Тошкент: Шарқ, 1998. - 31 б.

1.10. Каримов И.А. Имом Ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқ // Халқ сўзи. 1998, 23 окт.

1.11. Каримов И.А. Аҳмад Ал-Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқ // Халқ сўзи. 1998, 24 окт.

1.12. Каримов И.А. Юксак маънавият-жамият тараққиётининг асоси // Халқ сўзи. 1998, 12 ноябр.

1.13. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида / Ўзбекистон буюк келажак сари - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. Б. 299-300.

1.14. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI - асрга интилмоқда - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. - 48 б.

1.15. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. - 30 б.

II. Эълон қилинган манбалар.

2.1. Всеподданнейший отчет по Туркестанскому генерал-губернаторству 1889 - 1895 г. - С.-Петербург: Б.И., 1895. - 319 с.

2.2. Гирс Ф.К. Отчет о состоянии Туркестанского края, составленный сенатором тайным советником Гирсом, командированным для ревизии края по высочайшему повелению. В двух частях, ч. 1. Администрация и управление краем; ч. 2. Суд. Финансы. - С.-Петербург: Б.И., 1888. - 215 с.

2.3 Духовской С.М. Всеподданнейший доклад Туркестанского генерал-губернатора генерала от инфантерии Духовского. Ислам в Туркестане. - Ташкент: Б.И., 1899. - 313 с.

2.4 Кауфман К.П. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адьютанта К.П. Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 7. XI. 1867. - 25. II. 1881. - С.-Петербург: Б.И., 1885. - 438 с.

2.5 Отчёт императорской народной библиотеки за 1876 г. - С.-Петербург: Б.И., 1876. - 217 с.

2.6 Пален К.К. Отчет по ревизии Туркестанского края, произведенной по высочайшему повелению сенатором гофмейстером графом К.К. Паленом. - С.-Петербург: Б.И., 1909. - 353 с.

2.11 Проект Положения об управлении в Семиреченской и Сыр-Дарьинской области. - С.-Петербург: Б.И., 1867. - 267 с.

III. Архив манбалари

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви

3.1. 1 - фонд - Туркистон генерал-губернаторининг девонхонаси.

3.2. 5 - фонд - Зарафшон округи бошлиғи.

3.3. 19 - фонд - Фарғона вилояти бошқармаси.

3.4. 23 - фонд - Фарғона вилояти Скобелев уезди бошлиғи бошқармаси.

3.5. 36 - фонд - Тошкент шаҳар бошлиғининг бошқармаси.

3.6. 47 - фонд - Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси.

3.7. 717 - фонд - Туркистон генерал-губернаторининг кенгаши.

IV. Монография ва мақолалар

4.1. Абаза К.К. Завоевание Туркестана. - С.-Петербург: Б.И., 1902. - 311 с.

4.2. Абдурахимова Н. Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX - первой четверти XX в.в. - Ташкент: Университет, 1999. - 283 с.

4.3. Абдусамедов А.И. Ўзбекистонда атеистик дунёқарашнинг қарор топиши. - Тошкент: Ўзбекистон, 1973. Б. 184.

4.4. Агзамходжаев С.С. Газета «Хуррият» как источник по истории общественно-политической жизни Туркестана (март-октябрь 1917) // Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория проблемы, перспективы изучения: - Ташкент: Фан, 1991. С. 102-116.

4.5. Агзамходжаев С.С. Шурои-исломия - асли қандай эди // Фан ва турмуш. - 1992. - № 5-6. Б. 8-19.

4.6. Агзамходжаев С.С. Туркистон мухторияти. – Тошкент.: Маънавият, 2000. - 165 б.

4.7. Акрамов И. XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанд вилояти мадарасалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - 1994. - № 3-4. Б. 54 -57.

4.8. Алимов И.А. Эски мактаб ислоҳоти ташаббускори (Мунаввар Қори ҳақида) // Халқ таълими. - 1993. - № 10-12. Б. 5-8.

4.9. Алимова Д.А. Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость. - Ташкент: Узбекистон, 2000. - 24 с.

4.10. Алимова Д.А. Жадидчилик харакатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури / Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Даврий тўплам. № 1) / Масъул мухаррир Д.А. Алимова. - Тошкент: Университет, 1999.

4.11. Алимова Д., Рашидова Д. Махмудходжа Бехбудий и его исторические воззрения. - Ташкент: Маънавият, 1998. - 40 б.

4.12. Бартольд В.В. Ислам. Общий очерк. - Петроград: Огни, 1918. - 98 с.

4.13. Бартольд В.В. Культура мусульманства. Общий очерк. - Петроград: Огни, 1918. - 118 с.

4.14. Бартольд В.В. Хранение документов в странах мусульманского Востока // Архивные курсы. - Петроград, 1920. С. 17-19.

4.15. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. - Ленинград: АН СССР, 1927. - 256 с.

4.16. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. - Москва: Академии пед. наук РСФСР, 1960. - 509 с.

4.17. Беҳбудий М. Тарих ва жўғрофия // Ойна. - 1914. - № 24. Б. 102-105

4.18. Беҳбудий М.. Бизга ислоҳ керак // Нажот. 1917 йил, № 18, 7 ноябрь, (17 октябрь)

4.19. Бобобеков Х. Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки - Ташкент: Фан, 1990. - 120 с.

4.20. Бунаков Е.В. К истории сношений России со среднеазиатскими ханствами в XIX в. // Советское востоковедение. - М.-Л., 1941. Т. II. С. 21-24.

4.21. Валидий Туғон, Аҳмад Закий. Бўлинганни бўри ер: Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар. - Тошкент: Адолат, 1997. - 278 б.

4.22. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. - Москва, 1874. - 361 с.

4.23. Вахидов Х.П. Политические взгляды просветителей народов Средней Азии во второй половине XIX в. // Советское государство и право. - 1955. - № 7. С. 100-109.

4.24. Ваҳобов М.Г. Тошкент уч революция даврида - Тошкент: Уздавнашр 1958. - 292 б.

4.25. Ваҳобов М.Г. Ўзбек социалистик миллати - Тошкент: Уздавнашр, 1961. - 587 с.

4.26. Вяткин М.П. Социально-экономическое развитие Средней Азии (историографический очерк). 1865 - 1965. - Фрунзе: Илим, 1974. - 263 с.

4.27. Галузо П. Туркестан - колония. - Ташкент: Госиздат, 1935. - 226 с.

4.28. Галузо П. К истории колониальной эксплуатации Казахстана в конце XIX - начале XX вв. (на материале южных районов Казахстана) Особенности империализма в России. - Москва: Госиздат, 1963. - 297 с.

4.29. Гаспринский И. Русское мусульманство. - Петербург: Б.И., 1881. - 319 с.

4.30. Граменицкий С.М. Очерки развития народного образования в Туркестанском крае. - Ташкент: Б.И., 1896. - 88 с.

4.31. Граменицкий С.М. Положение народного образования в Сыр-Дарьинской области. - Ташкент, 1916. - 159 с.

4.32. Ёрқин Иброҳим. Эшон хўжа// Хур Туркистон учун. 1975 йил, № 3-4. Қаранг: Қаҳҳор Тоҳир. «Хур Туркистон учун». Мақолалар. - Тошкент: Чўлпон, 1994. Б. 20-21.

4.33. Долимов У. Абдулла Авлоний ва мактаблар // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1990. - № 4. Б. 23-26.

4.34. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. (Даврий тўплам. № 1) / Масъул мухаррир Д.А. Алимова. - Тошкент: Университет, 1999. - 219 б.

4.35. Зиёев Х.З. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукумронлигига қарши кураш. - Тошкент: Шарқ, 1998. - 475 б.

4.36. Ибрат. Тарихи Фарғона // Мерос. - Тошкент: Камалак, 1991. - 327 б.

4.37. Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в. - Ленинград: Гос. биб-ка, 1940. - 290 с.

4.38. История Коканда. - Ташкент: Фан, 1984. - 215 с.

4.39. История Ташкента. С древнейших времен до победы февральской буржуазно-демократической революции. - Ташкент: Фан, 1988. - 291 с.

4.40. История Узбекской ССР / Под ред. М.Г. Вахабова, Я. Непомнина и Т.Н. Кары-Ниязова. - Ташкент: АН УзССР, 1956. Т. I, кн. 2. - 497 с.

4.41. Исхаков Ф.Б. Национальная политика царизма в Туркестане (1867 - 1917). - Ташкент: Фан, 1997. - 216 с.

4.42. Кары-Ниязов Т.Н. Избранные труды. В 8 томах. - Ташкент: Фан, 1967. Т. 5. - 380 с.

4.43. Керенский Ф.М. Медресе в Туркестанском крае. - С.-Петербург: Б.И., 1892. - 37 с.

4.44. Кочаров В.Т. Из истории народного образования в Туркестанском крае. – Ташкент.: Госиздат УзССР, 1959. - 79 с.

4.45. Кун А. Л. Мусульманские школы // Туркестанские ведомости. 1876, № 37. С. 3.

4.46. Кун А.Л. Очерк кокандского ханства // Известия русского географического общества. - С.-Петербург, 1877. Т. XII С. 72-73.

4.47. Лаврентьев В.Л. Капитализм в Туркестане. Буржуазная колонизация Средней Азии. - Ленинград: Коммунистич. акад., 1930. - 160 с.

4.48. Лунин Б.В Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. Конец XIX - начало XX в. - Ташкент: АН Уз ССР, 1962. - 344 с.

4.49. Лыкошин Н.С Полжизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. - Пг.: Б.И., 1916. - 415 с.

4.50. Муминов И. Из истории развития общественно-философской мысли Узбекистана. Конец XIX и начало XX вв. - Ташкент: Узгосиздат, 1957. - 214 с.

4.51. Наливкин В.П. Краткая история кокандского ханства. - Казань: Б.И., 1886. - 215 с.

4.52. Наливкин В.П. Что даёт среднеазиатская мусульманская школа в образовательном и воспитательном отношениях // Туркестанский литературный сборник в пользу прокаженных. - С.-Петербург: Б.И., 1900. - 409 с.

4.53. Наливкин В.П. Положение вакуфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания. // Ежегодник Ферганской области. - Новый Маргилан, 1904. Т. 3 1. - 56 с.

4.54. Наливкин В.П. Конспект лекций по истории ислама и по мусульманскому праву, читанных В.П. Наливкиным в 1906 - 07 учебном году. - Ташкент: Б.И., 1908. Ч. 1. - 86 с.

4.55. Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. - Ташкент: Изд-во Кирснера, 1913. - 114 с.

4.56. Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных медресе Сыр-Дарьинской области в 1890 - 1891 уч. году. - Ташкент: Б.И., 1916. - 72 с.

4.57. Новицкий К.П. Политика царского правительства в области народного образования в Туркестанском крае. - Ташкент: Уздавнашр, 1959. - 123 с.

4.58. Остроумов Н.П. Исторический очерк народного образования в городах и укреплениях бывшей Сыр-Дарьинской и Туркестанской области с 1860 г. по 1867 г. - Ташкент: Б.И., 1881. - 287 с.

4.59. Остроумов Н. П. Константин Петрович фон Кауфман, устроитель Туркестанского края. Личные воспоминания Н.П. Остроумова. - Ташкент: Б.И., 1899. - 287 с.

4.60. Остроумов Н.П. Сборник по исламу. - Ташкент: Б.И., 1902. Т. II. - 116 с.

4.61. Остроумов Н.П. К истории мусульманского образовательного движения в России в XIX и XX столетиях // Мир ислама. - С.-Петербург, 1913. С. 68-76.

4.62. Остроумов Н.П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. - Ташкент: Б.И., 1914. - 186 с.

4.63. Остроумов Н.П. Мадрасы в Туркестанском крае (общий очерк к XV - XX в.в.) // Журнал министерства народного просвещения. Новая серия. - С.-Петербург, 1907. Ч. VII, отд. III. С. 3-59.

4.64. Отабеков Т. Андижонда мактаб. Усули жадид ва имтихон // Туркистон вилояти газети. 1900, № 21.

4.65. Растиславов М.Н. Несколько слов о важности вакуфных документов // Туркестанские ведомости. 1873, № 42.

4.66. Расулов Б.М. Туркистон мадрасалари // Фан ва турмуш. - 1996. - № 2. Б. 10-13.

4.67. Ризабоев Т. Илмнинг қаноти // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993, 14 май.

4.68. Савицкий А.П. Некоторые данные об исламских учреждениях и политика царских властей в Туркестане. - Ташкент: АН УзССР, 1956. - 244 с.

4.69. Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркестане. - Ташкент: САГУ, 1963. - 208 с.

4.70. Садыкова Н. С. Музейное дело в Узбекистане. - Ташкент: Фан, 1975. - 129 с.

4.71. Саидбаев Т. Откровение через вечное // Звезда Востока. - 1995. - № 3-4. С. 4-6.

4.72. Сафаров Т.И. Колониальная революция (Опыт Туркестана). - Москва: Госиздат, 1921. - 219 с.

4.73. Солиев П. Ўзбекистон тарихи. - Ташкент: Ўздавнашр, 1928. - 139 б.

4.74. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши / Масъул мухаррир Д.А. Алимова. - Тошкент: Шарқ, 2001. - 464 б.

4.75. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. - С.-Петербург: Б.И., 1906. Т. III. - 29 с.

4.76. Тошматов Э. Амир Темур совғаси // Фан ва турмуш. - 1990. - № 11. Б. 15.

4.77. Троицкая А.Л. Архив кокандских ханов XIX в. (Предварительный обзор) // Восточный сборник. - Ленинград, 1957. Т. II. С. 25-27.

4.78. Троицкая А.Л. Каталог архива кокандских ханов XIX в. - Москва: Наука, 1968. - 582 с.

4.79. Турдиев Ш. Исмоилбек Гаспирали ва Туркистон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991, 15 март.

4.80. Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. - Ташкент: Шарқ, 2000. - 672 с.

4.81. Туркистон мактаблари // Садои Туркистон. 1914, № 1.

4.82. Туркистоний Мусо. Улуғ Туркистон фожиаси. - Мадинаи Мунаввара, 1979. - 238 б.

4.83. Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России (60-90-е годы XIX в.). - Москва: Наука, 1965. - 468 с.

4.84. Хасаний Мажид. Туркистон босқини - Тошкент: Нур, 1992. - 128 б.

4.85. Холбоев С. Мунаввар Қори // Мулоқот. - 1997. - № 1. Б. 24-25.

4.86. Чабров Г.Н. Выставочная работа в Туркестанском крае (1865 - 1916) // Труды музея истории Узбекской ССР. - Ташкент, 1970. Вып. III. С. 38-46.

4.87. Шамсутдинов Р. Жадидчилик: ҳақиқат ва уйдирма // Мулоқот. - 1991. - № 11-12 Б. 56-64.

4.88. Шамсутдинов Р., Расулов Б. Туркистан мактаб ва мадрасалари тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари). - Андижон: Мерос, 1995. - 187 б.

4.89. Шарофутдинов О. Истиқлол фидойилари. - Тошкент: Шарқ, 1993. - 138 б.

4.90. Ўзбек Совет энциклопедияси. - Тошкент: Ўзб. Сов. Энцик. 1975. I-жилд. - 637 б.

4.91. Ўзбекистон ССР тарихи / Маъсул мухаррир И. Муминов. - Тошкент: Фан, 1967. 2-жилд. - 707 б.

4.92. Ўзбекистон тарихи: янги нигох, жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. - Тошкент: Эльдинур, 1998. - 94 б.

4.93. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилги даврида / Таҳрир хайъати: (Раис А. Азизхўжаев). Содиқов Ҳ., Шамсутдинов Р., Равшанов П., Усмонов Қ. ва бошқалар. - Тошкент: Шарқ, 2000. - 463 б.

4.94. Ўзбекистон тарихининг долзарб муоммаларига янги чизгилар. (Даврий тўплам 2) / Масъул мухаррир Д.А. Алимова. - Ташкент: Шарқ, 1999. - 207 б.

4.95. Қаҳҳор Тоҳир. Ҳур Туркистон учун. Мақолалар. - Тошкент: Чўлпон, 1994. - 112 б.

4.96. Қосимов Б. Жадидчилик // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1990. - № 4. Б. 15-20.

4.97. Қосимов Б. Исмоил Гаспирали. - Тошкент: Матбаа бирлашмаси, 1992. - 48 б.

4.98. Қори-Ниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. - Тошкент: Уздавнашр, 1956. - 400 б.

V. Диссертация ва авторефератлар

5.1. Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX - начало XX вв).: Дис. ... док-ра. истор. наук. - Ташкент, 1994. - 273 л.

5.2. Болтабоев С.Д. Вакфное имущество в Туркестанском крае во второй половине XIX и в начале XX в.: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Ташкент, 1995. - 19 с.

5.3. Исмоилов Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX – начале XX вв.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 1981. - 27 с.

5.4. Казаков Т.К. Общественно-политическое положение в Ферганской долине и джадидское движение в начале XX века.: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Ташкент, 2001. - 26 с.

5.5. Карлыбоев М. История народного образования в Каракалпакии в XIX - начале XX веков.: Автореф. дис. ...канд. истор. наук. - Нукус, 1995. - 24 с.

5.6. Расулов Б.М. Из истории мусульманских мактабов и медресе Узбекистана (конец XIX - 20-е годы XX в).: Автореф дис. ... канд. истор. наук. - Андижан, 1996. - 32 с.

5.7. Расулов Б.М. Ўзбекистондаги мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихидан (XIX аср охири - XX асрнинг 20-йиллари).: Тарих фанлари номзоди... дис. - Андижон, 1996. - 168 в.

5.8. Салижанова Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX- начало XX вв.).: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. - Ташкент, 1998. - 28 с.

5.9. Садыков Х.Д. Колоннальная политика царизма в Туркестане и борьба за независимость в начале XX в.: Автореф. дис. ... д-ра истор. наук. - Ташкент, 1994. - 38 с.

5.10. Худайкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX - начало XX в.).: Автореф. дис. ...канд. истор. наук. - Ташкент, 1995. - 24 с.

VI. Даврий матбуот .

6.1. Журнал Министерства народного просвещения - 1913.

6.2. Звезда востока - 1995.

6.3. Мулоқот. - 1997.

6.4. Нажот. - 1917.

6.5. Ойна. - 1914.

6.6. Садои Туркистон. - 1914.

6.7. Туркестанские ведомости. - 1873 - 1876.

6.8. Туркистон вилояти газети. - 1900.

6.9. Фан ва турмуш. - 1990.

6.10. Хур Туркистон учун. - 1943.

6.11. Халқ таълими. - 1993.

6.12. Шарқ юлдузи. - 1993.

6.13. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1993.

6.14. Ўзбек тили ва адабиёти. - 1990.

6.15. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - 1994.